Маматқул ЖЎРАЕВ

# ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЙЯТ** ИНСТИТУТА

**Маматқул ЖЎРАЕВ**

# ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

5810500 - «Халқ ижодиёти» таълим йўналишининг «Фольклор-этнографик жамоалари ташкилотчиси» соҳаси учун ўқув қўлланмаси

Тошкент - 2008

лₐ«чГм рўкувкЎлланмач АбДУиа Қодирий номидаги Тошкмп
ч "Гя и к Г„~ ш,мий ~ — ч *

«26» декабрь 2006 йил 4-сонли мажлис баёни

**"Фольклоршунослик асослари" ўкув кўлланмаси ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиш тарихи, асосий тараққиёт йўналишлари ва ривожланиш босқичлари, етакчи илмий мактабларнинг назарий мезонлари, халқ бадиий ижодиётини ўрганишнинг аҳамияти ва моҳияти, фольғлор жанрларини тадқиқ этиш борасида эришилган асосий натижалар тахлили асосида талабаларга фольклоршуносликнинг илмий тамойиллари хусусида чуқур билим беради.**

**Мазкур ўқув қўлланмаси Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг "Халқ бадиий ижодиёти" факультети "Фольклор-этнографик жамоаларга раҳбарлик" мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган талабалар**

**Масъул муҳаррир:**

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор**

**Саодат ЙЎЛДОШЕВА**

**Тақризчилар:**

**филология фанлари доктори Асқар МУСАҚУЛОВ**
**филология фанлари номзоди Нозим ҚОСИМОВ,**

**© Республика методика ва ахборот маркази, 2008.**

# СЎЗБОШИ

**Ўзбек фольклоршунослиги кўп тармокли фан йўналиши бўлиб, ҳозирги кунда унинг эпосшунослик, эртакшунослик, қўшиқшуносик, мусика фольклоршунослиги каби бир қатор фундаментал тадкиқот йўналишларига эга. Шунингдек, ҳозирга қадар мифология ва қадимги давр фольклори, узбек фольклорининг тарихий тараққиёти, маросим фольклори, болалар фольклори, халқ лирикаси, фольклор ва ёзма адабиёт муносабати, узбек фольклорининг эпик жанрлар тизими, халқ достончилиги, достончилик мактаблари ва уларнинг эпик анъаналари, туркий халқдар фольклорининг ўзаро алоқалари ва фольклорда жанрлараро муносабатлар, оғзаки театр ва халк томоша санъати, халқ мусиқаси ва анъанавий рақс санъатини ўрганишга дойр қатор тадқиқотлар силсиласи юзага келган.**

**Узбек фольклоршунослари халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаш ва тадқиқ этиш билан шугулланибгина қолмасдан, фольклор намуналарини нашр қилиш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришдилар. "Узбек халк достонлари" силсиласида нашр этилган қатор эпик асарлар, "Узбек халк ижоди" кўпжилдилигининг қирққа яқин томлари чоп эттирилганлиги, шунингдек, ўзбек халқ мақолларининг икки жилдлик академик нашри, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган кўплаб алоҳида нашрлар бунинг яккрл далилидир. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин бошқа фанлар қатори узбек фольклоршунослиги фани ҳам ўзининг янги тараққиёт боскичига кўтарилди. "Алпомиш" достони яратилганлигининг 1000 йиллиги кенг тантана килиниши халк оғзаки бадиий ижодиётини тадқиқ ва тарғиб этиш борасида мислсиз катта имкониятларга йўл очиб берди. Натижада узбек фольклоршунослари "Алпомиш" достони Фозил Иўлдош ўғли вариантининг илмий-академик нашрини, шунингдек, Бекмурод Жўрабой ўғли, Пўлкан шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Берди бахши, Саидмурод Панох ўглидан ёзиб олинган вариантларини нашрга тайёрлаб, чоп эттирдилар. Фольклоршунослик тарихида биринчи марта "Гўрўғли" туркумига кирувчи достонларнинг Раҳматулла Юсуф ўғлидан ёзиб олинган барча намуналари тўла ҳолида нашр эттирилди. Бундан ташқари, ўзбек халқ мақоллари, маросим қўшиқлари, афсона ва ривоятлардан тузилган мажмуалар ўқувчилар қўлига етиб борди.**

**Узбек фольклоршунослиги халқ ижоди асарларини илмий тадқиқ этиш борасида- ҳам жиддий ютуқларга эришди. Халқ эпосининг ўзига хос табиати, эпик сюжетлар генезиси, мотивлар поэтикаси, образлар силсиласи хусусида янгидан-янги тадқиқотлар юзага келди. Маросим фольклорининг жанрлар таркиби, худудий-локал хусусиятлари, келин салом, ёр-ёр, лапар, ўлан, олкиш каби жанрларнинг тарихий асослари ва бадииятига дойр илмий тадқиқотлар яратилди. Узбек мифологиясининг генетик илдизлари ва фольклор асарларидаги бадиий вазифалари, ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётидаги мифологик персонажлар, "Авесто" ва узбек фольклори, миф ва фольклор муносабати, ўзбек мумтоз адабиётида фольклоризмлар, фольклорнинг ҳозирги адабий жараёндаги ўрни, ҳозирги тарихий-фольклорий жараён изчил ўрганилаётганлиги фольклоршуносликни янги босқичга кўтарди.**

**Бугунги кунда олий ўкув юртларида фольклоршуносликнинг алоҳида ўқув предмета сифатида ўқитилаётганлиги ҳам халқ огзаки бадиий ижодиётининг маънавий-маданий тараққиетда гоят муҳим ўрин тутишини курсатади. Хусусан,**

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг "Хал<; бадиий ижодиёти" факультета "Фольклор-этнографик жамоаларга раҳбарлик' мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган талабалар "Фольклоршунослис асослари" фани орқали ўзбек олимларининг халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини ўрганиш борасида эришган энг янги илмий-назарий ютукларидал баҳраманд бўладилар.

"Фольклоршунослик асослари" фанининг асосий мақсади ва вазифалари *бу* фаннинг ўзига хос илмий мезонлари ва критерийларини кўрсатиш, фольклоршуносликдаги асосий илмий методлар ва илмий мактаблар, ҳозирги кунга қадар эришилган асосий натижалар, узбек фольклорный мустақиллик даврида ўрганишнинг янгича тамойиллари ва бу фаннинг истиқболлари ҳақид *i* чуқур билим беришдан иборатдир.

"Фольклоршунослик асослари" фани - ўзбек фольклоршунослигининf шаклланиш тарихи, асосий тараққиёт йўналишлари ва ривожланиш боскичлари, етакчи илмий мактабларнинг назарий мезонлари, халқ бадиий ижодиётини ўрганишнинг аҳамияти ва моҳията, фольклор жанрларини тадқиқ этиш борасида эришилган асосий натижалар тахлили асосида талабаларп фольклоршуносликнинг илмий тамойиллари хусусида чуқур билим беради.

Узига хос тараққиёт йўли ва қисқа вакт ичида эришган оламшумул ютуқлари билан жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаган мамлакатимизнинг ойдин истиқболи илм-фаннинг энг янги натижаларини пухта ўзлаштирган юқори малакали кадрлар фаолияти билан бевоситч боғлиқдир. Шунинг учун ҳам "Фольклоршуносликка кириш" номли мазкур ўқув қўлланмасида ўзбек фольклоршунослиги фанининг илмий-назарин йўналишлари, фольклоршунослик тарихи, фольклорни ўрганиш борасида ҳозирга қадар эришилган асосий натижалар, назарий ва амалим фольклоршуносликнинг ўзига хос хусусиятлари билан бир қаторда дун'5 фольклоршунослигининг тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлган етакчн илмий мактаблар ва уларнинг асосий назариялари, фольклорни ўрганишнин' турли хил метод ва усуллари, фольклоршунослик ва унга ёндош фанларншг ўзаро муносабати тўғрисида ҳам муфассал маълумот берилади. Чунки бўлажак фольклоршунос, яъни ўзбек халқ огзаки бадиий ижодини ўрганувчи мутахасси; фольклоршунослик тарихида "фин мактаби", "мифологик мактаб", "тарихин мактаб", "анторопологик мактаб", "ритуал-мифологик мактаб" каби номлар билан аталган илмий мактабларнинг изланишлари ва улар томонидан яратилган илмий-назарий концепцияларнинг халқ ижодини тадқиқ этишдаги аҳамиятини яхши билиши, уларнинг филологик тадқиқотлар тизимида тутган ўрнига тўғрп баҳо бера билиши лозим.

"Фольклоршуносликка кириш" номли қўлланма шу йуналишди мамлакатимизда яратилган илк ўқув қўлланмаси бўлганлиги учун унда муайяи камчиликлар, етишмовчиликлар бўлиши табиий. Шунинг учун ҳам мутахассислар мазкур қўлланма тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлими ҳамдi А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти "Халқ ижодиёти' кафедрасига юбориш орқали қўлланмани янада мукаммаллаштиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар деб умид қиламиз.



# ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК МАКТАБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НАЗАРИЯЛАРИ

## ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИКДА «МИФОЛОГИК МАКТАБ» НАЗАРИЯСИ

Мифологик мактаб - дунё фольклоршунослигидаги кенг тарқалган илмий йўналишлардан бири. Бу мактаб вакиллари мифология, мифик образ, мифологик сюжет ва мотивлар фольклорнинг заминини ташкил этади деб ҳисоблайдилар.

Маълумки, миф қадимги одамнинг борлиқ олам ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари мажмуи бўлиб, коинотнинг яратилиши, инсон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг вужудга келиши, самовий жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари ва мох,ияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъбудлар ва илоҳлар тўғрисидаги эътиқодий қарашларни ўз ичига олган. Ҳали ўзини табиатдан ажратиб олмаган қадимги одам ўз атрофидаги модций мавжудликнинг пайдо бўлиш сабабларини мифологик тасаввурлар воситасида изохдашга, тушунтиришга ҳаракат қилган. Миф қадимги одамнинг воқеликка бўлган онгсиз ҳиссий муносабати ифодаси блиб, табиат ва жамият ҳаётининг турли қирралари моҳиятани тушунтирувчи энг қадимги тасаввурлар силсиласидир. Мифологик тасаввурлар муайян воқелик мохиятини хаёлий уйдирма воситасида изохдаса-да, миф яратилган ва оммалашган жойида ўз ижодкори ва ижрочилари томонидан хакикатда бўлиб ўтган вокеалар баёни сифатада қабул қилинган.

Қадимги одамнинг табиатни тушуниши ва воқеликни идрок этиши гоят мураккаб тафаккур ҳодисаси ҳисобланади. Аждодларимиз ўзини ўраб олган моддий оламнинг сир-асрорларини тушунишга, табиий ходисаларнинг мохиятини англашга ҳаракат қилар экан, бутун борлиқни бор бўй-басти билан қабул қилган. Моддий оламдаги воқеликни идрок этишда образлилик ва поэтик рамзлардан фойдаланиш эса бадиий ижодга хос белги бўлиб, воқеликка онгли ҳиссий муносабат билдиришга асосланади. Дунёдаги моддий мавжудликнинг пайдо бўлиши, муайян табиий ҳодисаларнинг рўй бериш сабаблари, табиат ва инсон муносабати масалалари қадимги одам онгида асотирий тарзда талкин қилинган. Олам ҳақидаги ана шу энг қадимги эътақодий қарашлар асосида дастлабки мифологик тасаввурлар тизими келиб чиққан. Миф - қадимги одамнинг вокеликка бўлган онгсиз хиссий муносабати ифодасидир.

Мифологик тасаввурлар оламнинг яратилиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг юзага келиши, одамзотнинг пайдо бўлишини хаёлий уйдирма воситасида изохласа-да, миф ўз ижодкори ва ижрочилари томонидан ҳақиқатда бўлиб ўтган воқеалар баёни сифатида баҳоланган. М.И.Стеблин-Каменскийнинг таъкидлашича, "миф - бу муайян воқелик баёни бўлиб, унда хикоя қилинган мавзу нечоғлик уйдирма бўлмасин, яратилган ва яшаб келган жойида у ҳамиша ҳақиқат, реал воқелик ифодаси сифатида қабул қилинган. Албатта, мифни ўрганадиган тадқиқотчи ундаги уйдирмага ишонмайди.

Шунинг учун ҳам миф бугунги кунда ҳаққоний ҳаётий воқелик ифодаси сифатида англашилмайди. Шу тарика тадкиқотчининг миф ҳақидаги ўз тасаввури, яъни "миф - бу уйдирмадир" деган караши юзага келади. Яратилган ва оммалашган жойида миф аслида реал воқелик талқини деб тушунилган".[1]

Утмишда яшаган аждодларимизнинг олам ҳақидаги тасаввурларини ўзида жамлаган, унинг дунёкарашини ифодалаган ва авлоддан-авлодга етказишга мўлжалланган мифларнинг оммалашиш усуллари ҳам турлича бўлиб, асосан жонли оғзаки ижро орқали, яъни сўз воситасида ҳикоя қилиб берилган. .Яъни миф - афсона жанрининг бадиий шакли асосида баён этилган.

Мифологик тасаввурлар тизими ибтидоий удум ва маросимларнинг мағзини ташкил этувчи хатти-ҳаракатлардан иборат ритуал ўйинлар сифатида хам намойиш қилинган. Қадимги тасаввурлар асосида яратилган ос ори атиқалар ҳамда халқ ҳунармандчилиги буюмларидаги рамзий чизгиларда ҳам мифик сюжетлар акс эттирилган.

Аждодларимизнинг олам, табиат ҳодисалари ва ижтимоий ҳаёт хусусидаги кадимий фантастик тушунчаларини ўзида акс эттирган мифлар қуйидаги турларга бўлинади. 1) *ибтидо ҳақидаги мифлар* (оламнинг яратилиши ва срда ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги мифлар); 2) *самовий мифлар* (осмон жисмлари ва табиат ҳодисаларининг пайдо бўлиши ҳақидаги мифлар 3) *аитропогеник мифлар* (ғайриоддий хислатга эга бўлган афсонавий паҳлавонлар ҳақидаги мифлар-масалан, Геракл, Гильгамеш, Одами Од, Ҳубби каби паҳлавонлар ҳақидаги мифлар); 4) *культ мифлари* (муайян эътиқсдий иноичлар билан боғлиқ мифлар, масалан, ҳосилдорлик культи, сув культи, ўсимлик культи, олов культи ҳақидаги мифлар); 5) *тотемистик мифлар* (уруғ-қабилаларнинг келиб чиқиши билан алоқадор мифлар; масалан, 92 ўзбек уруғларининг пайдо бўлиши ҳақидаги миф); 6) *календарь мифлар* (йил, ой, кун ҳисоби билан боғлиқ мифлар-масалан, аямажуз, аҳман-даҳман, чилла, тўцсон ҳисоби билан боғлиқ мифлар); 7) *ўлиб-тирилувчи табиат кульпгшри ҳақидаги мифлар* (масалан, Gifeeyuі ҳақидаги мифологик сюжетлар); 8) *анимистик мифлар* (жон тўғрисидаги мифологик тасаввурлар): 9) *мание,пик мифлар* (аждодлар ҳомийлиги ҳақидаги мифлар); 10) *дуалистик мифлар* (эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги кураш ҳақидаги асотирий қарашлгрни ўзида акс эттирган мифлар); 11) *эсхатологик мифлар* (оламнинг интшоси ҳақидаги мифлар-масалан, охир замон тўғрисидаги миф).

Инсоният тафаккури тараққиётининг илк босқичи сифатида муҳим амелий ахамият касб эттан мифология ибтидоий маданиятнинг негизи, оламни идрок этишнинг кадимий воситаларидан бири, бадиий тафаккурнинг ибтидоси ҳисобланади. Мифологиянинг асосини қадимги одамнинг коинот, табиат, инсон, осмон жисмлари, нарса ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мифлар ташкил этади.

Мифологиянинг архаик қатлами қуёш, ой ва юлдузлар тўғрисидаги шамсий, қамарий ва страль мифлар, оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги самовий мифлар, одамзотнинг яратилиши ҳақидаги антропогеник мифлар, кадкмги эътиқодий карашларни ўзида ифода этган тотемистик, анимистик ва культ мифларидан ташкил топган. Деҳқончилик маданияти юксак даражада

' Стеблин-Каменский М.И. Миф. - Л.: Наука, 1976. - С 4-5



ривожланган худудларда эса табиий-иқлимий ўзгаришларнинг рамзий-метафорик талқинлари асосига қурилган тақвимий (календарь) мифлар ва ўлиб-тирилувчи табиат культлари ҳақидаги мифлар кенг таркалган. Хусусан, Осирис (қадимги Миср), Адонис (Финикия), Дионис (Юнонистон), Сиёвуш (Ўрта Осиё) ҳақидаги мифологик сюжетлар шу тарика юзага келган. Ўзининг илк тараққиёт босқичида энг содда ибтидоий иноичлардангина иборат бўлган мифология инсоният тафаккурининг тажрижий ривожи давомида олам, жамият ва табиат ҳақидаги асотирий сюжетлар, мифик образ ва тасаввурлар силсиласини ўз ичига олган мукаммал тизимга айланган.

Ижтимоий онгнинг анимизм, тотемизм, фетишизм каби кадимий шакллари мифология билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ибтидоий дунёкараш тизими сифатида шаклланган мифология қадимги диний эътиқодларнинг илк куртаклари, аждодларимизнинг фалсафий, ахлоқий ва ижтимоий қарашлари, олам ва одам ҳаётига дойр энг содда тушунчалари, вокеликни онгсиз-ҳиссий англаш асосига қурилган рамзий-метафорик образлар, шунингдек, сўз санъати, маросимлар тизими ва мифологик тафаккурнинг турли хил шаклларини ўз ичига камраб олган. У қадимги одамнинг борлиқ оламни идрок этишга дойр тасаввур ва қарашларини ўзида жамлаган изчил тизим сифатида ибтидоий мафкуранинг етакчи гояси бўлиб хизмат қилган. Мифология ибтидоий инсоннинг қарашларини ўзида мужассамлаштирган синкретик ходисадир. Шу боис, мифология фольклор, ёзма адабиёт, санъат ва маънавий кадриятларнинг шаклланиши учун замин вазифасини ўтаган.

Эзгулик кучларининг хаос-зулматни ўзига макон қилган ёвузликка қарши курашини ўзида акс эттирган кадимги мифлар бадиий тафаккурнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Воқеликни эстетик категория сифатида идрок этиш ҳамда бадиий сўз воситасида талқин килиш анъанаси келиб чиққач, кадимги мифларнинг асосий қисми сўз санъатининг турли жанрларига сингиб кетган. Ўзбек халқ огзаки бадиий ижодиётидаги кўплаб эпик сюжет ва анъанавий мотивларнинг генетик илдизлари бевосита мифик тасаввурлар катламига бориб тақалади. Мифлар "Авесто", "Илиада", "Рамаяна", "Шоҳнома", "Калевала", "Алпомиш", "Аўбўғёё" каби буюк бадиий ёдгорликларнинг яратилишида ҳам салмоқли ўрин тутган.

Қадимги мифологик тасаввурлар ва асотирий сюжетлар бадиий тафаккурнинг шаклланиши ва тараққиётида ўзига хос сарчашма вазифасини ўтаганлиги учун ҳам халқ оғзаки бадиий ижодиёти, ёзма адабиёт ва санъат асарларидаги мифологик негизга эга бўлган кўплаб асотирий персонажлар учрайди. Мифик тасаввурлар асосида келиб чиккан бундай образлар халк хаёлоти ва воқеликни фантастик талқин килиш анъанасинининг мевасидир. Мифологик образлар муайян вокеа-ҳодисанинг жонлантирилган тимсолий ифодаси бўлиб, воқеликнинг моҳиятини метафорик, рамзий ва истиоравий ҳолатда ўзига кўчиради ва унинг шаклий тажассуми хисобланади.

Мифологик образлар ибтидоий бадиий уйдирма-фантазия маҳсули бўлиб, коинот, табиат ва жамиятдаги турли-туман ҳодисалар, қадимги одам тасаввурида мавжуд бўлган ғайриоддий кучларнинг келиб чиқиш сабабларини изоҳдашга хизмат қилган. Бадиий тафаккур шаклланга, кадимги мифологиянинг таркибий қисми саналган асотирий образлар адабиёт ва санъатга кўчган. Узбек мумтоз адабиёти намояндаларининг асарлари,

"Алпомиш", "Кунтуғмиш", "Рустамхон" хамда "Гўрўғли" туркумига мансуб достонлар, ўзбек халқ афсоналари ва эртакларидаги мифологик образлар шулар жумласидандир. Фольклор ва ёзма адабиётдаги мифологик образлар бадрий талкиннинг тўлақонли чиқиши хамда поэтик тафаккурнинг кенг камровлилигини кўрсатиш вазифасини бажаради.

Миф қадимги одамнинг ишонч-эътиқодлари, ўй-хаёллари, диьий қарашлари ва илк ижодий изланишларининг сўз воситасида ифода этилган кўринишларидан биридир. Мифни ибтидоий одам маънавий оламининг муашн эхтиёжлари, яъни ўз дунёқарашини баён этиш зарурати юзага келтирган. Воқеликни бадиий идрок этиш анъанасининг ибтидоси сифатида қалим замонларда шаклланган мифологик тасаввурлар тизими фольклордаги эпик жанрларнинг сюжет силсиласи ва образлар таркибининг юзага келишига асос бўлган. Демак, мифнинг мохияти, турлари, ўзига хос хусусиятлари, образлар тизими, мифологик сюжетларнинг эпик диффузияси ва фольклор асарлари таркибидаги поэтик вазифалари каби масалаларни ўрганиш мифшуносликнннг асосий йўналишларини ташкил этади.

Миф хақидаги дастлабки илмий талқинлар жахон маданияти тарихинннг антик даврида ёқ юзага кела бошлаган эди.[1] Хусусан, Пифагор таълимотига кўра, миф - табиатни фалсафий-аллегорик англаш ифодасидир. Милоддан бурунги III асрда яшаган юнон файласуфи Эвгемер мифологик персонажлар ни ўтмишда яшаган тарихий шахсларнинг илохийлаштирилган образи деб хисоблаган. Платон эса мифни воқеликнинг фалсафий-рамзий талқини деб бахолаган.

XI асрда яшаган буюк тилшунос олим Махмуд Кошгарийнинг "Девону луготит турк" асаридаги миф тушунчаси *"сав"* сўзи билан ифодалан. Бу ;ўз кадимги туркийлар тилида "хабар", "мақол", "қисса", "хикоя", "сўз", "нугк" маъноларини англатган ("Девон", I, 122; III, 168). Ана шу лисоний далитга асосланган фольклоршунос Т.Хайдаровнинг ёзишича, "сав атамаси уч хусусиятига кўра юнонча миф атамасига мое кела олади: биринчидан, атаманинг қўлланиш даврининг қадимийлиги; иккинчидан, ифодаланаетган тушунча ва тасаввурларнинг умумлашма хусусиятига эга эканлиги, ва нихсят, учинчидан, ифодаланаётган маъноларнинг синкретиклиги. Бу холат тур1ий халкларда хам ижтимоий тараккиётнинг маълум бир босқичида умумбашар халкларига хос бўлган ва айни пайтда мустақил ривожланган ижод тури - "CIB" (миф) ва "савчилик" (мифологик ижод тури) табиий-ижтимоий ходиса сифатида мавжуд эканлигини таъкидлайди"[2].

Мифологик тасаввурларни инсоният томонидан яратилган улкан маънагий қадриятлар тизими тарзида талкин қилиш анъанаси XYII-XYIII аерларда юзага келди. Француз маърифатпарварларидан бири, файласуф Б.Фонтенель (1657-1757) мифларни қадимги одамлар тафаккурининг махсули сифатида бахолЯди ва инсоният тараққиётининг "болалик даври"га хос бўлган мифларни тахдил қилишга тарихий нуктаи назардан ёндашди. Мифологияни тадқиқ этишда биринчи марта қиесий методни қўллаган Б.Фонтенель антик мифларни кадинги

' Бу хакда кенгрок маълумот **олиш** учун қаранг: Мелетинский Е.М. Мифология // Мифы народов мира. Т. 1. - М.: 1982. - С. 16-17.

Хайдаров Т. "Гўрўғли" ва мифология синкретизми. Филол. фанлари номз. дкс. автореф. - Тошкент, 1993, 10-бет.

**хинд асотирлари билан қиёслаб ўрганиш асносида жахоннинг турли халклари мифлари орасидаги ўхшаш ва фарқли жихатларни аниклашга харакат қилган.[1] Мифларни қиёсий ўрганиш тажрибаси Ж.Лафитонинг Шимолий Америкада истиқомат қилувчи хинду кабилаларининг миф ва маросимларини бошка қадимги қавмлар фольклори билан таққослаш тахдил қилишга багишланган асарларида хам қўлланилган.[2]**

**Миф мохиятини англаш ва унинг фалсафий мохиятини ойдинлаштиришда XYIII асрда яшаган италиялик олим Ж.Вико (1668-1744)нинг мифларни "поэтик нутқ"нинг архаик шакли сифатида талқин қилишга асосланган назарияси, шунингдек, "ибтидоий идеология синкретизми", "мифнинг поэтик табиати", "миф - илохий поэзия эканлиги" хақидаги илмий карашлари мухим ахамиятга эга бўлди. Унинг фикрича, инсоният ўз тараккиётининг энг қуйи қатламида имо-ишоралар, белги-ифодалар, рамзлар воситасида ўз фикрини баён қилган. Уз мохиятига кўра бу "тил" шакли образли, метафорик, яъни поэтик нутқ табиатига эга эди. Мифни талқин қилишнинг бу ўзига хос назарияси кейинчалик мифшунос М.Мюллернинг "мифларни лингвистик талқин қилиш концепцияси" юзага келишига асос бўлди.**

**XIX асрда яшаб, ижод қилган немис олимлари И.Г.Гердер (1744-1803), А.Б.Шлегель (1767-1845), Ф.Шлегель (1772-1929) асарларида мифология "кадимги аждодлар томонидан яратилган поэтик кадрият", "халк донищмандлиги намунаси", "диний эътиқоднинг илк шакли", "қадимги одамларнинг борлиқни рамз ва тимсоллар воситасида англашининг натижаси" тарзида талқин қилинган. Немис файласуфи И.Г.Гердер мифлардаги "бадиийлик ва миллий ўзига хослик"ни қайд қилган бўлса, Ф.Шлегель "миф тили", яъни рамз ва тимсоллар назарияси гоясини илгари сурган. Унинг "мифологияни инсоният рухиятининг туб-тубидан, энг чукур қатламларидан чиқариб олмоқ керак, ана шунда у хар қандай санъат асаридан гўзалрок эканлигига амин бўласиз. Чунки санъатнинг барча турларини ўзида мужассам этган миф шеъриятнинг илк боқий сарчашмасидир" деган сўзлари кадимги мифларнинг синкретик характери ва бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрнини бахолашда мухим назарий ахамият касб этади.**

**Мифни "хар қандай санъатнинг илк манбаи" сифатида талқин қилиш романтизм даврининг йирик файласуфи Ф.Шеллинг (XIX аср) эстетикасининг хам асосиии ташкил этган. Ўзининг "Санъат фалсафаси" номли асарида мифологияни "эстетик феномен" сифатида тахдил қилган Ф.Шеллинг таълимотича, миф - табиат ходисапарини хаёлий уйдирма, фантазия ва рамзлар воситасида "илохий англаш" махсулидир.**

**Хуллас, Ф.Шеллинг ва А.Шлегельнинг мифик тафаккур фалсафаси хамда мифнинг эстетик мохияти хусусидаги назарий карашлари, шунингдек, Л.Арним ва К.Брентано\ хамкорлигида яратилган "Боланинг ғаройнб шохи" номли тадқиқот, "ГейДельберг романтиклар тўгараги"нинг аъзоси И.И.Гёррес(1776-1884)нинг "Мифлар тарихи" асари ва бошка олимларнинг кадимги мифларни**

[1] Фонтенель Б. О происхождении мифов // Рассуждения о релегии, природе и разуме. - М.: 1979. -С.183-194.

[2] Мелетинский Е.М. Мифология...С.16.

[3] Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. - М.: Изд-во иностранной литературы, 1960.-С.212-213.

ўрганиш асосида чикарган хулосалари XIX асрнинг биринчи ярмида Европа фольклоршунослигида "Мифологик мактаб"нинг шаклланиши учун асос бўлци.

"Мифологик мактаб"нинг юзага келиши ва фольклоршуносликнинг ўзлга хос илмий йўналишига айланишида ака-ука Вильгелм ва Яков Гриммларнинг хизматлари катта бўлди. Уларнинг фольклористик тадқиқотида халқ оғзлки бадиий ижодиётининг кадимий асослари, айниқса, мифология масалалари муҳим ўрин тутган. 1835 йилда Я.Гриммнинг "Немис мифологияси" номли асари босилиб чиқци. "Эдца" ва "Нибелунги" эпослари тахлилига бағишлан *ан бу китобда муаллиф ўрта аср солномалари, авлиёларнинг маноқибларидан тортиб кўҳна тасаввур ва эътиқодларнинг фольклор асарларида, халқ урф-одатлари ва маросимлари, расм-русум ва одатларида сақланиб қолган қолдиқ ҳолдаги кўринишларигача барини қиёсий таҳдил қилиш орқали кадимги герман мифларининг илдизларини аниқлашга ҳаракат қилган. Я.Гримм қадимги тасаввурларнинг халқ огзаки ижодининг мақол, матал, қўшиқ, топишмоқ, афсона каби жанрларида сақланиб қолган излари германларнинг қадимги тасаввурлари ва эътикодий қарашлари тизими қандай бўлганлигини аниқлашда ўзига хос калит ролини ўтайди деб ҳисоблайди. У ёки бу мифик тасаввурнинг қадимийлик даражасини ошириб кўрсатишга уриниш, афсона, эртак, топишмоқ таркибидаги мифологизмларни "қадимги тасаввурлар қолдиғи" сифатида талқин қилишда фольклор жанрларининг шаклланиш жараёнига ;юс тарихийлик принципни ҳисобга олмаслик ҳамда қиёсланаётган ҳодисаларн/шг зоҳирий мутаносиблигига берилиб кетиш каби камчиликларидан қатъий на sap Я.Гриммнинг бу асари фольклоршуносликда катта шуҳрат қозонди.

Я.Гримм томонидан қўлланилган қиёсий мифшунослик методи жуда кагта ҳажмдаги фактик материални ягона илмий мақсад йўлида илмий тавсифлаига имкон берган. Бу асар фактик материалга гоят бойлиги, методологик асосинпнг ўз даврига нисбатан янгилиги, миф талқинига дойр барча илмий карашлар каймогини ўзида мужассамлаштирганлиги, герман мифларининг тизимий тахлилига багишланганлиги туфайли унинг муаллифи Яков Гриммнинг илмий концепцияси фольклоршуносликда "мифологик назария" "мифологик мак'габ назарияси" деб эътироф этилди. Шу тариқа фольклдоршунослик фани тарихНда "мифологик мактаб" атамаси пайдо бўлди.

"Мифологик мактаб" жаҳоннинг кўпгина мамлакатлпри фольклоршунослигида кенг кўламда ривожланди. Бу борада, айниқса, Германия (А.Кун, В.Шварц, В.Манхардт), Англия (М.Мюллер, Ж.Кокс), Италия (А. Де Губернатис), Франция (М.Бреаль), Швейцария (А.Пикте), Россия (А.Н.Афанасьев, Ф.И.Буслаев, О.Ф.Миллер), Америка (Э.Чемберс, Г.Маррей, Ж.Харрисон, Ж.Уэстон, Ф.Корнфорд)да олиб борилган илмий тадқотлар "мифологик мактаб" назариясини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан "мифологик мактаб" бир негга йўналишларда тараққий эта бошлади. Шулардан бири "мифнинг илк моҳиятини лингвистик таҳдил воситасида реконструкция қилиш" ёки "этимологик йўналиш" деб аталди. А.Кун, В.Шварц, В.Манхардт, М.Мюллер, Ф.И.Буслгев, А.Н.Афанасьев, А.А.Потебня каби олимлар хинд-европа тиллари материяли асосида кенг кўламли қиёсий-лисоний ва этимологик таҳдил воситасида кадимги хиндевропа мифологиясининг архаик қатламини реконструкциялаига багишланган асарлар яратдилар.



Тўғри, мифни кадимги одам томонидан ижод қилинган "лисоний ҳодиса" сифатида баҳолаш анъанаси XYIII асрдаёқ мавжуд бўлган. Масалан, мифни "лисоний белги" деб билган Ж.Виконинг фикрича, барча мифлар куёшнинг чикиши ва ботиши, нур ва зулмат билан боғлиқ. "Қадимги халқлар мифологияси ва символикаси" китобининг муаллифи Ф.Крейцернинг ёзишича, "илк диний эътикод табиатни жонлантиришдан келиб чиққан, шу боис тилдаги айрим рамзий тимсолларнинг моҳияти ҳам шу билан изохланади".

Мифшуносликдаги "лингвистик таҳдил" методикасини чуқур ўзлаштирган А.Кун (1812-1881) ўзининг "Олов ва илоҳий шарбатнинг келтирилиши" (1859) асарида "этимологик йўналиш"нинг асосий назарий қарашлари ва методикасини ёритиб берди. Прометей ҳақидаги юнон мифини таҳдил килган тадқиқотчи мазкур асотир қаҳрамони номининг келиб чиқишини қадимги санскрит тилидаги "pramathyas" - "пармаловчи" маъносини билдирувчи сўзга боғлайди. Бу лингвофольклориистик хулоса қанчалик баҳсли бўлишидан қатъий назар, мифонимларни тадқиқ этиш борасидаги дадил қадам ҳисобланади.

А.Кун ўзининг 1873 йилда нашр этилган "Мифларнинг шаклланиш босқичлари" номли асарида мифларни палеолингвистик аспектда ўрганиш борасидаги изланишларини давом эттирди. У "кўпгина мифлар момақалдирок, чақмоқ, ёмғир, шамол, булут каби табиат ҳодисаларининг илоҳийлаштирилиши натижасида юзага келган" деган қарашни илгари суриш орқали "мифологик мактаб" тарихида "метеорогик назария" деб ном олган илмий концепцияни яратди.

Мифларнинг келиб чикиши билан боглиқ "лингвистик концепция" тарафдорларидан яна бири М.Мюллер (1823-1900) ҳам А.Кун назариясини қўллаб-қувватлади. Асосан, санскрит ва қадимги юнон тилларини қиёсий тадқиқ этиш билан шугулланган бу олим ўз методикасини мифологияга хам тадбиқ этди ва фольклоршуносликдаги "қиёсий мифшунослик" йўналишини бошлаб берди. Унинг "Қиёсий мифология бўйича тажрибалар" (1856) номли асарида этимологик асоси хиндевропа бобо тилидаги ўзак лексемаларга бориб тақаладиган мифонимлар таҳдил қилинган. У мифларнинг кадим ришталарини анимизм, магик ритуаллар ёки тотемизм билан эмас, ибтидоий тил курилишидан излади. Унинг фикрича, мифологиянинг юзага келишига кадимги одамлар дунёкараши ва интеллектининг соддалиги эмас, балки ибтидоий тилнинг ўзига хос табиати асос бўлган. Ибтидоий одам тилида нарса-ҳодисаларни ифодаловчи сўзларнинг кўплаб синонимлари мавжуд бўлган ва даврлар утиши билан ана шундай синонимлардан баъзиларининг асл маъноси унутилган. Архаик тилга мансуб сўзларнинг кейинги авлодлар учун тушунарсиз бўлибкрлиши, яъни семасиологик ўзгаришлар (М.Мюллер таъбири билан айтганда, "тилнинг касаллиги") эса мифларнинг келиб чикиши учун замин ҳозирлаган.

Палеолингвистика ва қиёсий филология методларидан унумли фойдаланган М.Мюлер мифлар моҳиятини осмон ёритқичларининг илоҳийлаштирилиши анъанаси билан боглаб талқин қилиш асосида кадимги мифологияни реконструкция қилишга интилди. Натижада "мифологик мактаб" тарихида "соляр назария", яъни "шамсий назария" деб номланган назарий қараш юзага келди.

Бу йўналиш тарафдорлари мифни табиат ҳодисалари ҳақидаги қадимги тасаввурлар мажмуи деб тушунадилар. Баъзан "астраль-мифологик назарля" деб ҳам юритиладиган бу илмий карашга *кўра,* кадимги одамнинг табиат ҳақидаги ибтидоий эътиқодий инончлари дастлабки мифологик тасаввурлар тизимининг асосини ташкил этган.

"Метеорологик назария"ни Шимолий Германия аҳолисининг афсона, эртак, урф-одат ва тасаввурларини тадқиқ этиш асносида ривожлантирган этнограф ва фольклоршунос В.Шварц (1821-1899) "мифологик мактаб" тарихида "демонологик назария" номи билан юритиладиган концепцилни асослаб берди. У "Мифологиянинг келиб чиқиши" (1849) асарида Ёвуз кучлар билан боглиқ халқ карашлари ва ирим-сиримларга алоқадор асотарларни В.Шварц "куйи мифология" ("низшая мифология") деб атади ва бу агама фольклоршунослик аматилиётидан жой олди.

"Мифологик мактаб"нинг назарий карашлари рус олимлари Ф.И.Буслаевнинг "Рус халқ оғзаки ижоди ва санъати тарихидан очерклар" (1861), А.Н.Афанасьевнинг "Славянларнинг табиат билан боғлиқ поэтик карашлари" (1866-69), В.Н.Пипиннинг "Рус халқ эртаклари" (1865), А.Н.Велеловскийнинг "Қиёсий мифология ва унинг методи" (1873), Е.М.Мелетинскийнинг "Происхождение героического эпоса" (1963), "Поэтика мифа" (1976) каби асарларида янги материаллар ва илмий хулосалар билан ривожлантирилди.

Узбек фольклоршунослигида мифларни тадқиқ этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган. Хусусан, мифологиянинг ўзбек халқ достонлари сюжет курилиши ва образлар силсиласида тутган ўрни Г.Акрамов томонидан чуқур тадқиқ этилди. Унинг "Ўзбек халқ достонларида мифология" (1980) мавзуидаги йирик тадқиқоти миф ва эпос муносабати масаласини "Гўрўғ.ш" туркумига мансуб ўзбек халқ достонларидаги мифологик образлар таҳдпли мисолида ўрганишнинг ажойиб намунаси хисобланади. Эртак ва достонларда мифологиянинг сақданиб қолиши достонларнинг қадимий илдизга эгалиги ҳамда халқ тасаввурида мифологик тушунчаларнинг яшовчанлиги билан белгиланишини илмий-назарий жиҳатдан асослаб берган тадқиқотчи тотемистик, аниматик (табиат ҳақидаги) ва манистик (аждодлар ҳомийлнги тўғрисидаги) мифологиянинг ўзбек фольклоридаги талқинларини кенг кўламда ўрганди. Г.Акрамовнинг "Аниматик мисология" (1977), "Манистик мифология" (1979), "Гўрўғли" туркумида мифологик образлар" (1978), "Мифологиянинг айрим эпик жанрлар билан ўзаро муносабати" (1981), "Миф ва ёзма адабиёт муносабатига дойр" (1996) каби асарларидаги таҳдилий мулоҳазалар ва хулосалар ўзбек халқ эпоси ўзининг кўп асрлик бадиий-эстетик тарақки<5ти давомида мифологиядан озиқлангани ҳолда, унинг инкори сифатида юзага келганлигини исботлаб берганлиги билан фольклоршунослик тарихида муҳим ахамият касб этади.

Ўзбек адабий тафаккуури тараққиётидаги тарихий-фольклорий жараённинг мухим қонуниятларидан бири - жанрлар диффузияси, яъни турли-туман жанрларнинг бир-бирига сингиб кетиши, тарқалишини тадқиқ этган Б.Саримсоқов мифнинг эпик жанрлар тизимидаги ўрнини миф ва эртак, миф ва достон муносабати масаласини таҳлили орқали кўрсатиб берди. У узбек



мифологияси тараққиёти уч боскични - архаик, классик хамда ўрта асрларга хос мифларни ўз ичига олади деб ҳисоблайди.[1]

Бизнингча, ўзбек мифологиясининг тараққиёти кадимги аждодларимизнинг тотемистик, анимистик, дуалистик ва магик инончлари; ибтидоий одамлар турмушида ритуал-рамзий аҳамият касб этган маросимлар; Ўрта Осиёда яшаган кадимги қавмлар дунёқарашида алоҳида ўрин тутган оташпарастлик ақидалари; ўлкамизда шаклланган қадимги деҳқончилик маданияти анъаналари билан боғлиқ ҳосилдорлик культлари; ислом дини таълимоти ва у орқали Ўрта Осиёга кириб келган Шарқ, хусусан, араб фольклори анъаналари; мўгул ва бурят, чин ва ҳинд, эрон ва юнон мифологиясининг ижодий таъсири билан бевосита алоқадордир.

Шу боис, биз ўзбек мифларининг юзага келиши ва шаклланиш босқичларини қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофик деб хисоблаймиз:

1) *Ўрол-олтой қабила бирлашмасининг мифологик тасаввурлари.* Маълумки, тилшуносликда "олтой тиллари оиласи", "олтойшунослик", "проолтой тили" каби тушунчалар мавжуд. Олтойшунослик назарияси тарафдорларининг фикрича, туркий, мўғул-бурят, тунгус-маньчжур (баъзилар корейс ва япон тилларини ҳам шу таркибга киритадилар) халкларининг қадим аждодлари аслида ягона бир қабилага мансуб бўлиб, улар "проолтой тили" ёки "проолтой шеваси"да сўзлашганлар.

Биз хам ана шу назариянинг асосий хулосаларига суянган ҳолда туркий-мўгул-бурят-тунгус-маньчжур тилларида сўзлашувчи халқлар фольклоридаги типологик муштаракликни ташкил этадиган эпик қатлам бу халқлар оғзаки ижодиёти тарихининг олтой даврига мансуб қадимий сюжетлар силсиласидан иборат деб хисоблаймиз. Ана шу муштарак эпик анъананинг асосий қисми архаик мифларнинг қолдиқ ҳолда етиб келган кўринишлари бўлиб, бу асотирлар тарихан "проолтой фольклори" ёки "проолтой мифологияси"нинг таркибий кисмини ташкил этган. Муштарак вариантлари ёки ўхшаш намуналари мўгул-бурят ва тунгус-маньчжур халқлари оғзаки ижодида ҳам мавжудлиги аникданган узбек мифлари (ёки муайян сюжет элемента, образ, мотив тарзида сақданиб колган миф колдиклари) "проолтой мифологияси"га мансуб асотирлар сирасига киради. Узбек мифологияси ривожининг бу даврига оид фольклор асарларидан энг характерлиси *бури* тўгрисидаги тотемистик мифлардир.

Бўри ҳақидаги генеологик мифнинг тарихий тараққиёти қуйидаги босқичлардан иборат бўлган:

а) *миф таращиётининг Олтой даври.* Бўрини тотем-аждод сифатида мўътабарлаштириш анъанасининг илк куртаклари туркий халқдар тарихининг Олтой давридаёқ намоён бўла бошлаган. Бир замонлар Олтой кабила бирлашмаси таркибига кирган туркий ва мўгул-бурят халкдари фольклорида бўри-аждод ҳақидаги мифологик афсоналар учрайди. Бундай этнофольклористик ҳодиса бу халқдар ўртасидаги маданий-этник алоқалар ҳосиласи эмас, балки мазкур миф сюжет ўзагининг манбалари муштарак заминга бориб тақалишидан далолат беради. Демак, бўри-аждод ҳақидаги

[1] СаpimcosoВ Б. Эпик жанрлар диффузияси // Узбек фольклорининг эпик жанрлари. - Тошкент.: Фан, 1981, 97-148-бетлар;

мифнинг илк чашмаси Олтой қабилаларининг тотемистик карашлар ига алоқадордир.

**б)** *миф тараққиётининг кадимги туркийлар даери.* **Олтой кабила бирлашмасидан ажралиб чиққан туркий қавмлар ўз бобокалонларининг тотемистик карашларига ишонишдан иборат анъаналарини давом эттирганлар. Бўри қадимги туркий қабилалардан бирининг аждоди, ҳомийси, тагами ҳисобланган. Ана шундай уруғ тотемлари ҳақидаги мифологик тасаввурлар асосида дастлабки генеологик миф ва афсоналар ( масалан, "Ашина ҳақидаги миф") юзага келган.**

**в)** *мифнинг миллий фольклордаги тараккиёт боскичи.* **Туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг аксарияти бўри-аждод ҳақидаги қадимги туркий мифлар сюжетининг маълум қирраларини ўз миллий фольклор анъаналари бадиий заминида ривожлантирганлар. Натижада у ёки бу туркий халқнинг келиб чиқиши хакидаги этногенетик афсоналар ( масалан, 92 ўзбек уругининг дунёга келиши ва бошкирдларнинг келиб чикиши тўғрисидаги афсоналар), муайян халқ таркибидаги уругларнинг келиб чиқиши ҳақидаги генеологик афсоналар (саяк, бўри сингари киргиз уруғлари; бўринайман, бўрисалют, бўри каби чуваш ва бошқирд қабилалари; уйшун, бўри номли ўзбек уруғлари ҳақидаги афсоналар) ва бўрининг пайдо бўлиши тўгрисидаги зооморфик афсоналар (қатағон уруғига мансуб ўзбекларнинг бўрига айланган одам ҳақидаги афсонаси) яратилган.**

**2.** ***Қадимги туркий кавмлар мифологияси.*** **Узбек фольклорида сақданиб қолган архаик мифларнинг асосий кисми қадимги туркий мифологиянинг эпик диффузияси натижасида етиб келган. Қадимги туркий кабилалар огзаки ижодиётида оламни мифологик англаш асосида яратилган космогоник, тотемистик, анимистик, этиологик ва этногенетик мифлар асосий ўринни эгаллаган.**

**3.** ***Зардўштийлик билан боглиқ мифологик тасаввурлар.*** **Маълумки, зардўштийлик билан алокадор асотирий қарашлар, айниқса, "Авесто" асотирлари узбек фольклори, хусусан, мифологиясининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Халқ огзаки ижодида анъанавий тарзда қўлланилувчи** *аждар, дев, пари, Семург, Жўмард, Аранжа бобо, Ахриман, аранглар, Заҳҳок, Сиёвуш, Хубби, Ашшадарози, Сует хотин, Ҳайдар* **каби кўплаб асотирий образларнинг тарихий асослари зардўштийлик мифологиясига бориб такалади.**

**"Авесто" мифологияси ва зардўштийлик ритуаллари негизида кейинчалик узбек маросим фольклоридаги айрим жанрлар шаклланган. Ёмғир чақириш максадида ўтказиб келинган Сует хотин маросими, Амударё сувининг мўл бўлиши ҳамда тошқин ҳалокатининг олдини олиш мақсадида Оролча авлиё деган жойда шу ном билан аталувчи афсонавий ҳомий шарафига хўкиз сўйиб қурбонлик қилиш, наврўз байрамини ўтказиш, сумалак пишириш, баҳор фаслида анъанавий гул сайллари (бойчечак сайли, лола сайли, гули сурх, қизил гул сайли кабилар)ига чиқиш, сафар қочди ва охир чоршанба маросимларини ўтказиб, оловдан ҳатлаш, шамол пири сифатида эътироф этилган Ҳайдар ёки Аждар бобога мурожаат қилиб, шамол чақириш, сумалак пишираётганда Ашшадарози уйинини ташкил этиш, келин-куёвни олов атрофида айлантириш, мархумлар мозорига "қушлар ҳақи" деб буғдой сепиб қўйиш, дарёдан ўтаётганда Хуббига сиғиниш ва сувга туз ташлаш, далага биринчи Қўш**



**чиқаришдан аввал хўкизларнинг шохини мойлаш каби анъанавий маросим ва удумларимизнинг тарихий асослари бевосита зардўштийлик хамда "Авесто" мифологиясининг эътиқодий инончлар тизимидаги талқинларига богланади.**

**4. Араб-ислом мифологияси анъаналари. Маълумки, YII аср охирида Моворауннахр араблар томонидан фатҳ этила бошланган бўлиб, бу жараён YIII аср ўрталарида ниҳояланган. Натижада бу ўлкага ёйилган ислом дини Ўрта Осиёга Шарқ халқпари мифологияси ва фольклорининг эпик анъаналарига мансуб сюжет, мотив ва образларни ҳам олиб келди. Гарчи ислом мифологиясининг таркиби кўпқатламли бўлиб,** ***ўзак мифлар*** **( араб асотирлари) хамда** ***ўзлаштирма асотирлар*** **( яъни кейинчалик фатҳ этилган халқдар фольклори ва бошқа диний қарашларга алокадор мифлар)ни ўз ичига олган бўлса-да, унинг асосини кадимги араб кавмларнннг огзаки ижоди намуналари ташкил этган.**

**Араб халқ китоблари, ривоят ва асотирлари сюжетининг эпик кўчиши натижасида Ўрта Осиё халклари фольклорида кўплаб янги асарлар яратилган. Аждодларимизнинг мифологик тасаввурлари араб-ислом асотирларига оид персонажлар тизими билан бойитилган. Хусусан,** ***анцо, жин, гул, Одами Од, морут, лот-манот, Кўҳи Қоф, Эрам*** **каби мифологемаларнинг илк манбаи аслида араб фольклоридадир.**

**Демак, узбек мифологиясининг тарихий асослари аждодларимиз ўтмишининг энг қуйи босқичларига мансуб эътиқодий қарашларга бориб тақалади. Мифологик инончларнинг илк қатлами қадим замонларда яшаган боболаримизнинг тотемистик, анимистик ва дуалистик тасаввурлари, магик инончлар асосида келиб чиққан эътикодлари, шунингдек, табиатни асотирий англаш ва ҳосилдорлик гоясини ўзида мужассамлаштирган қадимги культлар билан бевосита боғлиқ бўлган. Қадимги мифларнинг аерлар давомидаги тадрижий такомили натижасида эзгулик ва ёвузлик курашини акс эттирувчи дуалистик мифлар, оламнинг яратилиши ва интиҳоси ҳақидаги халк қарашларини ўзида ифода этган космогоник мифлар, осмон ёриткичлари тўгрисидаги астраль мифлар, вакт ҳисоби амалларининг пайдо бўлиши ҳақида баҳс юритувчи тақвимий асотирлар, уруғ-қабилаларнинг келиб чиқишини изоҳлашга бағишланган этногенетик мифлар, ғайриоддий қаҳрамонларнинг саргузаштларини баён этувчи антропогеник мифлар тизими шаклланган.**[1]

**Ўзбекистоннинг истиқлолга эришиши қадимги тасаввурлар билан боғлик фольклор асарлари, жумладан, мифологик сюжет ва мотивларни кенг кўламда ўрганишга катта имкониятлар яратди. Хусусан, ўзбек фольклорида мифология ва мифологик тасаввурларнинг маросим фольклори генезисида тутган ўрни** ***М.Жўраев*** **(Ўзбекларнинг шамол билан боглиқ мифологик тасаввурлари. 1. Ялли момо культи - 1997; 2. Ҳайдар культи - 1997; 3. Аждар культи - 1998; 4. Ялоншч ота культи - 2005; " Миф ва унинг "Алпомиш" достонидаги ўрни" - 1999),** ***Т.Рахмонов*** **("Миф узбек фольклорри эпик мотивларининг ўзаги сифатида" -1996),** ***Ш.Шомусаров*** **("Араб мифологиясининг юзага келиши ва унинг узбек фольклорига таъсири" - 1996, "Араб ва узбек фольклори тарихий-қиёсий тахдили" - 1997, "Араб ва узбек фольклори тарихий-қиёсий тахлили" -**

[1] ЖўраСВ М., ШомусарОВ Ш. Узбек мифологияси ва араб фольклори. - Тошкент.: Фан, 2001, 22-48-бетлар.

насиб қилармиш. Шу боис қозоқлар ит олақозни нопок ҳисоблаб, унинг гўштини ейишмас экан.[1]

Бароқ хакидаги кадимги туркий мифларга ҳамоҳанг бундай афсоналар дан яна бирида айтилишича, "камдан-кам ҳолларда, яъни бир неча юз йил мобайнида атиги бир марта анғирт деган қуш тухумидан ўрдакча ўрнига 1ози ит чиқаркан. Шунинг учун халқ у ни "ит олакрз" деб юритар экан. Бундай тухумни топиш катта бахт хисобланар экан, аммо бу бахт ҳаммага хам насиб бўлавермас экан. Чунки ангирт саганаларнинг чуқур ёриғига, уйларнинг мўрисига, тулки ва чўл мушукларининг ташландиқ уяларига, ўпирилган зеки гўрларга ин қўяркан".

Куш тухумидан чиққан деб тасаввур қилинувчи гайриоддий хаёний қушнинг номи "ит олақоз" лексемаси таркибидаги сўзларнинг маъносига эътибор берилса, "ит олақоз" сўзи "ит-қуш" деган маънони англатиши маълум бўлади. Бундан ташқари, "ит олақоз" атамаси таркибидаги "ола" сўзи ҳам тилимиздаги "ола-була" маъносидаги лексемага алоқадор бўлмай, аслида "ит" деган маънони билдирган. Зеро, қўмиқ тилидаги "алкаъ", туркманча "алака", кадимги туркий тилдаги "алангур", кадимги ҳинд тилидаги "ал на" сўзлари ҳам "ит" маъносида кўлланилганлиги[3] шундай деб тахмин килишимизга асос беради. Шунингдек, ўзбек тилида қўлланилад»-ган *"апаканинг итидай чопмок"* ибораси таркибидаги "алака" сўзи ҳам аслида шу маънони англатган.

Ит-қуш ҳақидаги афсона сюжети туркий халқлардан кўпчилипга, жумладан, ҳакас, киргиз, бошқирд ва ўйротларга ҳам яхшигина маълум бу/ ган экан. Ҳакас фольклорида аат деган қуш тухумидан чиққан "Хубай хус" но дли афсонавий ит образи мавжуд. Мифга кўра, хеч бир жонзот бу ит таъкибицан қочиб қутулолмас эмиш. Ит-қуш образи Евросиё худудида яшаган кадимги халқдар мифологиясида кенг тарқалганлигини қайд қилган М.И.Боргояковнинг ёзишича, "бу итнинг ҳакасча номи (хубай хус) шундан далолат берадикн, у қанотли ит суратида тасаввур қилинган, шунинг учун хам ундан бирс рта ҳайвон ва жонзот қочиб қутулолмаган".[4]

Д.В.Черемисиннинг аниқлашича, туркий халқлар фольклоридаги ҳар қандай жониворни тутиб ола биладиган ов ити номини билдирувчи "кумай" атамаси бор.[5] Қирғиз халқ эпосининг кахрамони Манаснинг севимли ити Қумайиқ деб аталган.[6] Қумай деб аталган афсонавий қушлар ҳақидаги асстир борлигини назарда тутсак, бу ўринда ҳам итнинг қуш номи билан аталйши

[1] Диваев А. Ит-ала-каз // Этнографическое обозрение, 1908. ВыпЛУ, №1-2.

[2] Бозорова Д. Исми жисмига монанд // Фан ватурмуш, 1976. 9-сон, 17-бет.

[3] Кадыраджиев К. С. К вопросу о кумикско-осетинских связах в фольклоре // Дагестанский фольклор во взаимосвязах с иноэтническим фольклором. - Махачкала, 1935. - С.37.

[4] Боргояков М.И. Об одном одном древнейшем мифологическом сюжете, его эволюции и отражении в фольклоре народов Евразии // Скифо-Сибирское культурно-историче:кое единство. Материалы I Всесоюзной археологической конференции. - Кемерово, 19М). - С.276.

[5] Черемисин Д.В. К изучению ирано-тюркских связей в сфере мифологии // Сибир:кое археологическое обозрение, 2002, вып.6. ("Holta-mail. Archaeology, nsc.ru" сайта бўйича).

[6] Абрамзон С. М. Фольклорные мотивы в киргизских преданиях генеологического щкла // Фольклор и этнография. Связы фольклора с древними представлениями. - Л., 1977. - С. 163.

бежиз эмасга ўхшайди. Бошқирдлар афсонасига кўра, қузгун ўз уясида икки дона тухум қўяр, тухумларнинг биридан Туйгун деган сержун ит, иккинчисидан эса Шунқор деб аталувчи ов қуши чиқармиш.[1] Бизга маълумки, Туйгун ҳам аслида қушга бериладиган сифатлардан бири.

Тоғли Олтойда қайд қилинган мифга кўра, "улар" деган қуш ўз умри давомида уч марта тухум қўяр экан. Тухумларнинг биринчисидан "барак" деган ит, иккинчисидан "урган", учинчисидан "балта" деган полопонлар чиқар эмиш.[2]

Куш тухумидан чиққан ит ҳақидаги афсона Хоразм воҳасида ўғузларнинг ғарбга томон этник силжиши натижасида даврлар ўтиши билан Кавказда яшовчи халқдар фольклорига ҳам кириб борган. Таниқли грузин тадқиқотчиси Е.Вирсаладзе томонидан ёзиб олиб, оммалаштирилган бир афсонада айтилишича, қарға дарахтдаги уясига икки дона тухум қўяркан. Тухумларнинг биридан кушнинг полопони, иккинчисидан кучуквачча чиқар эмиш. Тухумдан чиққан жонзот ўз полопонига ўхшамаслигини кўрган қарға уни уясидан ташлаб юборар экан. Омадли овчилардан бири ана шундай итваччани топиб олибди. Курша номли бу афсонавий този ит ўша карга тухумидан чиккан деб тасаввур қилинган.[3]

Қадимги туркий мифологияда шаклланган бу асотир сюжетининг грузин халқ насрида қайд қилиниши ўзаро фольклор алоқалари ва тарихий-типологик ўхшашликнинг намунасидир. Кўриниб турибдики, Барок, яъни куш тухумидан чиккан ит ҳақидаги афсоналар Шаркда, айниқса туркий халқлар орасида кадим замонлардан бери яшаб келаётган экан.

Узбек фольклорида ит-қуш кўринишидаги афсонавий жонзот ҳақида турли хил карашлар мавжуд. Хусусан, "қипчоқ диалектларида табу сезиларли ўринни эгаллайди. Масалан, бўрини "итқуш" ёки қашқир деб атайдилар".[4] Тилимизда қўлланиладиган "кучук" сўзи *"ит"* маъносини билдиради. Аммо В.В.Радлов луғатида "кучуган" сўзининг лугавий маъноси *"бургут"* эканлиги кайд килинган.[5]

Хоразмликлар орасида эса қуш мисол учадиган ит ҳақидаги афсоналар сақланиб қолган. Шайх Нажмиддин Кубро мақбарасида жорубкашлик қилувчи Абдуазиз корининг этнограф Г.П.Снесаревга ҳикоя килиб берган афсонасида айтилишича, "Нажмиддин Кубро қўмилган мозорнинг ўрнида илгари хеч нарса йўқ экан. Бу ер "Копуржой" деб аталган бўлиб, унга караб турадиган бир кампир шу ерга ҳар хил мевали дарахтларни экиб, катта боққа айлантирибди. Кампирнинг бир ўғли бўлган экан. Нажмиддин Кубронинг эса киприклари шунақанги узун эканки, кўзининг устига тушиб тураркан. Агар шайх у ёки бу кишига назар ташламоқчи бўлса, кўли билан киприкларини кўтариб карар ва унинг нигоҳи тушган киши бой-бадавлат бўлиб кетар экан. Кунлардан бир куни ҳалиги кампир ўз ўғлини шайхнинг олдига олиб борибди-да: "Менинг ўғлимга ^бир назар солинг!" - деб илтимос қилибди. Шайх киприкларини кўтариб

[1] Abdulkadir Inan. Barak efsanesi // Turk tarih kurumu Belleteni. Cilt XIII., ocak, 1949, sayi:49.

[2] Известия Восточно-Сибирского отдела императорского русского географического общества. Т.1. Вып.З. - М., 1902. - С.50.

[3] Вирсаладзе Е. Грузинский охотничий миф и поэзия. - М.: Наука, 1976. - С.50-52.

[4] Дониеров X. Snrrqos диалектларининг лексикаси. - Тошкент, 1979, 119-бет.

[5] Радлов В.В.Опыть словаря тюркских наречий. Т.2. - СПб., 1899. - С. 1500.

қараган маҳал кампирнинг ўғли ўтирган жойидан қочиб кетиб, унинг ўриига бир ит келиб турган экан, шайхнинг муборак назари ана шу итга тушибди. Шундай қилиб, ана шу ит илоҳий жониворга айланибди, у бемалол ҳавода у чиб юра олар экан. Бу ит ўлганида у ни кафанлаб, шайхнинг мозори яқинига дафн қилибдилар".[1]

"Учар ит" ёки "ҳавода парвоз қиладиган ит" образи Ўрта Осиёда яратилган агиографик адабиётларнинг анъанавий персонажларидан бирига айланган. Чунончи, халқ орасида "Ҳазрати Башир", "Ҳазрати Бузруквор" номлари билан машҳур бўлган кашқадарёлик машҳур шайхул машойихлардан бири Султон Сайид Ахмад Вали (XY аср)нинг ҳаёти ҳақида хикоя қилувчи маноқнбда ёзилишича, шайхнинг "Оқ қуш" номли ити бўлган экан: "накддурким, Ҳазрати шайхи Бузрукворнинг бир итлари бор эрди. Номи Оқ қуш эрди, доямо хонақонинг ташқари остонасига бош қўйиб ётар эрди",[2] Маноқибда хукоя қилинишича, ҳазрати шайхи Бузрукворнинг итлари Оқ қуш бир куни касал бўлиб қолибди ва бир неча кундан кейин ўлибди. Шайхнинг буйруғига *кўра,* унинг жасадини одамзотга ўхшаб кафанлаб, мусулмонларнинг мозорига кўмибдилар. Орадан бир неча кун ўтиб "бир дарвеш туш кўрдиким, бир *ит мозористоининг устида парвоз цилиб юрибди.* Бу тушини Ҳазрати шайхи Бузрукворнинг олдиларига келиб баён қилди. Ҳазрати шайхи Бузруквор айтдиларким, бу Оқ қушнинг руҳидуркимҳ, ҳавода парвоз қилур".

Г.П.Снесарев Нажмиддин Кубронинг ити ҳақидаги афсонани таҳдил қилар экан, "учар ит" ҳақидаги "маълумотнинг илдизлари исломдан аввгли тасаввурларга, аниқроғи, ит-қуш тўғрисидаги мифик қарашларга бориб такалади" деб ҳисоблайди ва авлиёнинг учар итини қадимги мифологиядаги Семурғ образига қиёслаган эди.

Дарҳақиқат, Сенмурв ёки ўзбек халқ эртакларидаги Семург образи Ўрта Осиё мифологиясининг маҳсулидир. К.В.Тревернинг таъкидлашича, бу хаётий қуш номи дастлаб Саена-меруға шаклида бўлиб, "ит-қуш" деган маънзни англатган экан. Семург қадимги зардўштийлик мифологиясида ит бошли, гуш сийратли асотирий жонзот сифатида тасвирланган.[3] Чунончи, "Бундахишн"да "ўн биринчи бўлиб тунда яшайдиган мавжудотлар яратилган, шуларцан иккитаси - ўз болаларини кўкрак сути бериб боқади. Бу Сэнмурв ва кўршапалак бўлиб, тунда учадилар. Айтилганидек, тунда қун кўрувчиларцан ит-қуш ва мушакдор жонивор яратилган, чунки улар қушга ўхшаб учади^ан, огзида итники сингари тишлари бор, мушакдор жониворлар каби горларда яшайдилар". "Бундахишн"нинг бошқа бир жойида эса "қушлар орасида иккитаси бошқалардан фарқли қилиб яратилган: бу Сэнмурв ва кўршапглак бўлиб, оғизларида тиши бор бўлган бу жониворлар боласини кўкрак сути бериб боқади".[4]

Узбек халқ сеҳрли эртакларида тасвирланган Семург куш ҳам тарихан "Авесто" мифологиясидаги Сэнмурв образининг эпик тафаккур тизимидаги эволюцияси натижасида юзага келган персонаж ҳисобланади. Гарчи узбек

Снесарев Г.П.Хорезмские легенды, как источник по истории религиозных кул>тов Средней Азии. - М.: Наука, 1983. - С.153.

Ҳазрати Башир тарихи. - Тошкент., 1994, 94-бет.

[3] Тревер К.В. Сенмурв-Паскудж. Собака-птица. - Л., 1937. С.15-17.

[4] Ўша ерда, 16-17-бетлар.



эртакчилиги анъанасида Семурғнинг кўриниши ва функциясида Сэнмурвга хос сифатлар кўзга ташланмаса-да, аммо бу афсонавий кушнинг қаҳрамонни ўзга оламга олиб бориши билан боғлиқ бир деталь унда "ит-куш"га дойр айрим белгилар сақланганлигини кўрсатади. "Зорлиқ билан Мунглик" эртагида "Семург бир томондан қор - ёмгир билан учиб келибди ва майдалаб ташланган аждарни ютиб юборибди".[1] Бу образ иштирок этган эртакларда кушнинг устига миниб олганча ўзга оламга сафар қилаётган ёки ёруг дунёга қайтиб чиқаётган қаҳрамон то манзилга етгунига кадар Семурғни гўшт бериб боқади. Бу эса Семург "Бундахишн"да қайд қилинганидек, "огзида тиши бор", яъни итга ўхшаб гўштхўр жонзот эканлигини англатади. Бизнингча, Сэнмурв ёки Семург кадимги ўртаосиёликлар мифологиясида ит гавдали, қуш қанотли афсонавий жонивор сифатида тасвирланган. Кейинчалик эса бу мифологик тасаввурлар унутилиб кетиб, у эртак ва достонларимизда қаҳрамонни мушкул аҳволдан қутқарувчи, полопонларини аждар хуружидан омон саклаб қолган қаҳрамонни олис манзилларга тез етказувчи, эпик қаҳрамонга кўмаклашувчи хаёлий қуш образи тарзида тасвирлана бошлаган. Аслида эса Семург ҳақидаги мифологик тасаввурлар генетик жиҳатдан қуш тухумидан чиққан ит ҳамда қушдек уча оладиган қанотли ит - грифон ҳақидаги кадимги мифларга алоқадордир.

"Мифологик мактаб" халқ оғзаки бадиий ижодиётининг пайдо бўлиши ва тараққиёти масаласини тадкик этиб, фольклорнинг илк замини диний-эътиқодий характер касб этган мифология ҳамда тилнинг образлилиги билан алоҳида ажралиб турган кадимги шаклларидадир деган муҳим назарий хулосага келдилар. Фольклор асарлари таркибидаги мифологик образ, сюжет ва мотивларни тарихий-қиёсий ўрганган мифологлар узок давом этган тарихий-фольклорий жараён натижасида мифологик образлар трансформациялашиб, эртак, афсона, топишмоқ ва бошқа фольклор жанрларининг шаклланишини таъминлаганлигини аниқдашди.

Фольклоршунослик тарихида биринчи марта халқ огзаки ижоди асарларини қиёсий метод асосида ўрганиш ва фольклорни "халқ оммасининг ижодкорлиги натижасида яратилган қадрият" сифатида талқин қилиш (яъни фольклорга хос "коллектив ижод маҳсули эканлик" белгиси) анъанаси "мифологик мактаб" тадқиқотларида амалга оширилди.

Миф, афсона, эртакларни системали тўплаш ва таҳдил қилиш ишлари бевосита "мифологик мактаб"нинг шаклланиши билан боглиқ ҳолда бошланди. Бу илмий мактаб вакиллари мифларни миллий маънавий қадриятлар тизими ва анъанавий маданиятнинг ибтидоси сифатида талқин қилдилар.

"Мифологик мактаб"нинг ривожланиши натижасида XIX асрнинг ўрталарига келиб фольклоршуносликда бир қатор янги мифологик назариялар юзага келди. Жумладан, мифларни у ёки астрономик ёхуд табиий ходисаларнинг аллегорияси тарзида тасаввур қилишга асосланган "соляр-метеорологик назария" ёки "шамсий-метеорологик назария" (немис олимлари - А.Кун, М.Мюллер ва рус олимлари - Ф.Н.Буслаев, Л.Ф.Воеводский, О.Ф.Миллер), асотирларни халқнинг ёвуз кучлар ва руҳлар олами тўгрисидаги тасаввурлари тизими сифатида тушунтирувчи "куйи мифология" ёки "демонологии- назария" (немис олимлари - В.Шварц, В.Минхард), инсон рухи

[1] Олтин бешик. Узбек халк ижоди. - Тошкент, 1988, 214-бет.

ҳақидаги қарашларни табиатга тадбиқ этиш асосида юзага келган "анимистик назария" (инглиз олимлари - Э.Тайлор, Г.Спенсер, Э.Ланг, немис олими - Л.Фробенус, рус олими - В.Клингер), мифларни тадқиқ этишда адабиётшунослик ва тилшунослик методларини қўллашга асосланган "тарихий-филологик назария" (немис олимлари - Г.Узенер, У.Виламовяц-Мёллендорф, рус олимлари - Ф.Ф.Зелинский, Е.Г.Кагаров, С.А.Жебелев, Н.И.Новосадский, И.И.Толстой) ўзига хос тадқиқ усуллари билан алохдда ажралиб туради.

"Мифологик мактаб" вакилларининг илмий тадқиқотлари архаик мифлар хакидаги илмий тасаввурларни бойитиш, кадимги туркий, ҳинд, эрон, герман, кельт, славян ва бошқа халклар мифологиясини кенг қўламда ўрганиш ҳамда халк огзаки бадиий ижоди асарларини тўплаш ва тадқиқ этиш билан боғлиқ кўпгина назарий муаммоларнинг ҳал қилинишига асос бўлди. Бевосита "мифологик мактаб" концепциялари асосида мифология, фольклор ва адабиётни қиёсий ўрганиш йўналиши шаклланди. Шунинг учун ҳам бу мактаб илмий концепциялари кадимги мифларни тадкик этишда бугунги кунга қадар муҳим назарий асос вазифасини ўтаб келмокда.

Фольклоршуносликдаги "мифологик мактаб"нинг тадқиқотларида айрим чалкашликлар ҳам мавжуд бўлган. Хусусман, фольклорни ҳадцан знёд архаиклаштиришга уриниш; халқ огзаки бадиий ижодиётининг келиб чиқишгда тарихий вокеликнинг ролини эътиборга олмасдан, фольклор санъатининг барча турларига миф асос бўлган деган қарашни илгари суриш; тарихий шахслар образи талқинидан ҳам мифологик тасаввур изларини излаш каби хатоликдар шулар жумласидандир.

"Мифологик мактаб"нинг методологияси ва, айниқса, унинг "киёсий мифшунослик"ка оид тадқиқотларида акс этган назарий қарашлар, шунингдек, бу йўналиш вакилларининг илмий изланишлари натижасида тўпланган кенг кўламли фактик материаллар кейинчалик фольклоршуносликда "сюжетларнинг кўчиб юриши" ёки "сайёр сюжетлар назарияси" номини олган "миграцюн мактаб"нинг шаклланишига туртки бўлди.

## "ФИН МАКТАБИ" ВА УНИНГ ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК МЕТОД Я

Фольклор асарларини ўрганишда, айникса, эпик сюжетлар ва мотивларнинг генезиси ҳамда тарқалиш ареали хусусида фикр юритиш, хглқ эпоси, огзаки насрий асарлари бўйича каталог ва кўрсаткичлар тузишда "фин фольклоршунослик мактаби"нинг илмий-назарий карашлари, хусусан, "тарихий-географик метод"дан фойдаланилади. Фольклоршуносликдаги "тарихий-географик метод"нинг юзага келиши ва илмий тадқикотлар амалиётига жорий этилиши муайян фольклор асарини турли вариантяар асосида ёзиб олиб, нашр этиш ва илмий тахдилда вариантларни қиёслаб ўрганиш усулининг қўлланилиши билан богланади.

Халқ огзаки бадиий ижоди асарларини тўплаш ишлари Финландияда XYII аср охирида бошланган. Ўзининг бутун умрини шодланд ва ирланд хглқ қўшикларини тўплашга бахшида этган инглиз шоири Ж.Макферсоннинг асарларини севиб мутолаа қилган фин филологи Э.Г.Портан 1776-1788



йилларда ўз халқининг қадимий қўшиқларидан айрим намуналарни ёзиб олган. Фин руналари эса илк бор Топелиус томонидан кашф этилган. 1831 йилда Фин адабиёти жамиятининг ташкил этилиши ўлкада фольклор асарларини тўплаш билан қизиқувчи кишилар учун катта имкониятлар юзага келди. Дунё халклари бадиий тафаккури тарихида муҳим ўрин тутадиган фин руналари - "Калевала"нинг ёзиб олиниши эса асли касби табиб бўлган фин фольклоршуноси ва тилшуноси Элиас Лёнрот (1802-1884) фаолияти билан боғликдир.[1] Э. Лёнрот талабалик йилларидаёқ халқ табобатига дойр материаллар тўплаётганида ҳар хил хасталикларни даволаш мақсадида ижро этиладиган афсун-авраш матнларини ёзиб олган. Шу тарика у фин халқининг ота-боболари томонидан тилдан-тилга кўчиб, сакланиб колган лиро-эпик қўшиқлар, руналарнинг сехрли оламига кириб борди. Оддий деҳқон кийимини кийиб олиб, фин руналарини тўплашга киришган ёш Лёнрот 1828-1844 йилларда Шаркий Финландия ва Карелия бўйлаб сафар қилган Ҳар бир ижрочи унга ўзи ёдцан биладиган вариантни куйлаб берган, аммо бу вариантларнинг ҳар бири мустақил асарга ўхшаб кетарди. Шунинг учун ҳам Э. Лёнрот ўзи ёзиб олган руна намуналаридан фойдаланган ҳолда барча вариантларни асосида фин халк эпоси - "Калевала" достонини кайта тиклади. У фин халқ қўшикдари тўплами ("Кантелетар", 1829-1831), фин халқ макол ва маталларини чоп эттирган.

Халқ қўшиқларини турли вариантлари билан бирга ёзиб олиш амалиёти аслида биринчи марта серб шоири ва фольклоршуноси В.С.Караджич (1787-1864) томонидан қўлланилган.[2] У ўзи ёзиб олган серб халқ қўшиқларини 1813-1815 йилларда Венада бир неча жилдлик китоблар ҳолида чоп эттирган. Лекин Э.Лёнрот тадқиқотларининг аҳамияти шунда эдики, у фин руналарининг вариантларидан тарихий-реконструктив максадда фойдаланиб, аллақачонлар яхлит асар сифатида жонли ижродан тушиб қолган улкан халқ эпосини тиклашга эришди.

Таниқли фин адиби ва филолог олими, Гельсингфорсе университети профессори Юлиус Крон (1835-1888) ўз ижодий фаолияти давомида "Калевала" эпосини ўрганишга катта ахамият берган. Фин миллий эпосининг ўзига хос сюжет курилиши, бетакрор образлар таркиби ва бадиияти Ю.Кронни ёшлигиданоқ ўзига мафтун этгани боис 1884 йилда "Калевала"нинг генетик илдизлариса дойр йирик илмий тадқиқотини нашр эттирди. У мазкур эпос сюжетининг генетик асосларини аниқлаш мақсадида достоннинг турли даврларда ва турли худудларда тарқалган вариантларини қиёсий таҳдил килишга киришди. Унинг фикрича, "эпоснинг юзага келиши масаласини аникдашга киришишдан аввал бу асарнинг барча намуналарини географик ва хронологик жиҳатдан бир тизим ҳолига келтириш лозим. Шундай қилинса, эпоснинг кадимий ўзагига хос элементларни нисбатан кейинроқ қўшилган мотив ва бадиий унсурлардан ажратиб олиш мумкин бўлади".[3]

[1] **Қяранг:** Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1960. - С.287-288, 291, 499.

[1] **Қаранг:** Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1960. - С.285-287.

[3] Қаранг: Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. - М.: Изд-во иностранной литературы, 1960. - С.329-330.

Эпос генезисини ойдинлаштириш билан боғлиқ бу методни Ю.Крон ўзининг 1988 йилда чоп эттирилган "Kalevalan toisinnot" асарида муваффақият билан қўллаган. У халқ эпоси вариантларини мавзу типлари ва мазмунига қараб таснифлаш билангина чекланиб қолмасдан, фольклоршуносликда бириичи бўлиб достонларни яратилиш даври ва тарқалиш худудига кўра ҳам гурухдаштириш мезонларини ишлаб чиқди.

Ю.Крон фольклор асарларини ўрганишдаги тарихий-географик методни ишлаб чиқишда С.Грундтвиг тадқиқотлари ҳамда Рил гипотезаларнга асосланган.

Ўзининг Скандинавия филологиясига дойр тадқиқотлари билан фольклор асарларини ёзиб олиб, нашр этиш ва илмий ўрганиш соҳасида янги йўнадишга асос солган даниялик профессор Свен Грундтвиг (1824-1883) ўзининг уиоқ йиллик фольклор тўпловчилик фаолияти давомида халқ эпоси ва қўшиқдарининг кўплаб вариантларини ёзиб олди. У ўз мамлакатининг барча ҳудудларидан тўпданган ва шаклланиш тарихига кўра турли даврларда яратилган фольклор асарларини нашрга тайёрлаб, "Даниянинг кадимий халқ қўшиқдари" (1853-1899 йилларда чиқарилган етти жилдлик бу мажмуанинг аслиятдаги номи "Danmarks gamle folkeviser" дейилади) номи остида чоп эттирди. Ўзидан аввалги фольклоршунослардан фаркди равишда С.Грундтпиг вариантлилик - қўшиқларнинг халқчиллигини белгилашдан ташқари, хглқ поэтик ижодиёти анъанасининг тараққиётини ҳам кўрсатувчи бадиий қонуният ҳам эканлигини қайд қилган.

Немис ёзувчиси Вильгельм Риль (1823-1897) эса ўзининг немис халқи тарихига доир тадқиқотида мамлакатнинг жўғрофий тузилиши ва упда истиқомат қилувчи аҳоли орасидан тўпланган фактик материалларни тарихнй-географик мезон асосида тавсифлади. Унинг издоши В.Шварц эса иемис деҳқонларининг урф-одат ва маросимларида сақданиб қолган қадимги тасаввурларнинг қолдиқ ҳолда етиб келган кўринишларини уларнинг тарихий-географик жихатдан тарқалиш доирасига кўра ўрганди. Щ1у тарика, даниялик С.Грундтвигнинг фольклор асарларини барча вариантлар асосида илмий тавсифлаш усули ҳамда В.Рилнинг фактик материалларни тарихий-географик жихатдан таркдлиш доирасига кўра баҳолаш мезони Ю.Крон томонидан ишлаб чиқилган "тарихий-географик методи"нинг юзага келиши учун илмий-назарий асос вазифасини ўтаган.

Фин фольклоршунослигидаги "тарихий-географик метод"нг:нг шаклланишида қиёсий тилшунослик ва хинд филологияси бўйича йирик мутахассис, Гёттинген университети профессори, "сайёр сюжетлар" миграцияси, яъни "ўзлаштирма назарияси" ("теория заимствований")га асос солган немис филолог олими Т.Бенфей( 1809-1881)нинг "тарихий-ориенталистик назарияси" ҳам муҳим аҳамият касб этган. Жаҳон халқдари адабиёти ва фольклоридаги муштарак сюжетлларни қиёсий ўрганган Т.Бенфей Европа халқдари огзаки ижодидаги кўпгина асарлар Ҳинд адабиёти таъсиргда шаклланган ва аксинча, Марказий Европада яратилган айрим фодьклор намуналари Кичик Осиё орқали шарқ мамлакатлари халқдари орасида оммалашиб кетган деб хисоблайди. Т.Бенфей огзаки бадиий анъананинг эг!ик сюжетлар миграциясидаги ролини алоҳида эътироф этгани ҳолда, кўпиича адабий ёдгорликлар ёки фольклор асарларининг бадиий жихатдан қайта



ишланган намуналарига таяниб иш кўрган. Фин олими Ю.Крон эса, Т.Бенфейдан фарқли ўларок, бадиий анъана тараққиётида халқ поэтик хотирасининг кадимий шаклларини ўзида сақлаб келаётган фольклор асарларини қиёсий таҳдил учун манба қилиб олган. Аммо ҳар иккала олим учун ҳам поэтик асарнинг илк матнларини тиклаш муаммоси устувор илмий йўналиш ҳисобланган.

"Тарихий-географик метод"нинг ривожланиши ва такомиллашишида Ю.Кроннинг угли, Хелсинки университети профессори, халқ огзаки бадиий ижоди ва қиёсий фольклоршунослик бўйича мутахассис, "ўзлаштирма назарияси"нинг ўзига хос талқини хисобланган "географик-тарихий метод" муаллифи Каарле Крон(1863-1933)нинг хизматлари катта бўлди. К.Крон отасининг "Калевала"ни ўрганиш борасидаги илмий изланишларини давом эттиргани ҳолда ўз назарий қарашларини қуйидагича талқин қилган:

1) эпос ва халқ қўшиқларининг байналмилал характери факат унинг гоясида эмас, балки сюжетида ҳам акс этади;

2) сюжет муайян мотивлар тизимидан ташкил топади;

3) сюжетнинг илк манбаи унинг барча вариантларини қиёслаш натижасида аникданади;

4) барча вариантлар: адабий манбалар мавжуд бўлган такцирда тарихий мезон асосида, жонли огзаки ижрода ёзиб олинган бўлса жўгрофий жиҳатдан тасниф қилинади;

5) тадқиқотни тўла якунлаш учун ҳар бир вилоят, ҳар бир провинция, хар бир қишлокдан ёзиб олинган вариантлар керак бўлади. Муайян фольклор асарининг барча вариантлари таҳдил қилинганда унинг архитипи аниқланади.[1]

К.Кроннинг таълимоти ўша пайтда Европа фольклоршунослигида гоят кенг ёйилганлигини 1893 йилда "Золушка" ("Етим қиз") типидаги халк эртакларининг Ж.Куокс томонидан тавсифланган 350 та варианта нашр этилганлигида ҳам кўриш мумкин.

К.Крон ўз ҳамкасблари - фин олими А.Аарне, швед олими К.В. фон Сидов ҳамда даниялик фольклоршунос Аксел Ольрик билан биргаликда 1907 йилда "Халқаро фольклоршунослар жамияти" ("Folklore Fellows Communications" ёки қисқартма шакли "ҒҒС")ни тузди. Ана шу жамият нашри ҳисобланган журналда ҳар йили эртак сюжетларининг кўрсаткичларини тузиш борасидаги изланишларнинг натижалари чоп эттирила борди.

К.Крон фин фольклоршуносларининг "муайян фольклор асарининг кадимий шакли энг содда ва нисбатан мукаммал кўринишга эга бўлади" деган қарашини ривожлантириб, афсона ёки эпик ривоянинг илк шаклини белгилаш тарихий-географик тадқиқотнинг бош масаласи эмас деган хулосага келди. Унинг фикрича, бу метод илк бадиий шаклнинг турли даврлар ва турли худудларда тарқалган вариантларидаги ўзгаришларни аникдашда яхши самара беради. Олим бу назарий қарашларини ўзининг қиёсий адабиётшуносликка оид ишларида, одам ва тулки ҳақидаги эртакларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотида, шунингдек, "Кадевала" ва эстон халк қўшиқдари ҳақидаги асарларида, айниқса, 1926 йилда нашр эттирилган

[1] Юкоридаги манба, 331-бет.

*"Фольклорни ўрганиш методы"* ("Die folrloristishe Axbeitsmethode") асарида янада такомиллаштирди.

"Тарихий-географик метод" кейинчалик ота-бола Кронларнинг шогирци, фин фольклоршунослик мактабининг йирик намояндаси Антти Аматус Аарне (1867-1925)нинг ишларида давом эттирилди. Унинг 1910 йилда нашр этилган *"Эртак типларининг кўрсаткичи"* ("Verzeichnis der Marchentypen"), Н'13 йилда чиқарилган *"Қиёсий эртакшунослик асослари"* ("Leitfaden der vergleichenden Marchenforshung") каби асарлари тарихий-географик метод асосида яратилган. А.Аарне дунё халкдари эртакларини "мотивлар силсиласидан ташкил топган сюжет"лар бўйича таснифлаган ва типларга ажратган. Бу асар ҳозирга қадар фольклоршуносликда эпик сюжетлар ва мотивларни системалаштиришда илмий-назарий манба сифатида фойдаланиб келинмокда.

А.Аарненинг "Кўрсаткичи" асосан Европа халқдари эртаклари асосида тузилган бўлиб, унда эртаклар қуйидагича таснифланган: I. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар; П. Соф эртаклар: а) сехрли эртаклар; б) афсонавий эртаклар; в) новеллистик эртаклар; г) ахмок шайтон (ёки "великан") ҳақидаги эртаклар; Ш. Латифалар. Бу гурухдарга мансуб эртаклар мавзу типлари бўйича тавсифланган бўлиб, ҳар бир эртак ўзининг алоҳида тартиб рақамига эга. "Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар" 1-299, "Соф эртаклар" 300-1199, "Латифалар" 1200-1999 рақамлари билан белгиланувчи мавзу типларига бўлиб таснифланган.

"Фин фольклоршунослик мактаби"нинг асосий ютуғи - таҳдилга жилб этилаётган фактик материалнинг камрови кенглиги, сюжетларнинг вариантлари имкони борича географик ва тарихий-хронологик нуқтаи назардан кўпроқ бўлишига эришишдан иборат эди.[1] Бу мактаб методикасига кўра, ўрганилаётган эпик сюжетнинг жаҳон халқдари фольклорида мавжуд бўлган ва аниқлан~ан барча вариантлари қамраб олиниши кўзда тутилади. Шунинг учун ҳам фин фольклоршунослик мактабининг илмий методи баъзан "жўғрофий-статистик метод" деб хам аталади. Мавжуд барча вариантларни киёсий ўрганиш асосида муайян эртакнинг архетипини реконструкция қилиш ҳамда мазкур сюжетнннг илк шаклланиш жойи ва манбаини аникдаб, унинг кейинги таркалиш ареалши эртак мотивлари, сюжетлари ва сюжет элементларини формал таҳдил қилиш асосида кўрсатиб бериш фин фольклоршунослик мактабининг ўзига хос хусусияти бўлган. Шунинг учун ҳам бу мактаб методикаси фольклоршунослар томонидан "статистик-схематик тахдил" деб баҳоланди ва А.И.Никифоров, Р.М.Волков, Д.К.Зеленин, К.С.Конкка каби фольклоршуносларнинг катта бахс-мунозарали чиқишларига хам сабаб бўлган.[2] А.Аарне томонидан ишлаб чиқилган "Кўрсаткич" жаҳон халқдари эртакларини яхлит тизим сифайзда таҳлил қилиш ва сюжетларни киёсий ўрганиш моделини такдим этганлиги билан фин фольклоршунослик мактабининг кучли жиҳатини акс эттиради.

Жирмунский В.М. К вопросу о международных сказочных сюжетах // Русская фольклористика.-М; "Высшая школа", 1970.-С.312.

Бу хақда қаранг: Волков Р. Финская школа перед киризисом // Сов. Этнография, 1934, №4. - С. 141-144; Конкка У.С. "Финская школа" о сказке // Сов. Этнография, 1934 №4 - С.17-26.



Шу билан бир қаторда "фин мактаби" томонидан фольклорни тадкиқ этишга тадбиқ қилинган метод муайян камчиликлардан ҳам холи эмас эди. Эртакшуносларнинг 1932 йилда Лунде (Швеция) шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конгресда сўзга чиққан швед олими Карл В. фон Сидов бу мактабнинг асосий назарий хатоларини шундай баён қилди: "агар Антти ААрненинг айрим эртакларга бағишланган монографияси ҳамда "фин мактаби"нинг бошқа мамлакатлардаги тарафдорлари томонидан ёзилган худди шунга ўхшаш ишлар билан танишиб чиққан киши эртакшунослик боши берк кўчага кириб қолганлиги, энди бу йўл билан ҳеч қаёққа бора олмаслигига амин бўлади. "Фин мактаби"да ишлаб чиқилган метод шу қадар содда, схематик ва бунинг устига, кўпинча ноаниқ ва юзаки маълумотларга асосланган. Ҳар бир монографик тадқиқотнинг вазифаси мазкур эртакнинг илк сюжет асосларини топиш ва у юзага келган жойни аникдашга қаратилган бўлиб, бунда эртакнинг барча вариантлари бир хилда баҳоланади ва тахдил схематик-статистик усулда олиб борилган. Бундай тадқиқот натижасида эса эртакнинг дастлаб пайдо бўлган энг содда сюжет ўзаги эмас, балки мукаммал мотивлар таркибига эга бўлган яхлит матн, яъни эртак тараққиётининг энг кейинги маҳсули аниқланган. Эртакнинг просюжети юзага келган тахминий худуд деб эса ўзининг сюжет курилишига кўра тадқиқотчилар аниқлаган ана шу "праформа"га энг яқин деб топилган эртак ёзиб олинган жой белгиланади".[1]

Тарихий-географик методнинг "схематизм" билан боғлиқ хатолари америкалик профессор Стиф Томпсон томонидан тўғриланди. У 1926-1927 йилларда К.Крон рахбарлигида А.Аарненинг "Эртак типлари кўрсаткичи"ни қайта нашрга тайёрлаш борасида бошлаган ишларини давом эттирди ва уни инглиз тилига таржима қилиб 1928 йилда нашр эттирди. Орадан бир йил ўттач, "Folklore Fellows Communications", яъни "FFC" йиллик илмий тўпламида румин, венгер, исланд, испан эртакларининг сюжет кўрсаткичи чоп эттирилди.

Эртакшуносларнинг 1935 йилда Лунде шаҳрида ўтказилган навбатдаги халқаро анжуманида А.Аарне кўрсаткичининг бойитилган ва тўлдирилган намунасини тайёрлаш лозим деган хулосага келинди. Аввалги изланишлардан фаркли ўларок, янги кўрсаткични яратишда фақат эртаклар билан чекланиб қолмасдан, дунёнинг турли-туман халқдари фольклоридаги миф, афсона, латифа ҳамда бадиий жиҳатдан қайта ишланган адабий эртаклар материалини ҳам жалб қилиш тавсия қилинди. Бу ғоят машаққатли ва кўламдор тадқиқотни амалга ошириш яна С.Томпсон зиммасига тушди.

С.Томпсон жаҳоннинг турли мамлакатларида чоп эттирилган ва Фольклор архивларида сақланаётган улкан ҳажмдаги фактик материални тахдил қилишга киришар экан, "фин мактаби" асосчилари томонидан қўлланилган "типларга ажратищ методи" бу даражадаги катта материални системалаштира олмаслигини сезиб қолди. Уз салафларидан фарқли ўлароқ, С.Томпсон сюжетларни типларга ажратишнинг энг кичик рубрикатив бирлиги сифатида мотивни танлади ва шу асосда иш олиб борди. Шунинг учун ҳам 1936 йилда нашр этилган 6 жилдлик каталог "Эртакка оид адабиётлар мотивларининг кўрсаткичи" деб аталган бўлиб, илк жилднинг аввалидаги "Эртак, баллада,

**Иктибос қуйидаги манбадан олинди:** Зеленин Д. Международная конференция фольклористов-сказковедов в Швеции // Сов. Этнография, 1934. - №1-2. - С.224.

миф, масал, ўрта аср "халқ романлари", фабльо, латифа ва маҳаллий афсоналарнинг тасвирий элементлари таснифи" номли сўзбошмда "Кўрсаткич"нинг мохияти ҳақида маълумот берилган эди.

С.Томпсон ўзининг мазкур "Кўрсаткич"ига киритилган мотивларни куйидаги тартибда гуруҳдаштирилган:

1) кадимги космогоник эпос мотивлари;

2) тотемизм, магия, инонч-эътиқодлар, халқ карашлари, ғайриоддий кучлар ҳақидаги тасаввурлар ҳамда жониворларнинг рамзий образлари билан алоқадор мотивлар;

3) "инсон тақдири ва характерининг индивидуал сифатлари" тасвири билан боғлиқ мотивлар;

4) қироллар, шаҳзодалар, шоҳона урф-одатлар, ижтимоий табақалар ва касб-хунарлар билан боғлиқ насрий асарлар мотивлари (С.Томпсон бу гуруҳни "ижтимоий тизимга оид мотивлар" деб номлаган);

5) тақдирлаш на жазолаш билан боғлиқ мортивлар;

6) қочиш, жоҳиллик, шаҳвоният, уйланиш ва тугилишга оид мотивлар;

7) диний мотивлар;

8) юмористик мотивлар.

Халқ насри асарларини сюжет типлари бўйича эмас, балки сюэкет курилишини ташкил этувчи анъанавий мотивлар силсиласи асосида таснифлашнинг С.Томпсон томонидан таклиф қилинган усули фольклоршунослар томонидан қўллаб-кувватланди. Чунки анвалгис на нисбатан мукаммалроқ бўлган бу усулнинг афзаллиги - эпик сюжетлар миграциясининг худудий қамровини янада аникроқ белгилаш, таҳдил қилинажак фактик материал қамровини кенгайтириш ҳамда фольклорнинг эртакдан бошқа жанрларига тадбиқ этилиш имкониятига эгалигида эди.

С.Томпсон 1946 йилда Индиана университети (АҚШ) хузурида Фольклор институтини ташкил этди ва фольклоршуносликдаги "антропологик мактаб" вакилларининг баҳс-мунозараларига қарамай,[1] тарихий-географик ме'хщ асосидаги илмий тадқиқотларни изчил давом эттирди. Натижада Полинезия ва Микронезия, Европа мамлакатлари ва Америка халкдари эртакларинпнг мотивлар кўрсаткичлари нашр этилди. 1955 йилдан бошлаб эса С.Томпсон томонидан тузилган "Мотивлар кўрсаткичи"нинг қайта ишлаб, тўлдирилган нашри чикарила бошланди.

Жаҳон халкдари фольклорининг эртак, миф, афсона, ривоят, накд, масал, латифа ва бошқа жанрлари материалари асосида бойитилган, тўлдирилган ва мукаммаллаштирилган мазкур "Кўрсаткич" фольклоршунослщда "Байналмилал йигма каталог" сифатида юқори баҳоланди. Шунинг учун ҳам бу кўрсаткич "Европа фольклоршунослар жамияти" (FFC) томонидан 1961 йилда Хелсинкида нашр эттирилди. Илмий изохдар, тузатишлар ва аниқликлар киритилган кейин 1964, 1973 йилларда қайта чоп этилди ва "Аарне-Томгк он кўрсаткичи" номи билан аталди. А.Аарне ишлаб чиккан гизим ва методикгни қўллаб иш кўрган С.Томпсон каталог яратишда ўша даврга чача нашр эттирилган барча эртак тўпламларидаги материаллар, илмий тадқиқотларда таҳдил

[1] Землянова Л.М. Современная американская фольклористика. - М.: Наука, 1975. - С.122-



килинган сюжетлар ва фольклор архивларида сақданаётган матнлардан фойдаланган. Бу каталог эртакларни системалаштиришнинг асосий илмий кўрсаткичига айланди ва эртак сюжетларининг миллий каталогларини яратишга бел боглаган фольклоршунослар ана шу манбадан фойдаланадилар ва сюжет типларини "АТ" белгиси асосида тасвифлайдилар.

Фин фольклоршунослиги мактабининг вакилларидан бири В.Винерт Аарне-Томпсон тадқиқотларига суянмаган ҳолда антик маданиятга мансуб масалларнинг миқдорий-статистик кўрсаткичини яратди (1925).

"Фин фольклоршунослик мактаби"нинг методи асосида чех фольклоршуноси Ю.Поливка билан немис олими И.Больте ҳамкорлигида "Ака-ука Гримм эртаклари кўрсаткичи" (1913)нинг беш жилдлигини чоп эттиришди. Европа фольклоршунослиги тарихида муҳим ўрин тутувчи бу "Кўрсаткич"да ҳар бир эртак сюжетининг дунё халқдари орасида тарқалган вариантлари берилганлиги, сюжетларнинг манбаи ғоят аниқлиги эътиборни тортади. Шунингдек, профессор В.Андерсон, В.Н.Андреев, В.Тилле, Р.Т.Христиансен ва бошқа олимларнинг XX аср бошида яратилган илмий тадқиқотларида "тарихий-географик метод" кенг кўламда қўлланилди. Бу метод асосида А.Шуллерус 1928 йилда румин халқ эртакларининг сюжет кўрсаткичини тузди.

Рус олими В.Н.Андреев А.Аарне "Кўрсаткичи"ни рус тилига таржима қилди ва уни 1929 йилгача ёзиб олиниб, нашр этилган ҳамда илмий манбаларда таҳдилга тортилган рус халқ эртаклари сюжет тизимига оид материаллар билан тўлдириб, *"Эртак сюжетларининг Аарне ситемаси бўйича кўрсаткичи"* (1929) номи билан нашр эттирди. Шу тариқа рус фольклоршунослигида эртак сюжетларини илмий тавсифлаш ва таснифлашда юқоридаги нашрни асос қилиб олиш ҳамда ҳар бир сюжет типини "АА" белгиси остида гуруҳдаштириш анъанага айланди.

"Тарихий-географик метод" асосида эртак сюжетларини системалаштириш ва қиёсий жиҳатдан тадқиқ этишга Л.Г.Бараг катта хисса қўшган. У XYHI-XX асрларда ёзиб олиниб, нашр этилган барча рус, белорус, украин халқ эртакларининг сюжет таркибини таҳдил қилиб, И.П.Березовский, К.П.Кабашников, В.Н.Новиковлар билан ҳамкорликда "Сюжетларнинг киёсий кўрсаткичи. Шарқий славян эртаклари" ("Сравнительный указатель сюжетов. Восточнославянская сказка") номли йирик каталогни тайёрлади. 1979 йилда нашр этилган бу "Кўрсаткич" Аарне-Томпсон системасига асосланган. Китобдан "Шарқий славян эртаклари учун хос бўлган сюжет-мотивлар контаминацияси", "Томпсон ва Аарне-Андреев кўрсаткичидаги рақамлар билан киёсий жадвал", "Шарқий славян эртакларига дойр энг мухим тадқиқотлар", "Эртак ва бошка эпик жанрлар сюжетларининг кўрсаткичлари рўйхати", "Географик кўрсаткич" каби иловалар ҳам жой олган. Кенг қамровли материал асосида курилган ва илмий-назарий жиҳатдан пухта ишланган мазкур кўрсаткич "СУС" атамаси билан жаҳон фольклоршунослигида катта шуҳрат қозонди.

Бундан ташқари, А.Аарне системаси асосида турк испан (Ж.Е.Келлер, 1949), серб (П.Недо, 1956), Куба, Доминикан Республикаси ва Шимолий Америка (Т.Л.Хансен, 1957), венгер (К.Ковач, 1958), хорват (М.Бошкович-^лулли, 1959), ҳинд (С.Томпсон, В.Робертс, 1960), поляк (Ю.Кшижановский, 1962-63), инглиз (Е.В.Боунгман, 1966), Марказий Африка (В.А.Ламбречт, 1967),

япон (Х.Икеда, 1971), осетин (А.Х.Бязиров, 1972), словак (В.Гашпарикова, 1974), грузин (Т.О.Курдованидзе, 1977), латиш (К.Араис, А.Медне. 1977; "Араис-Медне каталоги" дейилади), абхаз, авар (И.Левин, У.Мазинг, 15 65-1975), белорус (Л.С.Бараг), чечен-ингуш (Б.С.Сагдуллаев, 1980), ациг (А.И.Алиева, 1986) ва бошқа халкдар эртакларининг сюжет кўрсаткичларғ ва мотив-индекслари кўрсаткичлари тузилди.

Кейинги йилларда фольклорнинг эпик жанрларига мансуб асарларнинг сюжет ва мотивлар кўрсаткичини тузишда компьютер технологиясининг имкониятларидан самарали фойдаланилмокда. Хусусан, Россия Фанлар академияси Фундаментал тадқиқотлар дастурининг "Евросиёда мала шй мулоқотлар" йўналиши асосида 2004 йилда ФАнинг Санкт-Петербург бўлнми томонидан берилган 04-06-80238 ракамли Проект асосида илмий тадқиқот ишлари олиб борган рус олими Ю.Е.Березкин "Америка ва Евросиё халқдари фольклоридаги мифологик мотивлар каталоги"ни тузди. Бу каталог Осиё ва Америка қитъаларининг 208 ареалидан тўпланган 35 минг матанннг аннотацияси асосида аникданган 1164 та мотивни ўз ичига олган. Евросиё, Австрало-меланезия, шимолий Америка халкдари фольклоридаги мифологик мотивлар икки типга: а) космологик ва этиологик мотивлар (525 та); б) колган барча мотивлар (639 та) бўлиб таснифланган. Ю.Е.Березкин Америка ва Евросиё халқдари мифологиясидаги параллелликлар илк глоцен даври, яъни бундан 8-10 минг йиллар бурунги жараёнлар билан боглиқ деган хулосага келган. Бу каталогнинг электрон версияси муаллиф томонидан музтагил тўлдириб борилмокда.[1]

XX асрнинг 50-йилларига келиб, «тарихий-географик мактаб» вакиллари ҳар бир эпик сюжет ёки мотивнинг тарқалиш ареалини аникдашни эмас, бажи муайян фольклор асарлари илк бор юзага келган, сюжетларнинг архаик шакллари яратилган жойни аниқлашга асосий диққатни карата бошладилар. Фин олими В.Андерсоннинг илмий изланишлари фикримиз далили бўла опади.

Эртакларни каталоглаштириш ва уларнинг сюжет кўрсаткичлари тузиш юзасидан туркий халқдар фольклоршунослигида ҳам анча ишлар амалга оширилган. 1953 йилда турк халк эртакларининг немис олими В.Эдэрхглд ва П.Т.Боратов томонидан тузилган сюжет кўрсаткичлари каталоги нашр этилган эди. Туркман олими А.Баймирадовнинг "Ҳайвонлар ҳақидаги туркман эртаклари" (1986) номли тадқиқотида "Ҳайвонлар ҳақидаги туркман эртакларининг систематик кўрсаткичи" деб номланган фасл мавжуд бўлиб, унда муаллиф А.Аарне, С.Томпсон, Н.П.Андреев томонидан тавсифланган халкаро каталогларда қўлланилган илмий методни туркман фольклоридаги мажозий эртакларига тадбиқ этган. А.Баймирадов каталогида хайвонлар ҳақидаги туркман эртакларининг систематик кўрсаткичи 155 та сюжет типнни ўз ичига олган бўлиб, шундан 47 таси асосий ракамлардир. Эртаклар каталоги

Березкин Ю.Е. Южно-сибирско-североамериканские связи в области мифологий // Археология, этнография и антропология Евразии. - 2003. - №2 (14). - С.94-105; Его же. О путях заселения Нового Света: некоторые результаты сравнительного изучения американских и сибирских мифологией // Археологические вести. - 2003 - Вып 10 - С 228-285;



туркман фольклоршунослигида биринчи марта тузилган бўлиб, унга ҳайвонлар хакидаги 108 та эртак манти ҳам илова қилинган.[1]

Бошқирд фольклоршуноси А.М.Сулаймонов ўзининг "Бошкирд халк маиший эртаклари" (1994) номли асарида туркий халқлар фольклоршунослигида биринчи бўлиб маиший эртаклар туркумини халкаро сюжет кўрсаткичлари ва каталоглар("АТ", "СУС")га қиёслаш асносида тадқиқ этди. Бошқирд маиший эртакларини ўрганиш ва уларни эртакнинг бошка турлари билан қиёслаш шуни кўрсатдики, гоҳида айни бир сюжет эпик турнинг турли хил жанрлари таркибида келиши, маълум бир сюжет асосига курилган асарлар айни пайтда турли жанрларга мансуб деб қаралиши мумкин экан. Халкаро каталогларда қайд қилинган сюжет типларининг деярли барчаси бошкирд фольклоридаги маиший эртаклар тизимида мавжуддир.[2]

Жониворлар ҳақидаги эртаклар сюжетининг каталоги тожик фольклоршунослари томонидан ҳам тузилган. «Тожик фольклори куллиёти» силсиласида 1981 йили нашр этилган «Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар ва масаллар» номли китобда 419 та тожик халқ эртаклари ҳамда масаллари А.Аарне-С.Томпсон, В.Эдэрҳанд-П.Т.Боратов каталоглари асосида системалаштирилган.[3] Тўпламга фольклоршунос Мирра Явич томонидан тузилган «Тожик мажозий эртаклари асосий мотивлар кўрсаткичи» ҳам илова қилинган.

Тожикистонлик фольклоршунослар тарафидан ўтказилган бир тажриба эртаклар сюжетини халкаро каталогларда қўрсатилган сюжет типлари билан қиёслаб таҳдил килиш қанчалик аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Улар жониворлар ҳақидаги тожик эртаклари сюжетининг аннотациясини электорон-хисоблаш машинасига киритиб, уларни жаҳон халқлари фольклоридаги эртакларнингн сюжет типлари билан қиёслаб чиққанларида тожик халк огзаки бадиий ижодидаги 419 та сюжетдан фақат биттаси - "Сичқонни яхши кўриб қолган чол билан унинг рашкчи хотини" номли эртак сюжетигина бошка халқдар фольклорида учрамаслиги маълум бўлган.[4] Демак, эртакларнинг сюжет типлари каталогини яратиш ҳар бир халк фольклорининг миллий ўзига хослигини аниқдашга ёрдам беради.

Узбек фольклоршунослигида тарихий-географик метод асосига курилган йирик тадкиқотлар яратишга эндигина киришилаётган бўлса-да, халк эртакларининг сюжетини Аарне-Томпсон, Аарне-Андреев кўрсаткичларига солиштириб ўрганиш тажрибаси мавжуд. Хусусан, профессор Ғ.Жалоловнинг "Узбек халқ эртаклари поэтикаси" (1976) асарида узбек фольклоридаги оригинал сюжетли эртаклар мавжудлигини илмий далиллаш мақсадида Аарне-Андреев каталогида "300" раками билан белгиланган "Илонни енгувчи" сюжет типининг ўзбеклар орасида тарқалган миллий версиялари таҳдил қилинган. Аарне-Андреев каталогидаги 301-сюжет типи узбек фольклоридаги уч ога-инининг сафарга чиқиши ва гўзал қизни олиб қайтаётган кенжага акаларининг

[1] Баймырадов А. Хайванлар хакындакы туркмен эртекилери. - Ашхабад, 1986, 49-78-бетлар.

[2] Сулейманов А.М. Башкирские народные бытовые сказки. - М.: Наука, 1994. - С.208.

[3] Свод таджикского фольклора Т.1. Басни и сказки о животных. Составители: И.Левин, Дж. Рабиев, М.Явич. - М.: Наука, 1981.

[4] М.Явыч. Сказки на перфокартах // Памир, 1969, №2.

душманлик қилиши ҳамда кенжа кўп қийикчиликларни бошдан кечириб ўз уйига келиши ҳақидаги эртак ўхшашлиги аниқданган. 301-сюжет типига хос мотивлар "Абулқосим", "Миср подшоси", "Сехрли олма" каби эртакларда хам учрашини, шунингдек, "300, 313, 325, 400, 403, 450, 465, 511, 513-эртаклар каби рус ва бошқа халқдар эртакларининг сюжет мотивлари билан узбек эртаклари орасида баъзи бир умумийлик" мавжудлигини қайд қилган тадқиқотчи ўзбек халқ эртакларининг сюжети халқаро эртак сюжетларига монанд бўлса-да, бу эртаклар ўзбек халкининиг кадимий маданияти билан боғлиқ ҳолда вужудга келган деб хисоблайди.[1]

УзР ФА собиқ Қўлёзмалар институтининг бир гуруҳ фольклоршунос олимлари мазкур илм даргоҳининг Фольклор архивида тўпланган халқ огзаки бадиий ижоди асарларини системалаштириш, уларнинг қисқача илмий тавсифини тузиш ва каталоглаштириш максадида шу фондда сақданаётг?н 200 га яқин халқ достонлари сюжетининг каталогини туздилар. 1986 йилда ion эттирилган "Ўзбек халқ достонлари каталоги" (тузувчилар: А.Турсунцулов, Ш.Турдимов; масъул муҳаррир: Ё.Жўраев) халқ достонларининг ўзбек фольклоршунослигида кабул қилинтан илмий таснифига таянган ҳолда тузилган. Каталогда ҳар бир достоннинг ким томонидан ижро этилггни, айтувчининг ёши, маълумоти, манзили, қачон ва ким томонидан ёзиб олинганлиги, асар ҳажми тўғрисида маълумот берувчи "паспорт" ҳамда досгон сюжетининг аннотацияси - қисқача мазмуни берилган. Халқаро каталоглгрга солиштирганда анча примитив характерга эга бўлган бу кўрсаткичда ўзбек халқ достонларининг сюжетлари муайян типларга ажратиб тавсифланмаган, \ир 5ир сюжет типини характерлайдиган ўзига хос мотивлар таркиби аниқданмаган. Шунингдек, достонларнинг бошқа илмий фондларда сақданаётган, каталог тузилаётган пайтда ҳаёт бўлган ижрочи бахшилар репертуарида мавжуд бўлган ва нашр этилган вариантлари, шунингдек, ҳар бир эпик сюжетнинг бошка туркий ва турки^ бўлмаган халқлар фольклоридаги версиялари хусусида маълумот берилмаган. Аммо ушбу каталог узбек фольклори эпик жанрлар ига оид фактик материалларни системалаштириш ва каталоглаштириш йўлидаги илк уриниш бўлиб, келгусида ўзбек халқ достонлари сюжетининг мукам; лал илмий кўрсаткичи тузилади деб умид қиламиз.

Фольклоршунос Т.Раҳмонов ўгайлик мавзусидаги халқ эртакларининг узбек фольклорида оммалашган сюжет типларини аникдашга дойр илмий ишида[2] шартли равишда "бегуноҳ жабрланганлар" деб аталган мавзу гурухига кирувчи "Ўгай она ва ўгай қиз" (Аарне-Томпсон-403, 480, 510); "Сохта ыелИн" (АТ-425,533); "Опа ва ука"(450); "Қўлсиз қиз" (706); "Билмасвой" (532); "Ўгай она ва ўгай ўғил" (511); "Ғаройиб болалар" (707); "Угай онам ўлдирди мети" (720); "Улик малика ёхуд сеҳрли ойна" (709); "Туҳматга учраган хотин" (712); "Туҳматга учраган қиз" (883) каби сюжет типлари мавжудлигининг аникдади.

Филология фанлари номзоди М.Содиқованинг ўгай қиз типидаги эпик сюжетларнинг узбек фольклоридаги талқинларига бағишланган "Ўгай қиз типидаги туркум эртакларнинг генезиси, спецификаси ва поэтнкаси" мавзуидаги диссертация ишида (2001) бу йўналишдаги изланишлар изчил

[1] Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. - Тошкент.: Фан, 1976, 40-бет.
[2] Раҳмонов Т. "Бегуноҳ жабрланганлар" тематик туркумининг сюжет таркиби // "Узбек тили ва адабиёти", 1988, №6, 61-63-бетлар.



давом эттирилди. А.Аарне, С.Томпсон, А.П.Андреев, Л.Г.Бараг каби олимлар томонидан қўлланилган тадқиқот методи асосида иш олиб борган ёш олима ўгай қиз ҳақидаги туркум эртакларнинг узбек фольклорида тўққиз хил сюжет типи мавжудлигини аниклади. Узбек фольклоридаги ўгай қиз ҳақидаги эртакларни муайян типларига ажратиб тавсифлашга багишланган мазкур тадқикот натижалари ўзбек халқ эртакларининг сюжет ва мотивлар кўрсаткичини тузиш учун материал бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотчи, ўзбекларнинг ўгайлик мавзусига доир эртакларини жаҳон халклари фольклоридаги ўгай қиз ҳақидаги эпик сюжетлар билан қиёслаб, уларнинг ўзига хос ва фарқди жиҳатларини аниқланади.

Масалан, Аарне-Андреев ва Аарне-Томпсон кўрсаткичларида "Ўгай она ва ўгай қиз" деб номланиб, АТ-480 раками билан тавсифланган сюжетнинг беш хил кўриниши берилган: 1) АА480*А рақамли сюжет типи талқинича, қудуқцан сув олаётганда бехосдан челакни тушириб юборган ўгай қиз онасининг қаҳридан қўрқиб, челак ахтариб йўлга тушади. Сеҳргар унга яхшилиги учун бир сандиқ тилла совға қилади. Ўгай онанинг кизи ўзининг уқувсизлиги туфайли оловда куйиб ўлади; 2) ўрмонга адаштириб келинган ўгай қизни Аёзбобо (ялмоғиз кампир, алвасти ва ҳ.к.) синаб кўрииши ва совга бериши ҳақидаги эртак сюжети АА480*В деб белгиланган; 3) АА480*С рақамли сюжет талқинича, ўрмонга адаштириб келинган ўгай қиз айиқ билан бекинмачоқ ўйнаши ва ўша айиқ ёрдамида бахтга эришади; 4) мазкур сюжетнинг АА480*Е рақамли вариантида эса ўрмонга адаштириб келинган ўгай қизга мушук, олма, берёза дарахти ва печка ёрдам берадилар; 5) АА480*Д рақамли сюжет типи эса ўгай она қистови билан ўрмонга юборилган етим қиз шайтонни алдаб, тонг оттириши воқеалари ҳикоя қилинади.

М.Содиқованинг тадқиқотлари натижасида ўзбек эртакчилари репертуарида мазкур эпик сюжетнинг ўзига хос типи мавжудлиги аникданди. "Подавоннинг қизи" деб номланган бу эртак Бухоро вилоятининг Олот туманида яшовчи 55 яшар Икдим Абдуллаевадан 1975 йилда С.Умаров томонидан ёзиб олинган бўлиб, тадқиқотчи ана шу сюжет типини *АА480*Ғ* деб тавсифлаганлиги жаҳон халқлари эртаклари сюжети ва мотивлар тизимининг каталогини мукаммаллаштиришга қўшилган катта ҳиссадир.

Бу эртакда ўгай она қистовида етим қизнинг бадарға қилиниши билан боғлиқ воқеалар мазкур типга мансуб эртаклар сюжетининг анъанавий мезоний шаклига монанд холда тасвирланган. Аммо эртак қаҳрамони Нордонхоннинг шундан кейинги саргузаштлари, айникса, каптар кўринишидаги афсонавий ҳомийларнинг унга ёрдам бериши воқеалари бошқа халқдар эртакларида учрамайди. Демак, тарихий-географик метод асосида олиб бориладиган изланишлар фольклор асарларини жаҳон халқлари огзаки бадиий ижодиёти контекстида таҳдил қилиш ва миллий ўзига хос жиҳатларни белгилаш учун қимматли маълумотлар беради.

"Тарихий-географик метод" фольклорнинг эпик жанрларига хос сюжет ва мотивларнинг тарқалиш ареалини аникдаш, у ёки бу сюжетнинг турли вариантларини киёсий тахдил қилиш асносида бирламчи эпик ўзак - архетипларни белгилаш, сюжетларнинг юзага келиш жараёни ва таркалиш кўламига доир илмий кузатишлар олиб бориш имконини беради.

## ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИКДА "САЙЁР СЮЖЕТЛАР НАЗАРИЯСҒ" ЁКИ "МИГРАЦИОН МАКТАБ"

**XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб "мифологик мактаб" йўналишғда тадқиқот ишлари олиб борган фольклоршунослар мифларни қиёсий ўрганиш мақсадида жуда бой фактик материал тўпладилар. Бу эса жаҳоннинг гурли жойларида истиқомат қилувчи халқдар огзаки бадиий ижоди ва ёзма адабиётида кўплаб ўхшаш сюжет, мотив ва образлар мавжудлигини кўрсатди. Аниқланишича, тарихий-этник келиб чиқишида умумийлик бўлмаган халқларнинг эртаклари орасида сюжет қурилиши ва мотивлар тизимига кўра** бир**-бирига жуда ўхшаш асарлар кўпчиликни ташкил этар экан. Дунё халқдари фольклоридаги бундай муштаракликларнинг сабабини ўша *щ.вр* фольклоршунослигидаҷ асосий йўналиш ҳисобланган "мифологик мактаб"нинг "ҳинд-европа бобосюжетлари"ни ўрганишга асосланган "қиёсий-филологик" методи ёрдамида аниқлашнинг имкони бўлмади. Чунки эпик сюжетларида ўхшашлик мавжудлиги аниқланган халқлар бир-бирщан жўғрофий ўрни, этник мансубияти, диний-эътиқодий карашлари, турмуш тарзига кўра жиддий фарқланиб турарди. Шу тарика, фольклорнинг бу ўзнга хос хусусиятини янги илмий концепция ва назария асосида тадқиқ этиш эҳтиёжи туғилди ва турли-туман халқлар фольклоридаги ўхшашликларнинг сабабини тушунтиришга қаратилган "сайёр сюжетлар назарияси" юзага келдр:.**

**Ҳар хил халқдар сўз санъатидаги муштарак эпик ҳодисаларни Фольклоршуносликда "миграцион назария", "ўзлаштириш назарияси", "кезувчи сюжетлар назарияси", "сайёр сюжетлар назарияси" каби турли хил номлар билан аталувчи мазкур илмий йўналиш XIX асрнинг 50-йилларидан эътиборан Ғарбий Европа фольклоршунослигида "миграцион мактаб" номини олди.**

**Турли халқдар эпик сюжетларининг ўхшашлиги биринчи марта "Каллла ва Димна" масалларини тадқиқ этган француз олими Сильвестер де Оси аникдаган. У узок йиллар мобайнида "Панчатантра" устида илмий тадқшрт ишлари олиб борди ва 1816 йилда "Калила ва Димна" ёки араб тилидгги Бидпай масаллари" номли китобини чоп эттирди.[1] С.Саси будцавийлик ақидаларини тарғиб этувчи адабиётларни, хусусан, будда кохинлари томоннпан фойдаланилган афсона, ривоят, нақл ва масалларни ўрганиб чиқиб, буддизм инқирозидан кейин бу таълимотнинг маърифий-адабий меросидан брахманхар фойдаланиши ва "Панчатантра"нинг шаклланиш тарихига дойр киммэлли фикрлар билдирди.**

**Гарчи бу тадқиқотда эпик сюжетларнинг кўчиши хусусида** фИкр **юритилмаган бўлса-да, С.Сасининг илмий қарашлари давом эттирган Л.Делоншаннинг "Ҳинд масаллари ва уларнинг Европага тарқалишини ўрганиш тажрибасидан" (1848), шунингдек, В.Вагенернинг "Ҳинд ва юнон апологлари орасидаги ўзаро алоқалар ҳақида очерк" (1852) асарида халқ оғзаки бадиий ижоди асарларининг оммалашишида ўзаро таъсир ва маданий**

[1] Қаранг: Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. - М: Изд-во иностранной литературы, 1960. - С. 317-318.



**алоқаларнинг роли эътироф этилди. Бу икки тадкикотчи кадимги юнон масалларининг маълум бир қисми Осиё халқдари фольклорининг таъсирида юзага келганлиги, айниқса, ҳинд адабиётининг маърифий характердаги адабий жанри - апологларнинг юнонлар томонидан ўзлаштирилиши натижасида масал жанри келиб чиққан деган қарашни илгари сурдилар.**

**С.Сасининг "Панчатантра" хакидаги тадкикоти ва, айникса, Л.Делоншаннинг хинд апологлари ва юнон масаллари орасидаги алокадорлик тўғрисидаги гипотетик қарашлари таникди немиц филолог олими, қиёсий тилшунослик ва ҳинд филологияга дойр кўплаб илмий асарлар муаллифи, Гёттинген университети профессори Теодор Бенфей (1809-1881) томонидан яратилган "миграцион назария"нинг келиб чиқишига асос бўлди.**

**Т.Бенфей "мифологик мактаб" вакилларининг фольклор асарлари гоят кадимий асосларга эгалиги ҳақидаги илмий назарияни маъқуллагани ҳолда, "халк огзаки бадиий ижодиётининг тараққиёти ўзаро маданий ва адабий таъсир жараёни билан чамбарчас богликдир" деган хулосага келди. У фольклорнинг ривожланишида миллий менталитет ва тарихий омилларнинг аҳамиятини эътибордан соқит қилганига қарамай, ўзининг ҳинд адабиёти сюжетларининг бошқа халқдар фольклорига "кўчиб ўтиши" ҳақидаги илмий қарашлари билан фольклоршунослик тарихида бурилиш ясади.**

**Т.Бенфей қадимги ҳинд эртаклари, нақл ва масаллари тўплами "Панчатантра" (милодий I аср)ни немис тилига таржима қилди ва 1859 йилда нашр эттирди. Олимнинг ана шу нашрга сўзбоши сифатида илова килинган қарийиб 600 сахифалик тадкиқотида санскрит эртаклари жаҳондаги бошка халқдар фольклорида мавжуд бўлган эпик сюжетлар билан нихоятда ўхшашлигига кўплаб далиллар келтирди. Шуниң учун ҳам Т.Бенфейнинг ана шу сўзбоши-тадқиқоти фольклоршунослик тарихидаги "миграцион мактаб" назариясининг бошланғич нуктаси бўлди.**

**Чунки Т.Бенфей "Панчатантра" ва Европа халқдари эртаклари сюжет тизимидаги ўхшашликнинг сабабини ҳинд-европа халқларининг этник тарихидаги муштараклик (яъни "мифологик мактаб" тарафдорлари таъбири билан айтганда, "ҳинд-европа бобосюжетлари")дан эмас, балки, бу халклар ўртасидаги ўзаро маданий-тарихий алоқалардан излаш лозим деб ҳисоблади. Унинг фикрича, Шарк маданиятининг Ғарбий Епропа халқдарига таъсири бир неча тарихий босқичларни ўз ичига олади. Искандар Зулқарнайннинг юришлари ва эллинизм даври(милоддан бурунги IY-II асрлар)да амалга оширилган савдо-иктисодий, маданий алоқалар "эпик сюжетларнинг кўчиши" жараёни рўй берган биринчи боскич бўлса, араб истеълочиларининг хуружи ва салб юришлари даври иккинчи босқич деб талқин қилинади. Т.Бенфейнинг тахминича, Осиё халқдари адабиётининг Европа фольклорига таъсири сезиларли даражада кучайиши билан характерланган ана шу "иккинчи бочқич"да Шарқ адабиёти Европага асосан уч йўналиш бўйлаб кириб келган: 1) Ўрта ер денгизи соҳиллари мамлакатлари, шунингдек, Испаниянинг араблар томонидан истеъло этилиши ҳамда** "Мавритания маданияти"**нинг юзага келиши; 2) Шарқ маданиятининг Юнонистон архипелаги оркали Сицилия ва Италияга кириб келиши; 3) фольклор асарлари ва адабий сюжетларнинг Ўрта**

ва Кичик Осиёдан Византия ҳамда Болқон ярим ороли орқали Шаркий Европага "Буюк ипак нули" бўйлаб кириб келиши.[1]

Т.Бенфейнинг ёзишича, "X асрдан эътиборан Ҳиндистонга нслом динининг кириб бориши натижасида ёзма адабиёт огзаки бадиий аяъгна устидан устунлик кила бошлади. Ҳинд адабиёти намуналари араб ва форс тилларига таржима қилиниб, арабларнинг босқинчилик юришлари туфайли Осиё, Африка ва Европанинг турли мамлакатларида яшовчи ахоли орасида кенг ёйила бошланди". У ҳинд адабиёти сюжетларининг Европа халқдари opactma тарқалишида мўғуллар истеълоси муайян даражада аҳамият касб этганлигини ҳам эътироф этади: "милодий I асрда будцавийлик адабиёти билан бирга ҳинд масаллари, накд ва афсоналари аввал Хитойга, сўнгра Тибетга кириб борпш. Тибет орқали эса бу масал, накд ва афсоналар будцавийлик ақидалари бшан бирга Мўғулистон аҳолиси орасида тарқалган. Бизга маълумки, ҳинд адабиётининг кўпгина намуналари мўғул тилида таржима қилинган Е,а шу тарика, хинд ҳикоятлари мўғулларнинг карийиб икки юз Ниллик хукмроялкги даврида Европага кенг ёйилган".[2]

Шарқ ва Ғарб халқдари ўртасидаги адабий алокаларнинг ана шундай мураккаб тарихий-фольклорий тавсифини илмий жиҳатдан далиллагаалиги учун ҳам Т.Бенфей концепцияси фольклоршунослик тарихида "тарши'ка-ориенталистик метод" номини олди.

Т.Бенфей билан деярли бир вақтда фольклор анъанасининг ривожланиши ва тараққий этишида "сайёр эпик сюжетлар"нинг бир халқ огзаки бддиий ижодидан бошқасига "кўчиб ўтиши" жараёни муҳим роль ўйнашини рус олими А.Н.Пипин ҳам кашф этган эди. Унинг 1858 йилда нашр этилган "Кўҳка рус қиссалари ва эртакларининг адабий тарихидан очерклар" номли асари қадиМги рус адабиётининг шарқ ва гарб адабий анъаналари билан ўзаро алоқаларини ўрганишга бағишланган.

"Сайёр сюжетлар назарияси" XIX асрнинг охиридан бошлаб кўпгина фольклоршуносларни ўзига жалб этди. Жаҳон халқдари фольклорининг ўзэро таъсири ва алоқаларини ўрганишга Р.Кёлер, М.Ландау, Н.Вольте (Германия), Г.Парис, Э.Коскен (Франция), А.Клоустон (Англия), А.де Анкона, Д.Компаретти (Италия), И.Поливка (Чехия) каби олимлар "мигрщион мактаб"нинг илмий-назарий қарашларини ривожлантиришга катта ҳжса қўшишди.

Рус фольклоршунослигида "бенфеизм", "компаративизм" номини олган "сайёр сюжетлар назарияси" В.В.Стасов, Ф.И.Буслаев, В.Ф.Миллгр, А.Н.Велеловский, И.Н.Жданов, Г.Н.Потанин, А.Н.Кирпичников, А.М.Лэбсду (Россия) сингари олимларнинг тадкиқотларида давом эттирилди. Эпик сюжетларнинг ўзлаштирилиши жараёнини билан боғлиқ ўзига хос тарихий-филологик конунилтларни очишга қаратилган "компаративистик" ёки "киёсий фольклористок" метод, айниқса, В.В.Стасовнинг "Рус бипиналарининг келиб чиқиши" (1868), А.Н.Веселовскийнинг "Шарқ ва Гарбнинг адабий алокалари тарихидан" (1872), "Жанубий рус билиналари" (1881-1884), В.Ф.Миллерннng

'Соколов Ю.Русский фольклор. - М.: 1941. - С.63-64.

Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. - М: Изд-во иностранной литературы, I960. - С.320-321.



"Рус халқ эпосига дойр экскурелар" (1892), Г.Н.Потаниннинг "Ўрта аср Европа эпосида шарқ мотивлари" (1899) каби асарларида чуқурлаштирилди.

Ўзбек фольклор1нуноси Ғ.Жалолов ўзининг "Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси" (1976), "Узбек фолыслорида жанрлараро алоқалар" (1979), "Узбек халқ эртак эпоси" (1980) каби китобларида Шарк халқдари адабиёти ва фольклорининг узбек фольклори эпик сюжетлари тараққиётига кучли таъсир кўрсатганлигини эътироф этади. Олим турли халқдар фольклоридаги муштарак-уйгун сюжетларнинг вужудга келиш сабабларини куйидаги икки жиҳат билан боглаб изохдайди:

а) биринчидан, халқларнинг қадимдан бир-бирига яқин худудда ёки қўшни бўлиб яшаши, тарихий-тажрижий ривожи, яшаш тарзи ва дунёқарашидаги яқинлик эртаклар сюжетидаги ўхшашликни келтириб чиқаради;

б) иккинчидан, "эртаклардаги айрим машҳур сюжетларнинг бир халқдан иккинчисига, бир ўлкадан бошкасига кўчиб юриши, ўтиб туриш ҳоллари ҳам мавжуд бўлиб, бу халқдар орасидаги...иқтисодий, савдо, маданий ва турли-туман ўзавро алоқалар билан боғликдир".'

Г.Жалолов ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи бўлиб Шарк халқлари ёзма адабиёти, хусусан, халқ китобларининг таржималари ўзбек фольклори эпик жанрларига катта таъсир кўрсатганлигини, хусусан, ўзбек эртакчилари репертуарида ҳинд, эрон араб халқдари фольклоридан ўзлаштирилган сюжетлар асосида яратилган асарлар мавжудлигини аникдаган. Унинг эпик сюжетларни қиёсий тахдил қилиш борасидаги изланишлари натижасида "Калила ва Димна", "Веталининг йигирма беш ҳикояси", "Минг бир кеча", "Тўтинома" каби Шарк адабиётининг мумтоз асарлари узбек халк эртаклари сюжет тизимини бойитишга катта ҳисса қўшган манбалар сирасига киради. Масалан, "Кумурсқа", "Овчи, Кўкча ва доно", "Илоннинг иши заҳар солмоқ", "Ҳийлагар бедана" эртаклари сюжети "Калила ва Димна" хикояларига ўхшаб кетса, милоднинг I асрида вужудга келиб, Марказий Осиё, Мўғулистон ва Тибет халқдари орасида жуда машхур бўлган "Веталининг йигирма беш ҳикояси" китобидаги бешинчи ҳикоя уч оға-ини ботирлар қидаги узбек халк эртакларини эсга солади.

"Сайёр сюжетлар" ёки "кўчиб юрувчи сюжетлар"нинг узбек халк эртаклари сюжет силсиласини бойитувчи манбалардан бари бўлганлигини тўғри эътироф этган Г.Жалолов кадимги хинд адабиёти намуналарининг Ўрта Осиё халқдари, жумладан, ўзбеклар орасида таркалиши интерпретация йўли билан амалга ошган деб ҳисоблайди: "эртаклар қандай бўлса, шундайлигича килинмайди, балки уларнинг баъзи мотивлари кабул қилиниб, жуда катта ўзгаришлар(интерпретация)га учради. Халқимиз бу эртаклар мотивларини ўз ҳаёти, маданияти, психологияси, дунёқараши, урф-одатлари, орзу-истаклари заминида чкди, ўз талабларига жавоб берадиган ўринларни колдириб, баъзиларини эса батамом қайта ишлаб, оригинал эртаклар даражасига кўтарди".[2]

Эртак сюжетларининг шаклланишини асосан "сюжетларнинг кўчиб ўтиши" жараёни билан боғлиқ деб ҳисоблаган "миграцией мактаб"

[1] ЖалоловҒ. Узбек халк эртаклари поэтикаси. - Тошкент.: Фан, 1976, 41-бет.

[2] Жалолов Ғ. Ўзбек халк эртаклари поэтикаси. - Тошкент.: Фан, 1976, 43-бет.

вакилларидан фарқли ўлароқ Ғ.Жалолов эпик сюжетлар қуйидаги икки ом ил асосида юзага келган деб ҳисоблайди: "ўзбек халқ эртаклари сюжетининг халқимиз ҳаёти, дунёқараши, урф-одати, миллий хусусияти ва яшаш шароити билан чамбарчас боғлиқлиги унинг ўзига хос хусусиятларидандир. Шунинг учун ҳам бу эртакларнинг сюжети халкаро эртак сюжетига монанд бўлиши, кўчиб юрувчи сюжет деб номланишидан қатьи назар, улар ўзбек халқининг узок асрли жуда кадимий маданияти билан боглиқ ҳолда вужудга келган".[1]

Урта Осиё туркий халқдари эртакчилик анъаналари тарихини қиёспи-типологик нуқтаи назардан тадқиқ этган фольклоршунос олим Х.Эгамовнинг "Сайёр сюжетлар" (1975), "Ранг-баранг олам" (1979), "Туркий халқдар эртакчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар" (1980) каби асарларида ўзбек халқ эртаклари сюжет силсиласи қардош туркий халқдар фольклори тизимида таҳдил қилинади. Унинг фикрича, "бир халқ огзаки ижодидан иккинчи халқ огзаки ижодига ўзлашган, яъни мазкур халқ идеолошк, фалсафий, эстетик ва этик қарашларидаги ўзига хосликдар ёрқин акс этган, интерпретацияга учраган мотивлар" "кўчиб ютрувчи ёки халкаро мотивлар" дейилади. Туркий халқлар эртакларида юнон, араб, хинд ва эрон мифологияси хамда фольклорига хос "кўчиб юрувчи" сюжет ва мотивлар мавжудлягини эртакларнинг қиёсий таҳлили воситасида аниқдаган Ҳ.Эгамов "бир халқ ижодидаги мотив ёки эпизод иккинчи халқ учун бутун бир эртак сюжети оўлиб хизмат қилиши ёки аксинча, бир сюжет иккинчи халққа ўтганида миллий интерпретацияга учраб, шу халқ эртагида маълум мотивларга айлаыиши" қонунияти мавжудлигини аниқлади.

Узбек фольклори эпик сюжетлари тизимининг ша|<лланиши ва бойиб боришида араб адабиёти, айниқса, "Минг бир кеча" ("Алф лайла ва лайла' )нинг таъсири кучли бўлган. Шу боис узбек фольклоридаги "ўзлаштирма сюжетлар"нинг манбалари ҳақида сўз юритганда араб-ўзбек фольклор алоқалари масаласига ҳам тўхталиш керак бўлади. Фольклоршунос олим Ш.Шомусаровнинг "Араб ва узбек фольклори тарихий-қиёсий таҳдили" 120(12) номли тадкиқоти худди шу муаммо таҳдилига багишланган. Олим араб ва узбек халқ эртаклари сюжет тизимидаги муштаракликларнииг юзага келншига қуйидаги икки омил асос бўлган деб ҳисоблайди: а) эртак сюжетлар дни нг жонли огзаки ижро оркали тарқалиши; б) китобат қилинган адабий эртаклар, биринчи навбатда, "Минг бир кеча" мажмуасининг Ўрта Осиё халқдари орасида оммалашиши.[3]

Дарҳақиқат, "Минг бир кеча"нинг таржима қилиниши ва халқ оммаси орасида тарқалиши натижасида араб эртакчилигига хос бўлган кўплаб сюжетлар ўзбек эртакчилари релертуарига кўчган. Проф. Г.Жалолов "Е1афо", "Гулжавол", "Камбағал хотиннинг ҳийласи", "Тухматчилар жазоси", "Тадэирпи аёл", "Сўлмас гул ёки вафодор хотин" каби эртаклар, шунингдек, Ҳамзанинг "Майсаранинг ити" комедияси сюжети "Минг бир кеча"нинг 593-596-кечаларида Шаҳризода томонидан сўзланган араб эртагига жуда якинлигини

' Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. - Тошкент.: Фан, 1976, 40-бет.

Эгамов X. Ранг-баранг олам. - Тошкент.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 42-43-бетлар.

Шомусаров Ш. Араб ва узбек фольклори тарихий-киёсий таҳпили. - Тошкент: Фан, 2002, 252-бет.



қайд килган эди.[1] Ш.Шомусаров эса "Минг бир кеча"даги "Сеҳрланган йигит ҳикояси" эртагида айёр хотин билан боғлиқ воқеалар тафсилоти (1-жилд, 66-70-бетлар) "Сирли гиламча" номли узбек эртагидаги Гул ва Қахрамон саргузаштларини ёдга тушириши; "Бир мирилик хикмат" номли араб эртаги "Сирли туш", "Уч огиз ўгит" номли узбек эртакларининг яратилишига асос бўлганлиги; "Туз" номли араб эртагидаги воқеалар ўзбекларнинг "Доно хотин" эртагига якинлигини аникдаган. Зеро, араб халқ огзаки бадиий ижодиётининг китобат килинган адабий манбалари оркали Ўрта Осиё халқдари, жумладан ўзбеклар орасига тарқалган "сайёр сюжетлар" узбек эртакчиларининг бадиий-эстетик карашлари ва эпик билими доирасида узок йиллар мобайнида қайта ишланиши натижасида янги эртаклар силсиласи юзага келган.

"Сайёр сюжетлар назарияси"ни илгари сурган "миграцион мактаб" ўзига хос ютукдарга эришганлиги билан фольклоршунослик фани тарихида алоҳида ўрин тутади. Бу мактабнинг асосий ютуги, XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод килган "мифологик мактаб" тарафдорларининг фольклор асарларининг келиб чикиш тарихи, генезисига дойр бир ёкдама концепцияси ("барча эпик асарлар сюжетининг ягона бобосюжет ёки хиндевропа боботилида сўзлашувчи этнос мифологиясига бориб такалиши")нинг хатоси исботланганлиги хамда халк огзаки бадиий ижодининг тараққиётида халқдар орасидаги маданий алоқалар ва ўзаро адабий таъсир алоҳида ўрин тутишини илмий асосланганлиги билан белгиланади.

"Миграцион мактаб" тадқиқотлари натижасида жаҳоннинг турли-туман халқдари фольклоридаги муштарак мавзудаги асарлар, ўхшаш сюжет ва мотивлар тизими мавжудлиги аниқланиб, бу фикрни тасдикдовчи жуда катта фактик материал тўпланди ва киёсий тахдилга тортилди. А.Н.Веселовский таъбири билан айтганда, "бу назария тарафдорлари сюжетларнинг ўзлаштирилиши ҳодисасини икки ёкдама ижодий жараён сифатида, яъни "маданий ҳодиса" ўзлаштирилган халк фольклорининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ўша ҳодисани ўзлаштирган халқ адабиётининг миллий спецификасини ўргандилар".

Шу билан бирга, "миграцион мактаб" тадқиқотларида муайян даражада чекланишлар ва камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги фольклоршуносликда ҳақли равишда эътироф этилди. Бу мактаб вакилларининг энг катта хатоси, турли халқдар фольклоридаги "ўзаро ўзлаштириш" ва адабий таъсир ҳодисасининг тарихий-фольклорий жараёндаги ролини ҳаддан ортиқ даражада бўрттириб кўрсатишга берилиб кетиш оқибатида ҳар бир халқ огзаки бадиий ижодиётида унинг миллий менталитета, маънавий маданияти, эстетик карашлари, руҳий табиати, этник мансубияти ва турмуш тарзининг ўзига хослиги ҳам акс этишини назардан соқит қилишган. Қолаверса, фольклорнинг асосий гоялари бевосита унинг ижодкори бўлган халк оммаси томонидан яратилар экан, у ёки бу эпик сюжетнинг ўзлаштирилиши фольклор тараққиётининг асосий шарти эмас, балки ижодкорликдаги иккиламчи ҳолат ҳисобланади.

[1] Жалолов F. Узбек фольклорида жанрлараро алоқалар. - Тошкент.: Фан, 1979, 153-154-бетлар.

[2] Қаранг: Кравцов Н.И., Лазутин С.Г. Русское устное народное творчество. - М: "Высшая школа", 1983. - С.404.

"Миграцией мактаб" вакиллари (мае: В.В.Стасов, В.Ф.Миллер ва бошқ.) турли халқлар фольклоридаги учрайдиган муштаракликларнинг барчасини "адабий ўзлаштириш маҳсули" деб қарайдилар. Аммо фодьклорда типологик муштараклик ҳам мавжудлиги ҳар қандай ўхшашликни "сюжетларнинг кўчиши" ёки фольклор элементларининг миграцияси натижасида юзага келган ҳолат деб баҳолаш тўғри эмаслигини кўрсатади. XIX аернинг охирларигача фольклоршуносликда етакчи йўналиш хисобланган бу илмий мактабнинг шу каби камчиликлари кўзга ташланган, халқ огзаки бадиий ижодиётини тадкиқ этишнинг янги методларига эҳтиёж сезила бошлади. "Миграцион мактаб"ни:нг тарихий-фольклорий жараён ривожида реал ҳаётий воқелик ролини адсобга олмаслик натижасида келиб чиққан назарий камчиликлар "антропологик мактаб" таълимоти томонидан тўғриланди.

## ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИКДАГИ «АНТРОПОЛОГИК МАКТАБ» НАЗАРИЯСИ

XIX аернинг 60-йилларига келиб халқ огзаки бадиий ижодиётини ўрганишда етакчи мавқе эгаллаб турган "миграцион мактаб" вакиллари олиб бораётган тадқиқотларнинг кўлами кенгайди ва улар олиб бораётган изланишлар учун факат Европа ҳамда Шарқ - Ўрта ва Кичик Осиё худудига оид материалларнинг ўзи кифоя қилмас эди. Натижада "сюжетларнинг кўчиб юриши" назарияси таъсирига берилиб кетган этнограф, фольклоршунос, географ, тилшунос ва сайёҳдар жаҳоннинг турли-туман мамлакатдарйда яшовчи аҳолининг фольклорини тўплашни авж олдирдилар. Ўша даврда амаяга оширилган этнографик экспедициялар ва географик кашфиётлар ҳам фанга янги фольклор материалларининг олиб кирилишига сабаб бўлди. Шу тарикқа жаҳоннинг деярли барча худудларида, хусусан, Африка, Жанубий Америка, Австралия, шарқий ва жанубий Осиё, Океанияда яшовчи аҳолининг огзаки бадиий ижоди анъаналарини бой фольклор материаллари жамланди. Шунда мутахассислар яна турли ҳудудларда истиқомат қилувчи ва муҳими, бир-бири билан на этногенетик, на тарихий-маданий алоқада бўлмаган хглқлар фольклоридаги гаройиб джаражадаги муштаракликларга дуч келдилар. Бундай лингвофольклористик ва этнофольклористик параллелликларнинг сабабларини "мифологик мактаб"нинг "умумий аждодлардан мерос қилиб олинган просюжетлар" назарияси билан ҳам, "миграцион мактаб"нинг "сайёр сюжетларнинг бир халкдан бошқа халк фольклорига ўзлаштирилиши, кўчиб ўтиши" натижасида этнофольклорий муштаракликларнинг юзага келлшкга дойр илмий карашлари билан ҳам изохдаб бўлмас эди. Бошқача қилиб айтганда, дунё халкдари фольклоридаги айрим ўхшашликлар ва муштаракликларнинг келиб чиқиш қонуниятларини ўша даер фольклоршунослигида амал қилаётган назарий қарашлар доирасида тушунтиришга имкон бўлмади. Фольклоршунослик тараққиётидаги ана шундай мураккаб бир босқичда "анропологик мактаб" номли янги назария вужудга келди. "Анропологик" ёки "этнографик мактаб"нинг назарий карашлари ибтидоий маданият ва қадимги диний эътиқодларнинг йирик тадқико гчиси, этнография ва моддий маданият тарихини ўрганишдаги эволюцион назария



тарафдорларидан бири, "антропологик мактаб"нинг асосичи, инглиз этнологи Э.Тайлор (1832-1917) ва унинг изодошлари - В.Вундт (Германия), Ж.Фрезер (Англия), А.Н.Веселовский (Россия) томонидан илгари сурилган.

XIX аернинг 30-йилларидаёқ фольклор асарларини инсоният тарихининг энг куйи босқичидан то юқори тараққиёт даражасигача бўлган даврлардаги бадиий-эстетик тафаккур тизимининг ривожланиш қонуниятлари асосида тадқиқ этиш ғоясини кўтариб чиққан "антропологик мактаб"нинг шаклланиши учун зарур бўлган муайян илмий база яратилган эди. Европалик табиатшунослар орасида эволюцион назария кенг ёйилган ўша даврда тафаккур ривожининг тажрижийлик мезони асосида ўсиши гояси инсоният тарихини ўрганишга ҳам тадбиқ этила бошланди. 1836 йилда Копенгагендаги Кадимий осори-атикалар миллий музейи директори Карл Юргенсен Томсен археологик материалларни илмий тавсифлаш асосида инсоният тарихининг энг қуйи қатламига оид топилмаларни "тош, бронза ва темир даврлари"га бўлиб таснифлади. Унинг шогирди Йене Якоб эса археологик топилмаларнинг қайи даврга мансублигини аниқлаш усулини кашф этди. Орадан озгина вақт ўтгач, франциялик ҳаваскор археолог Буше де Перт мамонт ва бошка шунга ўхшаш аллақачонлар қирилиб йўк бўлиб кетган жониворлар билан бир даврда яшаган ибтидоий одам томонидан ясалган тош қуролларни топишга муваффақ бўлди. Бу эса эволюцион таълимотда янги бир йўналиш - кадимги одам ва ўша давр маданиятини тадқик этишга йўл очиб берди. Инсоният томонидан яратилган урф-одатлар, маросимлар, ирим-сирим ва инонч-эътикодлар, фольклор асарларини тарихий-тадрижий жараён сифатида ўрганиш анъанасини бошлаб берган инглиз этнологи Эдуарда Бернетта Тайлорнинг илмий карашлари хам аслида ана эволюционистик назария асосида шаклланган.

Э.Тайлор ўзининг 1861 йилда чоп эттирилган "Анахуак ёки Мексика: ўтмиши ва бугуни" номли биринчи китоби кубалик ҳаваскор археолог-этнограф Г.Кристинининг 1856 йилда Мексика бўйлаб қилган саёҳати мобайнида тўпланган кадимий ёдгорликлар ҳамда этнофольклористик материаллар асосида ёзилган эди. 1865 йилда эса унинг "Инсониятнинг кадимги тарихига дойр тадқиқотлар" номли асари босилиб чиқди. Э.Тайлор эволюционистик назария ёки "қиёсий-этнографик метод" тамойилларига суянган ҳолда, ўзининг бу китобида башарият маданиятининг ибтидоий даврдан "варварлик даври" орқали цивилизациягача бўлган ривожланиш босқичини ўтаганлиги; айрим халкдар маданияти ва турмуш тарзидаги фарқли жиҳатлар уларнинг ирқий мансубиятига эмас, балки эришилган тараққиёт даражасининг бир хилда эмаслиги билан боғлиқлиги; ҳар бир этноснинг маданий бойликлари бевосита ўша халқнинг ўзи томонидан яратилиши, аждодларидан мерос килиб олиниши ёки ёнма-ён, қўшни бўлиб яшовчи миллатларнинг маданий қадриятларидан ўзлаштирилиши мумкин деган ғоят муҳим хулосаларни[1] баён қилган.

Э.Тайлор ўз салафларидан фаркди равишда "homo sapiens" ("ақлли одам") биологик индивид сифатида эмас, балки руҳий нуктаи назардан баҳоланиши керак деган карашни илгари сурди ва маданий ва ижтимоий фактларни ҳам антропологик тадқиқотлар доирасига жалб қилиш лозим деб ҳисоблади. Шу

[1] **Перщиц А.И.** Предисловие // Тайлор Э.Б. Первобытная культура. - М.: Политиздат, 1989.-С.8.

**Орадан анча вакт ўтгач, илон тош остидан қайтиб чиқибди-ю, келган йўли билан ортига қайтиб, яна киролнинг бурнига кириб кетибди. Шунда қирол уйгониб, бир туш кўрганини, тушида даре устига қурилган темир кўприкдан ўтиб, катта тог ичидаги олтин конини кўрганини айтиб берибди.[1]**

**Бу ривоятда ҳикоя қилинган сюжетнинг ўзига хос миллий версиялари узбек фольклорида хам оммалашган. Шулардан бири, Навоий шаҳри билан Қизилтепа туманининг оралигида жойлашган "Малик чўли" тўғрисидаги оронимик ривоятдир. Унда айтилишича, "бу жой Бухоро амирининг сафар пайтида дам оладиган оромгоҳи бўлган. Мамлакат хукмдори Нурота, Зиёдин, Султон работ, Кармана, Қалқонотани айланиб, одатда бу ерга келиб тушган. Жазирама иссикда бу ернинг салқин ҳавоси унга ором багишлаган. Кунлардан бир куни у навбатдаги сафар чоғи шу манзилга қўнади ва чарчаб уйкуга кетади. Унинг олдига сув тўла коса ва унинг устига пичоқ қўйилган бўлади. Амалдорлар ичида Малик исмли соқчи йигит ҳам бўлган экан.**

**Хукмдор уйкуга кетгач, унинг бурнига чивин қўнади, сўнг коса устидаги пичоққа учиб боради, ундан юриб ўтиб, сичқон уясига кириб кетади. Бу ҳодисани кўриб турган Малик индамай ўтираверибди. Подшо уйкудан уйгониб, амалдору шайхулисломларига дебди:**

**- Бир антика туш кўрибман. Тушимда узок чўлдан ўтиб, даре бўйига етибман, унинг устидаги темир кўприкдан ўтиб, адашибман-да, бир торга кириб борибман. Ғор ичида икки хум тилла қайнаб турганмиш. Уни кўриб, яна тахтимга келиб ўтирибман. Тушимнинг таъбири не бўлғай? Айтинглар?**

**Шайхулислому қуръандозлар китоб агдариб шундай жавоб килишибди:**

**- Эй таксири олам, сув хам, тилла ҳам ёруглик. Толейингиз баланд, давлатингиз янада зиёда бўлиб, олтинга кўмилгайсиз.**

**Малик бўлса бу ҳодисанинг маъносига тушунибди-да, ўзини касалга солиб ётиб олибди. Подшо кишилари билан жўнаб кеттач, у дарҳол ўрнидан туриб, ҳалиги сичқон уясини ковласа, икки хум тилла чикибди. Йигит бир хум тиллани сарфлаб, у ерда қишлоқ, сардоба курдирибди. Иккинчи хум тиллани ёру биродарлари билан баҳам кўрибди. Ўша-ўша бу чўл ва қишлоқ "Малик" номи билан аталадиган бўлибди".**

**Маълумки, Бухоро хукмдор Шамсулмулк Носир ибн Иброхим (1068-1080) томонидан 1069-1079 йиллар оралигида Малик чўлида сардоба ҳамда Работа Малик карвонсаройи бунёд этилган. Шамсулмулкнинг Бухоро ва унга қарашли ҳудудларда бир қатор работлар қурдирганлиги ҳақидаги тарихий факт асосида яратилган ривоятда туш мотиви анимистик тасаввурлар асосида тасвирланган.**

**Одам ухлаётган пайтда унинг жони бирор жонивор кўринишида танани тарк этиши ва бу воқеалар ухлаётган кишига тушда рўй берган ҳодисалар бўлиб намоён бўлиши мотиви ўзбек халқ ривоятларининг анъанавий сюжет элементига айланган. Бу анимистик мотив Абдуллахон ва унинг вазири Қулбобо Кўкалдош саргузаштларига бағишланган куйидаги ривоятда хам учрайди:**

**"Абдуллахон билан Қулбобо Кўкалдош иккови амакивачча экан. Ҳали Абдуллахон подшоҳ бўлмасдан аввал Қулбобо Кўкалдош иккови полиззорга келиб, қовун ва тарвуз сўйиб едилар. Кун кузги иссиқ экан. Шу ерда кигиз**

[1] Юкоридаги асар, 220-бет.



**устида Абдуллахон билан Кулбобо Кўкалдош чўзилиб ухламокчи бўлибдилар. Абдуллахон дарров ухлаб қолибди. Аммо Кулбобо Кўкалдош ухлаёлмабди. Бир палла Қулбобо Кўкалдош қараса, Абдуллахоннинг бурнидан бир чивин чиқиб бир тарафга равона бўлибди. Учиб бора туриб ерда ёттан пичоқ устидан ўтиб, бир шгоанда (сув ўпириб кетган чукурлик)ка кириб кейин жиранда ичидаги бир ёриқдан чиқиб ортига қайтибди. Келган йўлидан юриб, қайтиб келиб Абдуллахоннинг бурнидан кириб кетибди. Бир маҳал Абдуллахон уйгониб, Қўлбобо Кўкалдошга қараб:**

**- Мен бир туш кўрибман. Тушимда бир ёқларга борибман. Йўлда бир темир кўприкдан ўтибман. Кейин жуда катта тоғдай чуқурлик бор экан, ўша чукурликда катталиги тепадай келадиган кўза бор экан. Кўзанинг ичида ҳар бири галвирдай келадиган сон-саноқсиз кўп тилло бор экан, - дебди.**

**Боядан бери бу воқеани кузатиб турган Кулбобо Кўкалдош Абдуллахондан ажралиб қолибди. Кейин ёриққа махсус белги қўйибди-да, Кулбобо Кўкалдош Абд5ллахон хизматида юраверибди. Давр айланиб, Абдуллахонга Бухоро подщюлиги тегиб қолибди. Шундан кейин Абдуллахон Кулбобо Кўкалдошни чақиэиб;**

**- Сен менга кўп хизмат қилдинг, мана бугун менинг ошигим олчи турди, яъни подшоҳ бўлдим. Энди мендан кўнглингда нима бўлса, тила - дебди.**

**Кулбобо Кўкалдош ҳалиги полиззорни танлабди. Дарров Абдуллахон Кулбобо Кўкалдошга полиззорни ўрнини васиқа қилдириб берибди. Кулбобо Кўкзлдош ўша полиззорга бориб белги қўйилган жойни топибди-да, хазинани қазиб олибди.**

**Чивиннинг кўзига тепадай бўлиб кўринган кўза тандирдан сал каттароқ экан ва галвирдай бўлиб кўринган тиллалар қирқ тангалик ёки ярим мисқоллик тиллалар экан. Кулбобо ана шу хазинани сарфлаб, Бухорода Кўкалдош деган катто бир** Мадраса **курдирган экан".[1]**

**Юкоридаги ривоятлар сюжетининг анъанавий ўзак мотиви - чивин шаклидаги жоннинг сафари аждодларимизнинг одам жони тўгрисидаги мифологик қарашларини ўзида мужассамлаштирган. Таниқли бахши Раҳ^атулла Юсуф ўгли ёзиб олган этнофольклористик маълумотларга кўра, Нуротанинг Қоракиса қишлоғида яшовчи кишилар "девларнинг жони кабутар сувратида намоён бўлиб туради" дейдилар. Айтишларича, дев нафас олганда жони кабутардай оғзидан кириб-чиқиб тураркан, яъни нафас чиқарса, далага бир кулоч парвоз килиб, нафасни тортса, томогидан кириб кетиб туради. Ажойиб афсоналар достонларда жуда кўп, аммо одамнинг жони тўғрисида ҳам девларнинг жони ҳақидаги афсонага ўхшаш бир кичик афсона бор. Одамнинг жони ҳам жасадига яраша, одамнинг жони чибиндай бўлар эмиш. Агар одам туш курса, жони бурнидан чиқиб кўп жоиларга бориб келар эмиш. Уша юрганида жон нимани курса, одам уйкуда унинг аксини кўриб, шуни "туш" деб атар эмиш".[2]**

*ЎзР* ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтa Фольклор архиви. Инв. № 1713,8.

[2] ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архиви. Инв..Ч»1713/7. 1971 йил 19 май куни Раҳматулла Юсуф угли ёзиб олган.

Одам жонининг қуш (кўпинча "каптар") шаклида намоён бўлиши ҳақидаги анимистик тасаввур ўзбек халқ афсоналарида кенг таркалган асотирий мотивлардан бири. Жумладан, Хоразм воҳасида ёзиб олинган сув культи билан боғлиқ мифологик афсонанинг этнограф олим Г.П.Снесарев томонидан ёзиб олинган бир вариантида ана шу кадимий сюжет элемента сақланган: "ҳикоя қилишларича, Шайх Ҳакимота Бурхоннинг гўзал қизи Анбар онага уйланади ва ундан уч ўгил фарзанд кўради. Кенжасининг исми Ҳубби бўлади. Отаси катта болаларини яхши кўрар, Ҳубби эса Амбар онанинг севимлиги экан. Бир куни Ҳакимота ўғилларини синаб кўрмоқчи бўлади. Шунда онасининг чақирганини эшитган Ҳубби волидасининг хузурига анча кечикиб келади. Онаси нега кечикканлигининг сабабини сўраганида, у биринчи марта чақирганида сувга чўкаётган кемани қутқарганини, иккинчи сафар эса сув балосидан кутулган кишилар унга атаб курбонликка сўйган ҳўкизни тирилтирганлигини айтиб беради. Ўз вақтида етиб келмаганлиги учун Ҳубби отаси билан чиқишолмай қолади. Ҳакимота унинг уйдан чиқиб кетишини талаб қилади. Шунда Амбар она Ҳуббини уйга қамаб қўяди. Аммо Ҳубби кийимларини ечиб ташлаб, каптар га айланади ва уй томидаги туйнукдан учиб чикиб кетади".[1]

Бизнингча, Хоразм афсоналаридаги Ҳуббининг каптарга айланиши аждодларимизнинг одам ўлгандан кейин унинг жони кушга айланиб учиб кетади деган кадимий анимистик карашларига боғлиқ ҳолда келиб чиққан. Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жиғачи қишлоғида яшовчи момолар бировнинг ёш боласи нобуд бўлганини эшитишса, *"фалончининг боласи учибди"* дейдилар. Бу иборада ҳам қадимги тасаввурлар акс этган бўлиб, аждодларимиз ўлимни инсон умрининг ниҳояси эмас, балки ҳаётнинг бир шаклидан иккинчи бир кўринишига ўтиш воситаси деб билишган. Уларнинг тушунчасига кўра, жон барҳаёт бўлиб, одам ўлгач, у бошқа нарсага (кўпинча) кушга айланар эмиш. Шунинг учун ҳам қоракўлликлар лахжасида қўлланилган *"боланинг учиши "* ибораси оркали жоннинг кўкка, яъни руҳдар оламига ўтиши назарда тутилган. Кул Тегин шарафига ўрнатилган битик тошидаги катта ёзувда ҳам *"каным қаган тчаШг торуг козганын уча бармыс",* яъни "отам-қоғон шунча эл ва юрт қозониб, уча кетмиш (ўлмиш)" дейилган.[2]

Аждодларимиз мархум жонининг руҳдар оламига сафари учиш ҳаракати оркали амалга оширилади деб ўйлаганлар. Қадимги туркий тилда жаннат маъносидаги *учмац* сўзи қўлланилган. Бизнингча, бу сўзнинг ўзаги ҳам аслида *учмок* феълидан бўлиб, марҳумларнинг руҳи кушга эврилиб нариги оламга учиб ўтиши назарда тутилган бўлса керак. Тилимизда *қўркиб кетмоқ* маъносида *учиб тушди* ибораси қўлланилади. Бу ўринда ҳам куш кўринишидаги одам жонининг қўркиш натижасида танадан чиқиши назарга олинган.

Жон ҳақидаги бундай тасаввурлардан фаркли равишда Ҳубби тирикчилигида каптарга айланиб, учиб кетади. Ҳуббининг каптарга эврилиши ҳам ўзбек фольклорининг анъанавий эпик талқинлари асосида мотивлаштирилган. Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган "Малика Айёр" достонида тасвирланишича, Гўрўғли Зебит чўлидаги Шопар кўлида ғаройиб

[1] Снесарев **Г.П.** Реликты домусульманских обрядов и обичаев у узбеков Хорезма. - М.: Наука, 1969.-С.251.

[2] **Малов** С Е . Памятники древнетюркской письменности. - М.,-Л., 1951. - С.ЗО.



бир қўрғонга кириб қолади. Гўрўғли қўрғон ичидаги ажойиботларни томоша қили') турганида, "осмондан бир кўк каптар қуюлиб келиб, бир огнаб туриб, бир сурхайил гардон, офати жон, писта даҳан бир ажиб нозанин пари бўлиб" туради. Гўрўғлига ўзининг манзил-маконини, насл-насабини маълум қилганидан кейин яна бир аганаб туриб, каптар либосини кийиб фалакка парвоз қилиб учиб кетади. Пари ва девларнинг каптар кўринишида учиб келиши тасвири ўзбек халқ эртакларида ҳам қайд қилинган. Бундан ташқари, халқимиз орас1ща "каптарларга озор берма, уларнинг парией бўлади", "парилар каптар бўли 5, давр солиб юради" деган гаплар ҳам бор.

Эдам жонини қушга ўхшатиб тасаввур қилишга асосланган мифологик қарашларнинг излари халқимизнинг дафн маросим билан алоқадор удумларида ҳам (ақланиб қолган: хусусан, айрим жойларда мозорларга дон сепиб қўядилар, куш; ар териб есин учун. Ҳуббининг кушга айланиб, уйнинг туйнугидан чиқиб учиб кетиши мотивининг тарихий асослари ҳам жоннинг кабутар сувратида намоён бўлиши тўғрисидаги мифологик тасаввурларга бориб тақалади. Зеро жонгинг куш шаклида намоён бўлиши қадимги хоразмликларга ҳам маълум бўлг.ш. Ю.А.Рапопортнинг қайд қилишича, Хоразмдан топилган астадон-оссуарийлардан бирининг қопқоғида қуш шакли мавжудлиги анимистик қарашлар ифодасидир.[1] П-Ш асрларга оид осори атиқалардан бири, Тупр оққалъадаги деворий лавҳада эса қанотли ёш йигит - сирен образи тасвнрланган.[2] Бизнингча, юз тузилиши навқирон йигитни эслатувчи бу куш сурати каптарга эврилиб учиб кетган Ҳубби ҳақидаги қадимги Хоразм асотирларининг тасвирий ифодаси бўлиши мумкин.

Узбек мифологияси ва фольклори материаллари асосидаги ана шу ихчам қиёсий-тарихий таҳдил ҳам "жон" ҳақидаги анимистик тасаввурларнинг кадилги инончлар қолдиги сифатида излари халқимиз орасида ҳам сакданиб қолг; ıнлигини кўрсатади.

Э.Тайлорнинг таълимотича, одам жони тўғрисидаги кадимги тасаввурлар асосида табиат ҳодисалар, наботот ва ҳайвонот оламининг жонлантириб Тасаi вур қилиниши ҳақидаги мифологик қарашлар келиб чиққан. Политеистик динлардаги табиат кучларини ўзида мужассамлаштирган маъбуд ва илоҳалар пантхши билан боғлиқ халқ қарашлари ҳам ана шундан келиб чиққан.

Э.Тайлор "мифологик мактаб" вакилларидан фаркди равишда мифни хам анимистик назария асосида ўзига хос тарзда изоҳдашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, миф - ўзини турли-туман руҳлар томонидан бошқариладиган табилтнинг бир бўлаги деб тасаввур килган ибтидоий одам ҳаётининг хаёлий уйдирма оркали тасвирланган талқини. Шунинг учун хам бугунги одамга уйдирма бўлиб туюладиган мифик тасаввур кадимги одам учун реал, ҳаётий воқелик ҳисобланган.

"Антропологик мактаб" назариясининг такомиллашишида инглиз олими Эндрью Ланг (1844-1912)нинг алоҳида ўрни бор. У 1884 йилда нашр этилган "Урф-одат ва миф" номли китобига киритилган "Фольклор методи" номли макс ласида ўзининг халқ оғаки бадиий ижодиётини тадкик этищдаги назарий

[1] **'апопорт Ю.А.** Из истории религии древнего Хорезма (оссуарий). -М.: Наука, 1971. - С.101.

[2] **Ремпель Л.И. Цепь времен. Вековые образы и бродячие сюжеты** в **традиционном искусстве Средней** Азии. **- Ташкент,** 1987. **- С**.58.

концепциясини шундай баён килади: а) фольклорни ўрганишда "антропологик метод"ни қўллаш; б)фольклор ўз таркибига инонч-эътиқодлар ва урф-одатларнигина эмас, балки афсона ва қўшиқлар ҳам қамраб олишини назарда тутиш; в) фольклорни ўрганишда антропологиянинг ёрдами жуда зурурлигини эътироф этиш; г) халқ огзаки бадиий ижодини ўрганишда этнологиядан фойдаланган ҳолда муштарак этнофольклорий ҳодисаларни аниқдаш; д) аналогия усули воситасида ҳозирги ривожланган халқдар маданияти, қадимги ҳиндевропа халқларининг классик ва архаик маданияти, шунингдек, тараққиётнинг қуйи босқичида бўлган "ибтидоий одамлар" урф-одатлари, тасаввурларидаги ўхшаш жиҳатларга оид материал тўплаш; ж) бундай айнанлик ва ўхшашликлар этник келиб чиқищдаги муштараклик ёки ўзаро мулоқот натижаси сифатида эмас, балки тафаккур тарзининг бир хиллиги туфайли юзага келган деб талқин қилиш.[1]

Кўринадики, Э.Ланг фольклорни тадқиқ этишнинг, бир томондан, мифологиянинг келиб чиқишини қадимги даврда яшаган умумий аждод томонидан яратилган просюжетлар ҳалқасига боглаб тушунтирувчи "мифологик мактаб" назариясига мутлақо ўхшамаган, иккинчи тарафдан эса турли халқлар фольклоридаги ўхшашликларнинг сабабларини "сюжетларнинг кўчиб ўтиши" ёки "сюжетларнинг бошқа халқлар томонидан ўзлаштириши" назариясини илгари сурган "миграцион мактаб" қарашларига зид бўлган айрича усул ва методларини қўллашни тавсия этган. Бу методлар Э.Тайлорнинг халқ ижодини ўрганищдаги "антропологик мактаб" назариясининг туб магзини ташкил этар эди.

Э.Лангнинг фольклористок кизикишлари доираси кенг бўлиб, асосан мифнинг этнологик табиати, урф-одат ва маросимлар, магия, тотемизм, дин тарихини тадқиқ этищдан иборат эди. У ўзининг "Миф, ритуал ва дин" (1887), "Тотем сирлари" (1888), "Мифология" (1901), "Маросим ва миф" (1904) каби асарларида мифларни ибтидоий давр турмуш тарзининг ўзига хос ифодаси сифатида талқин қилиб, миф ижодкорлигининг руҳий-психологик сабабларини аниқдашга ҳаракат қилган.

Ўша давр фольклоршунослигида «миграцион мактаб»нинг сюжет кўчиши жараёни билан боғлиқ назарий карашлари хукмронлик қилаётган бир пайтда Э.Ланг турли халқдар фольклоридаги ўхшашликларни башарият тараққиётининг муайян бир боскичида бир неча халқдар дунёкараши ва тафаккур тарзининг бир хиллиги билан богаб тушунтириши халқ огзаки бадиий ижодини ўрганишнинг янги илмий концепцияларидан бири - «сюжетларнинг ўз-ўзидан юзага келиши» назариясининг тугилишига асос бўлди.

"Антропологик назария" тез орада Европанинг кўпгина мамлакатларида фольклоршунослар, этнографлар томонидан қўллаб-қувватланди. Хусусан, аслида "мифологик мактаб" тарафдори бўлган немис фольклоршунос олими Вильгельм .Мангарднинг "Герман мифлари", "Германларда дарахт культи", "Немис ва скандинавияликларда тангрилар олами", "Дала ва ўрмон культлари" каби асарларида ва, айниқса, 1884 йилда нашр этилган "Мифологик тадқиқотлар" номли китобида Э.Тайлорнинг назарий карашлари таъсири яққол

[1] Қаранг: Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. - М.: Изд-во иностранной литературы, I960.-С.452-458.



сезидади.[1] В.Мангард ўз изланишлари давомида мифологиянинг айрим колднқдари халқнинг эътиқодий карашлари, анъаналари, урф-одатлари, маро:имлари ва болалар ўйинларида сақланиб колганлигини "антропологик тадқнқ усули" воситасида аниқдаган.

В.Мангардт қадимги германлар ва уларга қўшни қабилаларда мавжуд бўлган дарахт культи билан боғлиқ мифологик эътиқод ва ритуалларни тадқиқ этиш орқали ўсимликларнинг "қайта тирилиши" билан боғлиқ маросим ва удумларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганган. Одам жонининг ўсимлик (дарахт)да мавжуд бўлиши ёки "дарахт руҳлари" ҳақидаги инонч-эътиқодлар мавжудлигининг илмий асосланганлиги В.Мангардт анимистик концгпциясининг асосини ташкил этади. Бу концепциянинг моҳиятини тадқиқотчи қуйидаги тўрт узв, яъни а) мифларда одам образини дарахт билан боглнш анъанасининг мавжудлиги; б) одам тақдирини дарахт билан боғлиқ деб тасагвур қилиш; в) дарахтда фақат "ўрмон руҳи" эмас, балки ўсимликлар хаёти билан боғлиқ бўлган барча эзгу ва ёвуз руҳдар макон тутади деган ибтидоий қарш а; г) жиноятчиларни дарахт тагида жазолаш удуми тахлили орқали очиб бергпн.[2]

классик мифология ва турли халкдар фольклор анъаналаридан яхшигина хабардор бўлган В.Манхардт ўзининг "Кадимги германларда дарахт культи" номли асарида Шимолий Европа халқларининг деҳқончилик культлари ва марозим фольклори материаллари урганищ асосида "ҳар йили ўсимликлар "ўлади" ва ана шу "ўлимдан" кейин ҳар йил баҳорда ҳаётнинг янгиланиши, серҳосилликнинг қайта тикланиши жараёни рўй беради. Усимликларнинг муттдсил равишда йўқ бўлиши ва яна қайтадан ўсиб чиқиши қадимги деҳқончилик маданияти билан боглиқ эътиқодий қарашлар тизимида ҳоси вдорлик маъбудларининг ўлиб, қайта тирилишини англатар эди" деган жуда муҳим назарий умумлашмани чиқарган эди. Бу илмий мулоҳаза кейингчаЛик жаҳон халқдари фольклоридаги "ўлиб-қайта тирилувчи худолар" ҳаққдаги мифологик тасаввурларнинг генетик илдизларини ойдинлаштиришга йўл очиб берди.

'Антропологик мактаб" назариясининг давомчиларидан яна бири немис олими Эрвин Роде (1855-1898)дир. Унинг фольклоршуносликка қўшган энг мухим янгилиги - "ҳар қандай диний эътиқодларнинг асосида аждодлар культи ётади" деган қараш асосига қурилган мулоҳазаларидир.

Бонн ва Берлин университетларининг профессори, дин тарихи, классик филология ва антик давр фалсафаси билан шугулланган немис филолог олими Герман Узенер (1834-1905) "антропологик мактаб" методларидан фойдаланган холд! киёсий мифологиянинг тадқиқот усулларини этнофольклористикага кўлл Iran. Унинг "Тангрилар исми" номли асарида лисоний материаллар мифологик тасаввурлар билан қиёслаб ўрганилган ҳамда "ҳар қандай халқнинг жонли огзаки ижрода яшаб келаётган фольклор анъаналари ҳисобга олинмаса қадимги мифология ва дин тарихи ҳақида мукаммал тасаввурга эга бўлиш қийин" деган хулосага келинган.

[1] **Коккьяра** Дж. История фольклористики в Европе. - М.: Изд-во иностранной литературы, 1960.-С.413-414.

[2] **Коккьяра** Дж. История фольклористики в Европе. - М: Изд-во иностранной литературы, 1960.-С.418.

Э.Тайлорнинг "анимистик назария"сини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган немис фольклоршуноси Вильгельм Макс Вундт (1832-1920) ўзининг "Халк психологияси" (1912) асарида турли халкларнинг мифлари ва поэтик мотивларини ўрганиш асносида айрим диний эътиқодлар ва бадиий-эстетик қарашлар инсон руҳий кечинмасининг муайян ҳолатида юзага келганлиги хакидаги фаразни илгари сурди. Бу - фольклоршунослик фанида шаклланган кейинчалик кадимги мифлар ибтидоий одамнинг "онгсиз ижодий фаолияти" маҳсулидир деган илмий карашнинг илк куртаги эди. В.М.Вундтнинг "Миф ва дин" (1905-1909) номли уч жилдлик асарида мифологиянинг келиб чикиши билан боғлиқ анимистик, натуралисток, "ўсувчанлик" ("прогресс") ва переанимистик назариялар тахдил килинган. Асарнинг "ибтидоий анимизм"нинг ўзига хос хусусиятлари тахдилига багишланган фаслида эса жон ва рух, туш ва унинг анималистик талқини, жон культи, анимизм ва фетишизм, анимизм ва тотемизм, анимизм ва магия, аждодлар культига ишониш ва курбонлик маросими ҳақида кенг қўламли таҳлилий мулоҳазалар баён килинган.[1] Мифология ва кадимги маросимлар "психологик жараён" маҳсули сифатида тадқиқ этилган бўлса-да, В.М.Вундтнинг "руҳий-таҳлил методи" ўша пайтда фольклоршунослар орасида унчалик шухрат топмади.

"Антропологик мактаб" таълимотида фольклор ва маросимларнинг келиб чикиши кадимги мифология ҳамда ибтидоий ритуалларга бориб тақалади деган караш устуворлик қилар эди. Шу боис бу йўналишдаги тадқиқотларда катта қамровдаги этнофольклористик материаллар қамраб олинди ва тадқикотлар "қиёсий-этнографик метод" асосида амалга оширилди. Бу метод Кембридж университета профессори Жеймс Жорж Фрезер (1854-1941) тадқиқотларидк айниқса, жиддий тараққий этди. Қадимги тасаввурларни "примитив одамг дунёкараши ва эътиқодий инончлари тазимидан иборат деб тушунган Ж.Фрезер ўз этнографик изланишларини 1884 йилда нашр этилган "Тотемизм" номли асар билан бошлади. Тотемизмни "примитив одам"нинг табиат билан ўзи орасида қон-қардошлик алокалари бор деб тасаввур килиши натижасида юзага келган мифик қарашлар силсиласи сифатида баҳолаган олим бу мавзуга дойр тадқиқотларини давом эттариб, 1892 йилда тўрт жилдлик "Тотемизм ва экзогамия" номли асарни чоп эттирди. Ж.Фрезернинг "қиёсий-этнографик" тадқикотлари "Олтин бутоқ" асарининг 1890 йилда чиқарилган икки жилдлик ва 1900 йилда босилган уч жилдлик нашрида ўз аксини топди. Ҳозирги замон фольклористикасида ҳам ғоят муҳим назарий ва методологик манба сифатида кадрланадиган бу тадқиқот устида олим узок йиллар давомида изчил иш олиб борди. Ниҳоят 1911-1915 йилларда "Олтин буток"нинг 20 жилдлик фундаментал нашри босилиб чикди.

Ўзининг тадқиқотчилик фаолиятида фольклоршунослик, этнология ва классик филологияни гаройиб тарзда синтезлаштира билган Ж.Фрезер ўзининг узлуксиз этнографик ва фольклористик экспедицияларида тўпланган улкан қамровдаги фактик материаллар ҳамда 50 йил мобайнида (ҳар куни 12 соатлаб!) Кембридж университетининг кутубхонасидаги адабиётларни ўрганиш натижасида "Абадий бархаётликка ишонч ва мархумлар культи" (1912), уч жилдлик "Кадда Ахдда фольклор" (1918-1919), икки жилдлик "Табиат культи"

[1] Вундт **В.М.** Миф и религия. - СПб., 1911.



(1926), "Оловнинг пайдо бўлиши ҳақидаги миф" (1930), "Ибтидоий динда ўлган одамлардан қўрқиш" (1933), "Ибтидоий космогонияда яратилиш ва эволюция" (1935), уч жилдлик "Антропологик антология" (1938-39) сингари фольклористика ва этнолдогия фани тарихида алоҳида ўрин тутадиган йирик асарларини яратди.

Ж.Фрезер ўзининг "Олтин буток" асарида фольклоршунослик учун жуда мухим бўлган ва айни пайтда, аввал айрим тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган кўпгина илмий қараш ва назарияларни чуқурлаштирди. Хусусан, эътиқодий қараш ва маросимларнинг ўзаро муносабати ёки "миф ва ритуал" (илк бор семитолог Робертсон Смит томонидан тахдил килинган), тотемизмнинг этнофольклорий мохияти (Ж.Ман-Леннан асарларида ёритилган), аграр культлар, бугдой даласининг зооморф ва антропоморф кўридищдаги руҳлари (В.Манхардт тадқиқотларида ўрганилган), олов культи (биринчи марта А.Кун томонидан аникданган), жоннинг танадан ташқарида мавжуд бўлиши ҳақидаги анимистик тасаввурлар (Э.Тайлор назарияси) янги факт ва маълумотлар асосида тадқиқ этилган.[1]

Ж.Фрезер ўз изланишлари давомида назарий қарашларини узлуксиз такомиллаштира борди. Масалан, "Олтин буток"нинг 1890 йилги биринчи нашрида тотемизм "кадимги одамнинг жонни (унинг хавфсизлигини таъминлаш, химоялаш мақсадида) у ёки бу жонивор танасига яшириш ҳақидаги тасаввурлари асосида келиб чиққан инонч бўлиб, жон яширинган жонивор ўша одам учун тотем саналади" дейилган. 1899 йилда Марказий Австралия қабиталарининг тотемистик маросимлари тасвирланган адабиётлар билан танишиб чиққан олим бу қабилаларда ҳомиладор аёлга айрим овқатларни ейиш таъкиқланганлигига алоҳида эътибор берди ва тотемистик тасаввурларнинг илдизини қадим замонларда яшаган ҳомиладор аёлларнинг руҳиятидан излаш керак деган хулосага келди. Натижада Хомиладор аёл танасига овқат билан бирга кирган муайян нарса унинг қорнидаги бола тугилгандан кейин унинг тотемига айланади деган караш мавжуд бўлганлиги асосланди.

Шунингдек, Ж.Фрезер илк тадқиқотларида оловниНг маросим ва удумлардаги аҳамияти "мифологик мактаб"нинг "соляр" (шамсий) назарияси асосида ёритишга ҳаракат қилган. Кейинроқ эса ибтидоий эътиқодларга дойр янги фактларни тахдил қилиш жараёнида олов "поклаш, тозалаш" хусусиятига эга бўлган нарса деб тасаввур килинганлигини аникдади

Ж.Фрезер илмий концепциясининг ўзаги инсон тафаккури ривожининг тадрлжийлигини кўрсатувчи "магия - дин - фан" триадаси ёки тараққиётнинг уч қисмли структурасидир. Магияни ижобий ("сеҳргарлик") ва салбий (табу) типларга бўлиб тасНифлаган олим тадқиқотларида магия ва диний эътиқодларнинг архаик шакллари ҳақидаги илмий қарашлар янгича талқин этила бошланди. Фольклор асарлари ва маросимларда муҳим ўрин тутадиган магик инончларнинг келиб чиқишига куйидаги икки омил сабаб бўлган деб кўрсатилади: а) ўхшашлик ўхшашликни келтириб чиқаради ёки натижа сабаб билан ўхшаш бўлади; б) ўзаро алоқадор, яъни дахлдор бўлган нарсалар улар орасидаги бевосита жисмоний богликдик узилгандан кейин ҳам бир-бирига

[1] **Токарев *СЛ.*** Послесловие // Фрезер Дж.Дж. Золотая ветвь. - М.: Политиздат, 1989. - С.67/-674.

масофадан таъсир этишда давом этади. Ж.Фрезер биринчи омилни ўхшашлик ва мутаносиблик, иккинчисини эса "зарарланиш" қонуни деб атайди ҳамда магияни "гомеопатик" ("имитатив", "такдидий") ва "контагиоз" ("зарар етказувчи") каби типларга ажратади.

Ж.Фрезернинг "магия ва дин" ҳақидаги бу концепцияси магик маросим ва удумлар, фольклордаги магик қарашлар ва у билан боғлиқ поэтик мотивларнинг илмий моҳиятини асослашда устувор назарий йўлланма бўлиб хизмат қилмокда. Магия типлари таснифи масаласи кейинчалик Е.Г.Кагаров (1928), С.А.Токарев (1990) каби олимлар томонидан мукаммаллаштирилди. Энди фольклоршуносликда магиянинг "катартик" ("ҳимоя магияси"), "сўз магияси", "апокретик" ("ҳайдовчи магия"), "имитатив" ("такдидий"), "инициал магия" ("бирор муддатнинг биринчи куни амалга ошириладиган магик ҳаракат") кўринишлари ва "зарар етказувчи магия", "ҳарбий магия", "севги магияси", "даволовчи-муҳофаза қилувчи магия", "метеорологик магия", "магиянинг иккиламчи турлари" каби типлари борлиги аникданган. Польяк олими К.Мошинский эса Ж.Фрезер концепциясидан келиб чиқиб, магик маросимларни куйидаги беш типга бўлган: 1) "бир объектга хос хусусиятларнинг бошқа объектга кўчишини намойиш этувчи ҳаракатлар" ёки "маросимнинг трансляцион типи; 2) "олисда жойлашган объектга ўша тарафга юборилган предметлар воситасида масофадан ёлгондакам таъсир кўрсатиш" ёки "маросимнинг трансмиссион типи"; 3) "бирорта предметга бевосита таъсир кўрсатиш орқали бошқа объект ёки предметга фиктив таъсир ўтказиш" ёки "маросимнинг симпатик типи"; 4) "унга ўхшаш предметни ясаш ёки унга ўхшатиш орқали ўша предметнинг ўзини яратишга бўлган фиктив уриниш" ёки "маросимнинг креацион типи"; 5) "бирор вокеанинг ибтидосида унинг такдирига таъсир кўрсатиш" ёки "маросимнинг инцепцион типи".[1]

Рус фольклоршунослигида "антропологик мактаб" назариясининг бевосита давомчилари етишиб чиқмаган бўлса-да, Н.Ф.Сумцов тадқиқотларида ва, айниқса, А.Н.Веселовскийнинг "Тарихий поэтикага кириш" (1894), "Эпитет тарихидан" (1895), "Эпик такрор, хронологик момент сифатида" (1897), "Психологик параллелизм ва унинг поэтик услубда акс этиши" (1898), "Тарихий поэтикадан уч боб" (1899) сингари асарларининг юзага келишида муайян рол ўйнаган.

## ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИКДА «ТАРИХИЙ МАКТАБ» НАЗАРИЯСИ

XIX аернинг охири - XX аернинг бошларида фольклоршуносликда мавжуд бўлган барча илмий мактаблар халк огзаки бадиий ижодиётини тадқиқ этишдаги ўзига хос, кўпинча бир томонлама ёндошувга асосланганлиги сабабли фольклорнинг табиатини тўла-тўкис ёритиб беришга ожизлик қилар эди. Айниқса, "антропологик мактаб"нинг таъсирида ижод қилган А.Н.Веселовскийнинг тарихий поэтикага дойр илмий тадқиқотлари фольклор асарларини тарихий воқелик билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурлигини кўрсатди. Шу тариқа, рус фольклоршунослигида "тадқиқот стратегиясининг

[1] **Токарев** С.А. Ранние формы религии. - М.: Политиздат, 1990. - С.425.



кенг кўламлиги ва методологик синтезга интилиши"[1] билан бошқа илмий мактаблардан фарқланиб турадиган "тарихий мактаб" юзага келди.

Фольклоршунослик тарихида муҳим аҳамиятта эга бўлган бу мактабнинг асосий тарихий-филологик концепцияси халқ огзаки бадиий ижодини бевосита уни яратган халқнинг тарихи билан боғлиқликда тадқиқ этиш; фольклор асарлари муайян тарихий-фольклорий жараён маҳсули сифатида яратилиши, риво:кланиши ва варианлашган ҳолда халк бадиий хотирасида яшаш қонудиятларини очиб бериш; халқ ижоди табиатини тавсифлашда фольклор асарларининг асосий манбаи халқ турмуш тарзи эканлигидан келиб чиқиш каби илмий мезонларда ўз ифодасини топган эди. Бу мактаб назариясининг юзага келиий туфайли фольклоршуносликда ҳаётий воқелик, тарихий давр, тарихий шахе ва тарихий фактларнинг фольклор генезисида тутган ўрни ҳамда бадиий талқнни масалалари атрофлича ўрганилди. Бошқача айтганда, фольклоршуносликдаги бу янги илмий мактаб тарихий-фольклорий жараённинг халқ бадиий тафаккури тараққиётидаги роли ва ўрнини ҳисобга олиш зарурлигини биринчи бўлиб эътироф этди.

Фольклор асарларини тарихий воқелик билан боғлаб тадқиқ қилиш анъа-гаси биринчи марта рус олими Л.Н.Майковнинг "Владимир туркуми билиналари ҳақида" (1863) номли иши билан бошланди. Рус фольклоршунослигида ака-ука Гримм ва Буслаевнинг "мифологик концепцияси" устуворлик қилаётган ва "миграцион назария" таъсири эндигина намс ён бўлаётган (В.Стасовнинг "Рус билиналарининг яратилиши") бир даврда эпос генезисини ўша вақтда урф бўлгани каби, мифологик манбага эмас, балки таришй воқеликка боглаб тахлил килиш фольклористик изланишларни янги босқачга кўтаришга йўл очди. Халқ эпосининг тарихий-тадрижий тараққиётини чуқур ўрганган олим географик кўлам, халқ маиший ҳаёти ва тарихий ҳақиқатнинг эпосдаги талқинига асосланиб билиналарни тўрт туркумга, яъни "Е1падимир туркуми, Новгород туркуми, Москва туркуми ва Степан Разин, Иван Грозний ва Ермак ҳақидаги эпик асарлар туркуми"га бўлиб таснифлади. Л.Майковнинг ана шу тадқиқотида кейинчалик шаклланажак "тарихий мактаб"нинг ютуги (эпоснинг тарихий асосларини аникдашга интилиш тамейиишинг устуворлиги) ҳам, камчилиги (фольклор асарининг тарихий мохлятини бадиий-эстетик аҳамиятидан устун қўйиш) ҳам ўз ифодасини топган эди. Шунинг' учун ҳам бу иш Илья Муромец ҳақидаги эпик асарларнинг миф элогик асосларини аниқлашда "тарихий катлам"ни ажратиб олиш зарур деб ҳисоблаган мифолог О.Миллер, Алеша Попович тўғрисидаги билиналарда "рус баҳсдирларининг жангу жадаллари" акс этганлигини исботлаган Н.И.Дашкович асартари сингари, рус фольклоршунослигидаги "тарихий мактаб"нинг шак.шанишига асос бўлган илк тадқиқотлардан бири сифатида эътироф этилган.[2]

Аммо рус фольклорининг тарихий асосларини ўзига хос илмий метод ва усуллар тизими асосида ўрганиш ишлари таникди фольклоршунос олим В.Ф.Миллер (1848-1913)нинг тадқиқотлари билан бошланди. Унинг қарийиб 20-й ил давомида рус фольклорининг тарихий асосларини ўрганиш борасида

[1] Змелянов Л.И. Методологические вопросы фольклористики. - Л.: Наука, 1978. - С. 126.

[2] Кравцов Н.И., Лазутин СГ. Русское устное народное творчество. - М.: «Высшая шкога», 1983.-С.406..

олиб борган илмий изланишлари уч жилддлик "Рус халқ оғзаки сўз санъати очерклари" (1987-1924) номли тадқиқотининг юзага келишига асос бўлди. В.Ф.Мюллер ана шу фундаментал тадқиқотнинг биринчи жилдига ёзган сўзбошисида ўз тадқиқотларининг асосий йўналиши ва фольклорни тарихий нуқтаи назардан ўрганиш усулининг моҳиятини шундай баён қилган:

"Назаримда, эпосимизнинг ҳозирги илмий ўрганилиши унинг тарихий асосларига дойр айрим саволларга жавоб топиш ва барча илмий талабларга жавоб берадиган қарашларни шакллантириш имконини бермайди. Эпоснинг олис қатламлари асрлар қаторининг қалин пардаси остида яширинган бўлиб, ёзма манбаларнинг камлиги ёки мутлақо йўқлиги сабабли илк эпик сюжетларни ҳозиргача кўпчилик томонидан тан олинмай келапётган дадил гипотеза ва тахминлар оркалигина тасаввур қилишимиз мумкин, холос. Эпоснинг мифологик асослари хусусидаги қарашлар ҳам, архаик даврдаги хиндеврола ва умумславян бобосюжетлари назарияси ҳам, билиналаримиз сюжетларининг келиб чиқишини Шарқ манбаларига боғлайдиган гипотеза хам билина эпосининг юзага келиши ва тараққий этишини қониқарли даражада тушунтириб бера олмади. Билиналардаги тарихий қатламлар ва тарихий воқелик изларининг аникданиши ҳамда цивилизация жараёнида билина қўшиқдари таркибига сингиб кетган сайёр эртак сюжетлари ва адабий манбалар таъсирининг ойдинлаштирилганлиги эпос моҳиятини тўғри баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кейинги ўн йилликда Европа ва Осиё халқдари фольклорига оид улкан миқёсдаги адабиётларни ўрганиш асосида билиналаримизни қиёсий методда тадқиқ этиш учун зарур бўлган "параллел"ларни топишга алоҳида аҳамият берилди. Аммо бундай "параллел"ларга ҳадцан ортиқ ишониш ҳам тадқиқотчини чалғитади: чунки хар хил эпик сюжетларни деталлаштириб таҳдил килиш, уларнинг генетик таснифини яратиш муайян сюжетнинг бир халқдан бошқасига ўтганлигини ҳамиша ҳам аниқ кўрсатиб беради деб ишониш тўғри эмас... Шунинг учун ҳам мен кўпроқ билиналар тарихи ва эпосда тарихий воқеликнинг ифодаланиши масаласини дастлабки - куйи босқичлардан тортиб энг сўнгги намуналаргача, яъни қуйидан юкорига мезони асосида ўрганиш билан шуғулланаман".[1]

В.Ю.Мюллернинг ана шу мулоҳазалари фольклоршуносликдаги "тарихий мактаб"нинг асосий мақсади, методологияси ва илмий тадқиқ йўналишини кўрсатиб турибди.

Рус фольклоршуноси Ю.Соколов тўғри қайд қилганидек, "мифологик мактаб" ёки "миграцион концепция" билан солиштирганда "тарихий мактаб" фаннинг умумий тараққиётини босқич юқори кўтарди. "Мифологик туманлик" ҳамда "сайёр сюжетлар" ортидан беҳуда қувишдан" чарчаган фольклоршунослик тарихий фактларнинг мустаҳкам заминига томон интила бошлади".[2]

Рус халк эпосининг шаклланиши масаласини изчил ўрганишга киришган В.Ю.Мюллер билиналар қачон юзага келганлигини аникдаш, эпик сюжетлар яратилган жўғрофий худуд қамровини белгилаш ҳамда халқ ҳаёти ва реал тарихий вокеликнинг билиналардаги изларини тадқиқ этишни асосий мақсад

[1] Мюллер В.Ю. Очерки русской народной словесности. Предисловие // Русская фольклористика. Хрестоматия. - М.: «Высшая школа», 1971. - С.128-129.

[2] Соколов Ю.М. Русский фольклор. - М., 1941. - С.91.



қилиб олган эди. У эпоснинг мавжуд барча вариантларини қиёсий текшириш натижасида нисбатан кадимий вариантини аникдаб, унда тарихий воқелик ва халқ маиший ҳаётига оид фактларнинг ифодаланишига асосланиб билираларнинг шаклланиш даври ва жойига оид муҳим назарий хулосалар чиқарди.

Фольклор асарларини тарихий воқелик билан боғлиқ ҳолда ўрганиш анъанаси А.В.Марков ("Билина эпосининг тарихидан", 1905), С.К.Шамбиного ("Подшо Иван Грозний даври қўшиқдари", 1914), Б.М. ва Ю.М.Соколов ("Данила Ловчанин ҳақида билиналар", 1910)лар томонидан давом эттирилди. Улар рус фольклорини рус халқининг тарихи билан боглаб таҳдил қилиш йўлидан бордилар ва фольклор асарлари замирида қандай тарихий воқелик ётищини аниқлашга дойр қизиқарли илмий изланишларни амалга оширдилар. Натижажа кадимги рус йилномалари ва ёзма ёдгорликлари жиддий ўрганилиб, билина эпоси ва тарихий қўшиқлар билан муштарак сюжетлар, ўхшаш мотивларни аникданди. Рус халқ эпосининг тарихий географияси яратилди.

'Тарихий мактаб" вакиллари ўз тадқиқотларида қаерда (қадимги Руснинг қайси худудида, қайси князликда, қайси шаҳарда ва ҳ.к.), қачон (қайси даврда, яъни нечанчи аср, нечанчи йил), қандай тарихий фактлар асосида (сийсий ва ижтвмоий-маиший ҳаётга доир воқеа-ҳодисалар, ички ташқи жангу жадаллар, диплэматик муносабатлар, шоҳлар, князлар, боярлар ва тижорат аҳли ҳаётидаги вокечшар), қайси поэтик манбалар воситасида (огзаки ёки китобий, маҳаллий ёки ўзлаштирилган) халқ огзаки бадиий ижоди асарлари (билина ёки эртак сюжсти) яратилганлигини аникдашга асосий эътиборни каратдилар. Эпос яратилган жойнинг жўғрофий ареали ва хронологик кўлами матн таркибидаги топояимик атамалар ҳамда шахе исмлари асосида белгиланди.[1]

'Тарихий мактаб" тарафдорларининг фольклоршунослик фани тара1даётига қўшган ҳиссаси куйидагилардлан иборат бўлди:

1) улар фольклор асарларининг миллий-тарихий табиатига етарлича баҳо бера олмаган "мифологик мактаб" ва "миграцион назария"нинг таъсир доирасидан чиқиб кетишга муваффақ бўлиб, халқ эпосининг генетик асосларини тарихийлик принципи асосида таҳдил қилишдан иборат янги йўна лишни бошлаб бердилар;

2) фольклоршунослик тарихида биринчи марта рус билиналарининг сюжет таркнби системалаштирилди ва уларнинг миллий-этник ҳамда тарихий моҳияти ойдинлаштирилди;

3) эпос сюжетларининг шаклланиш жараёни ва тараққиёт босқичлари халқ тари;-<и билан боғлиқ ҳолда текширилиб, эпик сюжетларнинг тарқалиш ареалига доир илмий кузатишлар умумлаштирилди;

4) фольклор асарларининг тарихий асосларини тарихий воқелик, даврнинг тарихий кўлами ва ҳаётий воқелик динамикаси тизимида текшириш асносида "тарихий-фольклорий жараён"га илк бор мукаммал илмий баҳо берилди;

5) фольклор асарларини ёзиб олиш ва нашр этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Бир қатор фольклор экспедициялари ташкил этилди ва натижада А.И.Соболевскийнинг "Рус халқ қўшиқлари" номли етти жилддлик мажнуаси (1895-1902), П.В.Шейннинг "Рус халқининг қўшиқлари" икки

[1] Соколов Ю.М. Русский фольклор. - М., 1941. - С.91.

**жилдлиги (1898), А.В.Марковнинг "Беломорск билиналари" (1901), А.Д.Григорьевнинг "Архангельск билиналари" (1904), И.И.Иллюстровнинг "Рус халқининг ҳаёти мақол ва маталларда" (1904), Н.Е.Ончуковнинг "Шимол эртаклари" (1909), В.И.Симаковнинг "Қишлоқ частушкалари тўплами" (1913), Е.Н.Елионскаянинг "Рус частушкалари тўплами" (1914), Б. Ва Ю.Соколовларнинг "Белозер ўлкаси эртаклари ва қўшиқлари" (1915) каби китоблари, шунингдек, В.Ф.Мюллер томонидан тайёрланган "Рус халқ тарихий қўшиклар куллиёти" чоп эттирилди.**

**Шу билан бирга, "тарихий мактаб"нинг тадқиқотлари ва илмий-назарий концепцияларида муайян хатолар ҳам мавжуд эди. Шунинг учун ҳам бу йўналишда амалга оширилган тадкикотлар айрим фольклоршунослар (масалан, А.П.Скафтимовнинг 1925 йилда чоп эттирилган "Билиналар генезиси ва поэтикаси" асарида) томонидан XX аернинг 20-йилларидаёқ асосли равишда танқид килинди. Чунки фольклоршунослиқдаги "тарихий мактаб" юқорида кайд қилинган ижобий жиҳатлари ва ютукдари билан бирга бир катор камчиликларга ҳам йўл қўйиган эди. Бу нуқсон ва камчиликлар қуйидагилардан иборат:**

**1) тарихий мактаб" тарафдорлари билиналарни ҳам, халқ қўшикларини ҳам халк тарихининг ўзига хос "огзаки йилномалари" сифатида таҳдил қилиб, билина эпоси княз-дружиналари даврасида яратилди деган бир ёкдама хулосага келдилар. Фольклоршунослик тарихида "билиналарнинг яратилиши билан боглиқ аристократик назария" номини олган бу гайриилмий концепцияга кура, айрим тарихий воқеалар ва реал ҳаётий ҳодисаларнинг эпос матнида тасвирланган бадиий лавхаларга мое келмаслигини эса билина ёки тарихий қўшиқнинг "деҳқонлар орасида ижро этилиши жараёнидаги матннинг бузилиши" деб баҳоладилар;**

**2) "тарихий мактаб" вакиллари ҳар кандай фольклор асари замирида ўтмишда бўлиб ўтган реал воқеа-ҳодисалар тасвири ўз аксини топади деб ҳисобладилар. Улар эпос матнидаги топонимик атамалар ва киши исмларининг ёзма ёдгорликлар (йилномалар) талқинига мое келишига асосланиб, билиналарни тарихий манба даражасига кўтардилар;**

**3) фольклор асари матнининг бадиий таҳдили, ижрочининг бадиий маҳорати, эпос ва халқ қўшиқлари поэтикаси масалаларини эса "тарихий мактаб" тарафдорлари деярли тадкик этишмади;**

**4) фольклорнинг ижтимоий моҳияти ва поэтик табиатига нотўғри ёндашув оқибатида "тарихий мактаб"нинг вакилларининг аксарияти эпоснинг генезиси ва тарихий тараққиёти масалаларини ёритишда назарий хатоларга йўл қўйидилар.**

**Ўзининг бу каби методологик хатоларидан катьий назар "тарихий мактаб" фольклори материалларини тўплаш ва системалаштириш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширганлиги билан фольклоршунослик фанида алоҳида ўрин тутади.**



## ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИКДА «РИТУАЛ-МИФОЛОГИК МАКТАБ» НАЗАРИЯСИ

**Фольклоршунослиқдиги "ритуал мифологик мактаб" ёки "нео мифологик мактаб" XX аернинг 20-йилларида "мифологик мактаб"нинг "ритуал-мифологик назария"синing ўзига хос синтези сифатида юзага келган илмий йўналиш ҳисобланади.**

**Миф ва маросимларни қиёсий ўрганиш тажрибасини биринчи марта изчил амалга оширган Жеймс Фрейзер, шунингдек, Робинсон Смитнинг тадқиқотлари фольклоршунослиқда мифларни ритуалистик аспектда ўрганиш анъанасининг бошланғич нуктаси сифатида эътироф этилади. Инглиз шарқшунос олими Р.Смит (1846-1894) ўзининг 1889 йилда чоп эттирилган "Семит қабилалари динига оид маърузалар" номли асарида семит тилларида сўзлашувчи уруг-қабипалардан айримлари жониворлар номи билан аталиши, айрим ҳайвонлар гўнлини истеъмол қилиш билан боғлиқ табу (таъқиқ) сақланганлиги ҳамда улар, да табиат культи (юлдуз, тош, булоқ ва бошқаларга сиғиниш)га алоқадор тасанвурлар мавжудлигига асосланган ҳолда, кадимги араб қабилалари диний-эътщодий инончларининг асосини тотемизм ташкил этади деган қарашни баён қилгш. Р.Смитнинг фикрича, тотемизмнинг келиб чиқишида қурбонлик марссимлари муҳим рол ўйнаган, яъни "курбонлик қилинаётган жонивор дастиввал тотем-ҳайвон саналган".[1]**

**Узининг фольклористок қарашларида Б.Фонтенель, Э.Тайлор, А.Ланг, В.Минхардт каби антропологларнинг назарияларини чуқурлаштирган Ж.Фрейзернинг "Олтин буток" номли асари жаҳон халқдарининг мавсумий миф, маросим ва ритуалларининг ўзига хос қомусий жамланмасидир. Ж.Фрейзернинг ёзишича, қадимги одам табиат кучларини ўз измига бўйсундиришга ҳаракат қилган ва бунда кўпинча магиянинг турли хил усуллари ҳамда бу инончга асосланган ритуаллардан фойдаланган. Ўсимликлар олагуи, жониворлар, овчилик, табиий ҳодисалар ва фаеллар об-ҳавоси билан боглик ритуал ҳамда маросимлар, айниқса, муҳим аҳамият касб этган. Чунки кадимги одамнинг ҳаёти ўсимликларнинг баравж бўлиб ўсиши, экин-тикиннинг серхэсиллиги, жониворлар туёғининг кўпайиши, овнинг бароридан олиши ва фасглар об-ҳав*осининг кулай келиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган.[2]**

**Мавсумий маросим ва ритуалларнинг миф билан боглиқдиги масаласи аслица илк бор Г.Манхардтнинг "Қадимги германларда дарахт культи" асарида ёритилган эди. Мифнинг келиб чиқишида маросимларнинг тутган ўрни ҳамда мифологик тасаввурларнинг урф-одат ва ритуалларда рамзий ҳаракатлар воситасида намойиш кипинишига оид қизиқарли кузатишларни баён қилган Ж.Фрейзер Э.Тайлорнинг "анимистик назарияси" ҳамда "қадимги тасаввурлар қолдиқлари" ҳақидаги илмий қарашларига суянган ҳолда "миф ва ритуал" муносабати масаласини кенг кўламда тадқиқ этди. Динларнинг кеклиб чикг шини анимизмга боғлаб тушунтирган Э.Тайлордан фарқли ўларок,**

[1] ***Карат:*** Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. - М.: Изд-во иностранной литературы, 1960. - С.440-441.

[2] ***Карат:*** Козлов А.С. Мифологическое направление в литературоведении США. - М.: "Высшая школа", 1984. -С.21-24.

Ж.Фрейзер дин юзага келгунга қдар турли хил маросим, ритуал ва мифларда ўз ифодасини топган магия ёки магик инончлар тизими мавжуд деган қарашни илгари сурди. Бинобарин, Ж.Фрейзер фольклорни ўрганиш деганда - кадимги этикрдлар, ритуал ва мифларда сақданиб қолган кўҳна магик дунёқараш изларини тадқиқ этишни назарда тутади.

Ж.Фрейзер кадимги одам дунёқарашининг ўзагини анимизм эмас, балки магия ташкил этади деган фикри билан "антропологик мактаб"нинг миф ҳақидаги илмий қарашларини янгича ўзанга буриб юборди. Бу илмий концепцияга кўра, миф - кадимги одамнинг ташқи олам моҳияти ҳақидаги тасаввурлари эмас, балки унутилиб бораётган магик ритуалнинг акс-садосидир. Ж.Фрейзернинг мифнинг ритуал асосида шаклланганлиги, кадимги мифларнинг "ўлиб" яна "қайта тирилувчи" маъбудлар билан боғлиқ аграр культлар ва "тақвимий" ("календарь") маросимларга алоқадорлиги[1] ҳақидаги хулосалари фольклоршунослик фани тарихида муҳим илмий қимматга эга.

Бундан ташкари, Ж.Фрейзер адабиётшуносликнинг ҳозирги замон бадиий адабиётидаги мантлардаги мифологимзларни кадимги миф ва ритуаллар билан киёслаб ўрганишга асосланган илмий йўналишининг асосчиси ҳам ҳисобланади. Унинг миф ва ритуалларни киёсий ўрганишга бағишланган тадқиқотлари мифшуносликда "ритуалистик назария" деб аталди. XX асрнинг 20-йилларида эса "атропологик мактаб"нинг "ритуалистик назария"си негизида фольклоршуносликдаги "ритуал-мифологик" ёки "неомифологик мактаб" юзага келди.

"Ритуал-мифологик мактаб" назарий қарашларининг такомиллашишида "Кембридж классик филология мактаби" номини олган илмий мактаб вакиллари - Д.Харрисон, Ф.М.Корнфорд, А.Б.Кук, Г.Маррей, Ф.Раглан каби олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўз тадқиқотларида маросим ва ритуалларнинг мифдан қадимийлигини исботлашга ҳаракат қилди бу олимларнинг барчаси диний эътиқодлар, фалсафий қарашлар ҳамда қадимги давр санъатининг ибтидоси архаик ритуаллардан бошланади деган фикр тарафдори эдилар.

Д.Харрисоннинг "Қадимги санъат ва ритуал" (1913) асарида ўсмирларни бир ёш-табака мансубиятидан бошқасига ўтказиш билан боглиқ қадимги ритуаллар асосида келиб чиккан "мономиф" ҳақидаги концепция баён килинган. Бу концепция Э.Т.Фарнеллнинг "Юнон мамлакатларида культлар" (1896-1909), А.Б.Кукнинг "Зевс" (1914-1919) асарларида ҳам яққол кўзга ташланади. Ҳар икки тадқиқотчи қадимги юнон маросимлари ва мифологиясига оид фактларни қиёсий тадқиқ этиш оркали, культ ва ритуалларнинг моҳиятини фольклористик нуктаи назардан ёритишга ҳаракат қилишган. Ф.Коннфорд эса "Антик комедияларнинг шаклланиши" (1914) асарида қадимги юнон драмаларининг образлар тизимини Ж.Фрейзернинг "ўлиш - тирилиш" семантик модели асосида тадкик этган. У комедияларнинг биридаги кекса киши билан ўсмир йигит ўртасидаги конфликтда кадимги одамларнинг "эски ва янги йил алмашиши" билан алокадор ритуал ва мифлари ифодасини кўради.

[1] Мелетинский Е.М., Токарев С.А. Мифология // Мифы народов мира. Том 1. - М.: 1992. -С.17.



"Ритуал-мифологик мактаб" назарияси рус фольклоршуноси А.Н.Веселовскийнинг илмий тадқиқотларига ҳам муайян даражада ўз таъсирини кўрсатди. У кадимги маросим ва ритуалларнинг фольклорга таъсири масаласига бир қадар кенгроқ ёндошиб, ритуал - бир қатор фольклор жанрлари, эпик сюжетлар, халк қўшиқдари ва санъатнинг бирламчи замини сифатида талқин қилди.

XX асрнинг 30-40-йилларида "ритуал-мифологик мактаб" жаҳон фольклоршунослигининг етакчи илмий йўналишларидан бирига айланди. Бу даврда С.Хук, Т.Х.Гастер, Э.О.Жеймс, Ф.Раглан, С.И.Хайманларнинг фольклор материалларини "ритуалистик" таҳдил қилишга бағишланган қатор асарлари юзат келди. Хусусан, Ф.Рагланнинг "Қаҳрамон" (1936) асарида ритуал билан мифнинг фольклор асарлари ҳамда драма жанри тараққиётининг илк босқичларига кўрсатган таъсири хусусида сўз юритилади. У ўз асарининг сўзбошисидаёқ, "қадимги ҳикоятлардан таралаётган дуд тарихий воқеликнинг эмас. балки мифологик гулханлардан ўрлаётган тутундир" деган эътирофи[1] билан мифнинг сўз санъати тараққиётида тутган мухим ўрнига юқори баҳо бергин эди.

"Антропологик" ва "ритуал-мифологик мактаб" вакиллари тадқнқотларида кўплаб тортишувларга сабаб бўлган миф ва ритуалдан қай бирининг бирламчилиги, яъни қадимийлиги масаласига Ф.Раглан ўзига хос тарзда ёндошади: унинг фикрича, "миф маросим-ритуалда ўз аксини топган воқеликнинг сўз воситасида ифодаланган шакли".[2]

Фольклор асарларининг яратилишини "ритуал-мифологик концепция" асосида талқин қилган олимлардан бири Стенли Эдгар Хаймен бўлиб, у ўзини "неоэволюционистик оқим" тарафдори деб ҳисоблади ва фольклорни ўрганишнинг "неофрейзерча умумлашма антропология" вариантини таклиф қилди. Бу концепция, гарчи ўз мохиятига кўра "ритуалистик назария"га асосига курилган бўлса-да, унинг таркибига фрейдизм гоялари, функционализмнинг мифология ва фольклор асарлари замиридаги ижтимоий-психологик моҳиятни очишга қаратилган карашлари, семантизм ва символизмнинг матн структурасини тахдил қилишга дойр илмий методлари ҳам сингиб кетган эди.

С.Э.Хайманнинг фикрича, "миф - кадимги маросимнинг бир парчаси", "миф - маросимда тасвирланаётган вокеликнинг ҳикоя қилинган шакли"дир.[3] Худди Ф.Раглан сингари мифларни ритуал матн намунаси деб хисоблаган С.Э.Хайман ҳам маросим ва ритуал билан бевосита алоқаси узилгач, мифдан эртак ёки афсона жанри юзага келган деган назарий қараш тарафдори бўлган.

"Мифологик мактаб"нинг кўпгина илмий карашларини ўзида давом эттирган "ритуал-мифологик мактаб" вакиллари ритуалнинг мифдан устуилигини ёқдаб чиқдилар ва адабиёт, санъат, фалсафий тафаккур ҳамда фольклор жанрлари генезисини ритуалга боғлаб ўргандилар. Айниқса, ритуал ва мифнинг кадимги юнон театри анъаналари, кархаик эпос, фалсафа ҳамда қадимги Шарқ диний адабиётлари (Э.Миро, Ш.Отрана - Франция; Г.Р.Леви,

[1] Хозлов А.С. Мифологическое направление в литературоведении США. - М.: "Высшая школа", 1984.-С.39.

[2] Юқоридаги манба, 39-бет.

[3] Землянова Л.М. Современная американская фольклористика. - М.: Наука, 1975. - С. 107-109.

**Ф.Раглан - Англия), роман ва эртак жанрлари (П.Сентив - Франция) тараққиётида тутган ўрни чуқур тадқиқ этилди.**

**"Ритуал-мифологик мактаб" тадқиқотлари кейинчалик "ритуал-мифологик моделлар"ни халк бадиий тафаккурининг манбаи сифатида эмас, балки унинг поэтик қурилишини белгиловчи структуруал асос тарзида таҳдил қилишга олиб келди. Швейцариялик руҳшунос К.Юнгнинг "руҳий-таҳлил методи"ни Ж.Фрейзер илмий концепциялари билан уйғунлаштириш асносида тадқиқот олиб борган М.Бодкин (Англия), Н.Фрай (Канада), Р.Чейз, Ф.Уотс (АҚШ) ва бошқа олимлар бадиий тафаккур ибтидоси билан боғлиқ архетипларни аниқдаб, таҳдил қилишга киришдилар. Масалан, М.Бодкиннинг "Поэзияда архетиплар" (1934) номли асари.**

**К.Юнгнинг "руҳий-таҳлил методи" сўз санъатининг энг кадимги даврларидан ҳозирги замон бадиий адабиётигача бўлган намуналарини "ритуалистик ёндошув" асосида таҳдил қилиш имконини берди. Натижада, Ж.Жойс, Т.Манн, Т.Элиот ва бошқа адибларнинг асарларидаги мифологик образ ва мотивларнинг ритуаллар билан боғлиқ илмий талқинлари юзага келди. "Ритуал-мифологик мактаб" вакиллари бадиий матн таркибидан ўрин олган мифологик сюжет, моти ёки образларни, кадимги тасаввурларга алоқадор тимсол, метафораларни аниқлашдан ташқари, "ўлим" ва "тирилиш" тўғрисидаги кадимги инончларга эквивалент деб ҳисобланган кадимги ритуалларнинг, айниқса, "инициация", яъни "синов маросими"нинг психологик архетипларини топишга алохида аҳамият бердилар.**

**Фольклоршуносликдаги бу илмий мактабнинг кўзга кўринган вакилларидан бири Нортроп Фрай ритуал, миф ва архетипларни яхлит бир бутун тизим ҳолида талқин қилди ва бадиий образларнинг келиб чиқиш ибтидосини ана шу архетипик негизга боғлагани ҳолда "адабий антропология" назариясини яратди. У ўзининг "Адабиёт архетиплари" (1951) асарида мифологик тасаввурларнинг ҳозирги замон бадиий адабиётидаги ўрнини таҳдил қилиш орқали кўплаб структуруал моделларни аниқлаган. Олим ўзининг "Миф ва адабиёт" (1961) номли асарида "мен мифни бадиий ифоданинг ўзига хос типи, яъни сўз санъатининг кадимий шаклларидан бири деб биламан", - деб ёзади.[1]**

**Н.Фрай таълимотича, хаётнинг биологик тараққиётида протоплазма қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлса, адабиёт ривожида "қаҳрамоннинг саргузашт излаб сафарга отланиши ҳақидаги мономиф" шунчалик муҳим ўрин тутади. У бадиий адабиётдаги жанрлар ва образлар тизимини тавсифлашнинг қуйидаги структуруал қурилмасини таклиф килади:**

**1. Тонг, баҳор, туғилиш мавсуми. Қаҳрамоннинг тугилиши ва зулмат кучлари, қиш ва ўлимнинг енгилиши ҳақидаги мифлар. Иккинчи даражали персонажлар - она ва ота. Саргузашт романлари ва рапсодия жанрининг архетипи;**

**2. Куёш тиккага келган вакт, туш пайти, ёз. Никоҳ тўйи ёки галаба. Илохийлаштириш, "илоҳий" никоҳ, жаннат ҳақидаги мифлар. Иккинчи**

[1] Козлов А.С. Мифологическое направление в литературоведении США. - М.: "Высшая школа", 1984.-С.60-61.



**даражали персонажлар - дуст ва келин. Комедия, пасторал ва идиллия жанрларининг архетипи;**

**3. Куз ва "ўлувчи" тангрилар ҳақидаги мифлардаги "ўлим босқичи" тасвири. Бу босқич трагедия ва элегия жанрлари учун архетип саналади;**

**4. Қиш сатира жанрининг архетипи ҳисобланган хаос ҳамда гаройиб махлуқлар ҳақидаги мифларни келтириб чиқаради.[1]**

**"Ритуал-мифологик мактаб"нинг илмий гояларини давом эттирган У.Басжом, К.Клукхон, Ж.Фонтенроз (АҚШ) тадқиқотларида адабий асар бадиий қурилиши бутунича кадимги анъаналар билан қиёсан таҳдил қилинди. Қадимги ритуал ва мифларнинг адабий жанр генезиси ва бадиий матн структурасида тутган ўрни масаласи В.В.Пропп, О.М.Фрейденберг каби рус олимлари томонидан ҳам қисман ўрганилган. К.Леви-Строс, Э.Станнер асарларида эса "ритуал-мифологик назария"нинг айрим карашлари танқидий нуктаи назардан таҳднлга тортилган. Масалан, этнограф Э.Станнер шимолий Австралияда истиқомат қилувчи қабилаларда маросим ва мифларнинг бир-биридан мустақил ҳола-:да мавжудлигини қайд қилади. Унинг ёзишича, бу қабилалар фольклорида мароосимларга мутлақо алоқаси бўлмаган мифлар ҳамда, аксинча, миф билан изоҳданмайдиган маросимлар борлиги аниқданган.[2] Бу - "ритуал-мифологик мактаб"нинг маросимларни бирламчилиги, яъни мифнинг ритуалдан ўсиб чиққшлйтини ёқдовчи назарий қарашлари қайта кўрииб чиқилиши лозюллигини кўрсатадиган ғоят муҳим факт эди.**

**"Ритуал-мифологик мактаб"нинг илмий қарашларича, қадимги одамлар томонидан амалга оширилган турли хил маросимлар мифология ва фольклорда ўз изини қолдирган. Дарҳақиқат, ўзбекларнинг жониворлар билан боглиқ тасагвурлар тизимида аждодларимизнинг кадимий ритуаллари ва маросимларининг талқинларини кўриш мумкин. Масалан, олашақшақнинг сайрагаи овози эшитилса, ўша тарафга қараб** *"Хуш хабар, туй хабар!"* **- дейдилар. Маълум бўлишича, олашақшақ шақиллаганда ана шу айтим айтилса, яхшнликка йўйиларкан. Агар бирор хонадонга бойугли учиб келиб қўнса, уй эгалари бир ҳовуч ун олиб чиқиб куш турган тарафга сепишар экан. Қўнғирот қабиласида эса бир киши йўлга отланаётганда ёки туй бошлаётганида бойугли** *"сацирлаб"* **сайраса буни ёмонлик аломати деб биладилар. Бунда ҳам** *"Эй жонивор, яхши сайра"* **деб бир сиқим ун олиб бойугли томонга сепиб юборишаркан. Шунингдек, халқ орасида оқ илонни кўрганда устига ун сепиш, каптарларни кушга айланган парилар деб эъзозлаш, гўдакка кийгизиладиган биринчи либос - "ит куйлак"ни болага кийгизишдан аввал ит ёки от козиги уствдан айлантириш, "чақалоқ қўйдай юввош бўлсин" деб бешик устига пўстак ёпищ, ёш болани илк бор тиши чиқаётганда "қўзи тиши чиқсин" деб қўйга миндирйш, кўкйўтал бўлган кишиларга кўккаптар пати ботирилган сувни ичириш, болалар дўпписига бўри тиши, бургут тирноги, укки патини тақиш каби одатлар замирида хам аждодларимизнинг турли-туман жониворларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ кадимий тасаввурлари ўз аксини топган.**

**Улкамизда истиқомат қилган қадимги аждодларимиз томонидан чизилган қоятэш суратлари ичида турли хил культлар билан алоқадор маросимлари,**

[1] Юкоридаги манба, 62-63-бетлар

Мелетинский Е.М., Токарев С.А. Мифология // Мифы народов мира. Том 1 - М • 1992 -С.17.

айниқса, жониворларни курбон килиш ритуаллари акс эттирилган лавҳалар кўп учрайди. Хусусан, Заравутсойдаги катта қоятош остида жойлашган "марказий айвон"даги ритуал ов тасвирланган лавҳа ҳам ана шундай қурбонлик маросими тасвиридир. Унда тўртта ниқобсиз овчи, ўн бешта чодирсимон ёпинғич кийиб, чўл қуши шаклига эврилган одамлар ҳамда битта ёввойи ҳўкиз - тур сурати чизилган. Ниқоб кийган одамлар хўкизни ҳар томондан ўраб олишган, овчилар эса унга қарата камонда ўқ отмокдалар.[1] Бу лавҳада оддий ов эмас, балки ов бароридан келсин деган мақсадда ўтказилган ритуал, яъни ов олди қурбонлик маросими тасвирланган.

Қурбонлик маросими тасвирланган Саймалитош петроглифида эса учта тирандоз ўртада турган узун шохли буқага камондан ўқ узишаётганлигини кўрамиз. Ўқ отаётган кишиларнинг учовида ҳам "думи" борлиги эса бу ритуалда тотем-аждодлар культига топиниш билан боглиқ эътиқодларнинг излари ҳам сақланганлигини кўрсатади. Буқанинг орқа тарафида қўлида ярим ой шаклидаги узун таёқ (ёки ритуал-магик ашё) ушлаб турган коҳин ёки шомон маросимни бошқариб бормокда. Қурбонлик қилинаётган жониворнинг устида эса кулоқдари тиккайган афсонавий махлуқ ташланиб турибди. Ю.Н.Голендухин бу жонивор "экин-тикин ва уруғларни қўриқловчи муқаддас ит - Сэнмурв культини ўзида мужассамлаштирган образ бўлиб, энеолит даври деҳқончилик маданиятининг қадимий анъаналарига бориб тақалади" деб ҳисоблайди.[2]

Бу фикрда жон бор, албатта. Чунки Ўрта Осиё халкларининг қадимги мифологиясида Сэнмурв ёки Семурғ ит ва кушга хос белгиларни ўзида мужассамлаштирган асотирий жонзот кўринишида тасаввур қилинган. Саймалитошдаги қурбонлик лавҳасида тасвирланган жониворнинг оёғи ҳам кушники сингари уч панжалидир. Зардўштийликда ҳам бу афсонавий куш ҳаёт дарахтидаги уругларни қўриқловчи ва ер юзида турли-туман ўсимликлар уруғини сочувчи мифологик жонзот тарзида тасвирланган. Шу боисдан Саймалитошдаги бу курбонлик маросими серҳосиллик ва қут-барака тилаш ритуали тарзида ўтказилган.

Саймалитошдаги курбонлик маросими ҳосилдорлик культи билан алоқадорлигини тасдикдайдиган яна бир далил ушбу лавҳада улкан илон тасвирининг чизилганлигидир. Е.В.Антонованинг қайд қилишича, энеолит даврида яшаган қадимги деҳқонлар тасаввурида илон ҳосилдорлик тимсоли деб қаралганлиги боис ўша даврга оид осори атиқаларда бу жонивор культини акс эттирувчи тимсолий белгилар кўп қўлланилган.

Илон билан алокадор мифологик қарашлар палеолит даврида юзага келганлигини аниқдаган санъатшунос олим Л.И.Ремпельнинг фикрича, бу жониворнинг асотирий тимсоли аждодларимизнинг хосилдорлик маъбудасига сигиниш анъанаси ва абадий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини ўзида мужассамлаштирган.[3] Шунинг учун ҳам деҳқончилик маданияти шаклланган

[1] Рогинская А. Зараутсай.- М.: Детгиз, 1950. - Табл.2.

[2] Голедухин Ю.Н. Вопросы классификации и духовный мир древнего земледельца по петроглифам Саймалы-Таша // Первобытное искусство. - Новосибирск.: Наука, 1971. - С.195-196.

[3] Ремпель Л.И. Цепь времен. Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. - Ташкент.: Изд. литература и искусства, 1987. - С.32-35.



қадимги даврлардан буён Ўрта Осиё халқдари илонни серҳосиллик бахш этувчи магик кучга эга жонзотлардан бири деб тасаввур қилиб келган. Бу инончларнинг излари деҳқончилик билан алокадор айтим ва аломатларда ҳас сақланиб қолган. Илгарилари айрим деҳқонлар буғдой ўраётганда ўроқчилар олдидан илон ўтиб қолса, *"Хизр дориди",* - деб суюнганлар.

Саймалитошдаги курбонлик маросими акс эттирилган лавҳада қора тусли йўғои илон суратининг чизилганлиги илк қуклам кунлари (балки баҳорий тенгкунлик-йилбоши байрами)да мазкур ритуал табиатдан мўл ҳосил тилаш мақсадида ўтказилганлигини кўрсатади. Бу ўринда, илон образи ҳосилдорлик культининг мифопоэтик тимсоли хисобланади.

Мазкур қоятош суратидаги илон образининг мифоритуал мохиятини ойдинлаштиришда унинг шаклини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофикдир. Бу "илон"нинг кўриниши кенг водий бўйлаб буралиб-буралиб оқиб бориб, охири қум барханлари орасида сингиб йўқ бўлиб кетган дарёни эслатади. Бу эса қоятошдаги илон образи сув стихияси билан боғлиқ эмасмикин деган мулоҳазани туғдиради. Маълумки, ўтмишда деҳқончилик мавсумининг баракали бўлиши йилнинг серёгин келиши ва натижада дарёлар сувининг мўл-кўллиги билан бевосита боглиқ бўлган. Зеро Ўрта Осиёнинг қадимги одамлар истиқомат килган манзилгоҳларидан топилган кўплаб Муқаддас Она ҳайкалчасида акс эттирилган илон сурати ёки белгисининг мохиятини ҳам мутахасгислар айни шу маъно билан боглайдилар. Архаик мифология талқинича, "Муқаддас Она" образи ҳосилдорлик ато этувчилик вазифасини ўзида мужассам этган бўлса, илон ҳосил мўл бўлишини таъминлайдиган асосий неъмат - оби ҳаёт тимсоли деб қаралган. Қадимги аждодларимиз илонни ёмгир томчисига қиёс қилган. Шунинг учун ҳам қадимги осори атақалардаги илон тасвири ёмгир культига алоқадор тимсол деб талқин қилинади. Саймалитошнинг курбонлик лавҳаси чизилган қоятош суратидаги илон образи осмсн сувлари культини ҳам ўзида ифода этган деб ўйлаймиз.

Саймалитошдаги бошқа бир қоятош суратида эса итни курбонлик қилиш ритуали тасвирланган. Магик-мифологик қарашлар билан бевосита алокадор бўлган 5у лавҳанинг марказида курбонликка аталган жонзот - ит турибди. Униег гирдини ўраб олган етти киши учи тумтоқ чўқмор, калтак, ўқ-ёй, найза ва палахмонга солинган тош билан итга ҳамла қилишмокда. Саймалитош петроглнфларида акс этган сюжетларни тадқиқ этган А.Н.Бернштам ўз мақоласини ниҳоялар экан, ушбу суратга алоҳида тўхталиб, "бу тасвирларнинг мазмун-мохиятини очищда ёзма манбалар ва этнографик далиллар муҳим аҳамият касб этади. Масалан, биз томонимиздан аникданган сюжетлардан бирини кадимги Фарғонада ҳар йили наврўз байрамида ўтказилиб келинган анъанавий ритуал - итни курбонлик қилиш маросимининг ифодаси сифатида таҳдил килиш мумкин", - деб ёзган эди.[1]

Халқимиз орасида урф бўлган "кабза қадаш" деган удум эса туя культи билан бевосита боғлиқ ҳолда келиб чиккан. Атокди олим Ҳ.Зариф ёзиб олган этфольклористик маълумотларга кўра, бурунги замонларда *"кабза цадаш"* деган удум бўлган экан. Келинчак биринчи боласига бўйида бўлганда унинг

' Бернштам А.И. Наскальные изображении Саймалы Таш // Советская этнография 1952 №2. - С.68.

якинлари бир туя ёки отни тугилажак бола номига атаб қўйишар ва чақалок дунёга келишига яқин қолганда ўша туя ёки отни сўйиб, қабзасини, яъни курагини ўйиб олишар ҳамда яхшилаб этидан тозалаб, ёғлаб қўйишар экан. Агарда ўғил бола туғилса, ўша қабзанинг ўртасидан она кўкрагининг учи сиғадиган килиб ўйилар ва она бўйнига осиб қўйилар экан. Гўдак то сутдан чиққунига қадар ана шу қабза тешиги орқали эмизилган. Бола улғайиб йигит бўлгандан кейин ўзи туя қабзасини олиб тозалайди, юпқалайди ва катта гулхан ёқиб, шу қабзанинг тешиги орқали оловга қараб ўзининг такдирини биладиган бўлар эмиш.

Мифологик тасаввурларга кўра, туя образи ҳосилга барака бахш этадиган жонивор сифатида ҳосилдорлик культи ҳақидаги қадимги инончлар билан ҳам боғланади. Шунинг учун ҳам халқимиз асрлар давомида йилбоши - наврўз байрами сайлларида келаётган меҳнат мавсуми баракали, хайрли ва тўкин-сочин бўлсин деган эзгу ният билан "туя уриштириш" ўйинини ташкил этганлар. Наврўз сайлида туя уриштирилиши - баракали, серҳосил йил белгиси деб қаралган. Шунинг учун ҳам Сармишсой, Буқантов қоятошларига чизилган қадимги суратлар - петроглифларда тасвирланган туя образи ҳосилдорлик гоясини ўзида мужассамлаштирган мифологик тимсол вазифасини ўтаган.

Туяни эзгу куч тимсоли деб тасаввур қилишга асосланган мифологик карашларнинг излари халқ карашлари, фольклор асарлари ва этномаданий қадриятлар тизимида бугунги кунга сакданиб қолган. Хусусан, нуроталиклар эътиқодича, вафот этган улуғ кишиларнинг руҳи туя кўринишида намоён бўлар эмиш. Туя поклик, ҳалоллик, адолатлилик мезони ҳам саналади. Халқимизда туяни сўкиш, уриш, унга озор етказиш катта гуноҳ деб қаралади. Туя жунини ажина, алвасти каби ёвуз кучларни ҳайдовчи магик восита деб тасаввур қилинади. Туя думининг, шунингдек, олдинги оёқларининг осилиб турган юнгидан тумор тайёрлаганлар. Туя юнгидан 3 ёки 5 та ип қилиб, болалар чопонининг орқа томонига тикиб қўйилса ўша болага ҳеч қандай зиён-заҳмат етмайди деб ишонадилар. Ўзбек халқ достонларида эпик қаҳрамонларни олис манзилларга бир зумда етказиб қўядиган қанотли туя образи тасвирланган бўлса, афсоналарда юртимиздаги кўпгина муқаддас қадамжоларнинг пайдо бўлиши у ёки бу табаррук зот жасади ортилган туя чўккан жойнинг зиёратгоҳга айланиши билан боглаб изоҳданади.

Туя билан боглиқ эътиқодий қарашлар халқимиз орасида бу қадар кенг ёйилганлигининг ўзи ҳам ўтмишда яшаган аждодларимиз бу жониворни мўътабар деб эътироф этганлигини кўрсатади. Ерқўрғондан топилган туя ҳайкалчаси ҳам воҳа аҳолисининг туя культига алоқадор қадимги ритуаллари ҳамда бу жонивор ҳақидаги мифларнинг тасвирий кўриниши ҳисобланади.

Хуллас, фольклоршуносликдаги "ритуал-мифологик мактаб" назариялари халқ огзаки бадиий ижодиёти асарларининг генезиси ва тадрижий ривожини қадимги маросим ва мифларга боглаб ўрганишда муҳим илмий аҳамият касб этади.



# ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК МЕТОДЛАРИ

## ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК МЕТОД

Фольклор асарларини илмий тадқиқ этишнинг энг самарали методларидан бири 'қиёсий-типологик метод" ҳисобланади. "Қиёслаш" деганда муайян фольклор жанри, эпик сюжет, мотив ёки образни бошқа халқдар огзаки бадиий ижоди материаллари билан солиштириб, таққослаб ўрганиш асосида ўзаро ўхшаш ҳамда фаркли хусусиятларни аникдаш назарда тутилади. Атоқли фольклоршунос олим В.М.Жирмунскийнинг фикрича, "қиёслаш"нинг ўзи фольклоршунослик методи бўла олмайди. Чунки метод - илмий тадқиқот ишиниинг ўзига хос назарий мезони бўлиб, у ёки бу илмий мактабнинг қарашларини ўзида ифода этади. Шунинг учун ҳам "қиёслаш" нафақат фольклористик, балки тарихий йўналишдаги тадқиқотлар учун зарур бўлган усул саналади. Олим ўзаро қиёсланаётган тарихий ҳодисаларнинг моҳияти ва мақсадмдан келиб чиққан ҳолда тарихий-қиёсий тадқиқотнинг қуйидаги аспектларини ажратиб кўрсатади:

1) адабий ҳодисаларни одций солиштириш, таққослаб ўрганиш тарихий-қиёслй йўналишдаги ҳар қандай илмий тадқиқотнинг асосини ташкил этади. Масалан, тилшуносликда француз ва инглиз тилидаги феъл сўз туркумини ёки рус тилидаги феър шаклларини узбек тилида ифодалашнинг грамматик восигаларини тахдил қилиш ўз-ўзидан қиёсий тадқиқот олиб боришни тақазо этади;

2) тарихий-типологик йўналишдаги қиёслаш ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичларидаги ўхшаш шарт-шароитлар ва тафаккур тарзидаги ўхшашлик туфайли юзага келган, яъни генетик жиҳатдан ўзаро боглик бўлмапш муштаракликларни тадқиқ этади;

3) тарихий-генетик йўналишдаги қиёсий тадқиқот натижасида генетик келиб чиқишида умумийлик бўлиб, кейинчалик айри-айри ҳолда тараққий этиб келпш вдцисаларни ўрганилади;

4) дунё халқларининг ўзаро маданий алоқалари, бир-бирига таъсири ва адабий "ўзлаштирмалари" натижасида юзага келган муштаракликларни аниклашга қаратилган қиёсий тадқиқот бу типдаги ўхшашликларнинг генетик илдизлари ҳамда бу ҳодисаларнинг шаклланиши учун зарур бўлган ижтимоий тара: дают қонуниятларини ўрганади.[1]

Узбек фоль^оршунослигида киёсий-типологик метод асосида бир қатор илмий тадқиқотлар яратилган. Атокди фольклоршунос олим Ҳ.Т.Зарифовнинг ўзбек халқ достонларининг тарихий асосларига дойр тадқиқотларида, М.АфзЕшов, Ғ.Жалолов, К.Имомовларнинг ўзбек халқ эртакларининг жанр хусусиятлари, генезиси ва бадиияттига дойр илмий асарларида, шунингдек, М.Сшдов, М.Муродов, Т.Мирзаев, С.Рўзимбоев, Ҳ.Абдуллаевларнинг достончилик анъаналари, достонлар сюжети ва образлар таркибини ўрганишга багишланган ишларида узбек фольклори асарларини Марказий Осиё ва ҳатто, жаҳон халқдари огзаки бадиий ижоди^намуналари билан қиёсий таҳдилга тортиш тажрибаси фаол қўлланилди. Узбек фольклоршунослигида қиёсий-типолоГик методни биринчилардан бўлиб изчил қўллаган тадқиқотчи Х.Эгамовдир. У ўзининг ўзбек сеҳрли-фантастик эртакларини ва уларнинг этник алоқаларини қиёсий-тарихий жиҳатдан ўрганишга багишланган

Жирмунский В.М. Эпические творчество славянских народов и проблемы сравгительного изучения эпоса. - М.: Наука, 1958. - С.6-7.

монографиясида "Ўрта Осиё туркий халқлари, шу жумладан, узбек фольклори асарларини (эртакларини) ўрганишнинг" қуйидаги методларини тавсия этади:

а) *"маълум бир халк фольклори, унинг алоҳида жанрларини киёсий-типологш ўрганиш ".* Қиёсий-типологик йўналищдаги тадқиқотнинг бу методи маълум бир халқ фольклоридаги эпик жанрларга хос ўхшаш сюжет, мотив, образ каби эпик компонентларни ўзаро солиштириш асносида умумий ва ўзига хосл жиҳатларни аникдаш имконини беради;

б) *халкаро циёсий-типологик ўрганиш.* Бу тадқиқот методи воситасида генетик келиб чикиши муштарак ришталарга бориб тақалувчи, ўзаро қардош (масалан, туркий) ёки этник жиҳатдан қариндошчилик алоқалари мавжуд бўлмаган бир неча халқдар (масалан, туркий ва славян, туркий ва форс-тожик) фольклоридаги ўхшашликларнинг юзага келиш сабаблари, бу халқдар ўртасидаги фольклор алоқалари ўрганиш асосида муайян халк огзаки бадиий ижодининг миллий ўзига хос жиҳатлари ҳамда жаҳон халқлари фольклорига хос умумий белгилари аниқланади.

в) *қиёсий-этнографик ўрганиш.* Бу метод ёрдамида фольклор материалларини этнографик, археологик манбалар билан чоғиштириб ўрганиш натижасида халқ эртакларининг генезиси ва яратилиш даврини аникдашга долир муҳим хулосалар чиқарилади.

г) фольклор асарларини маданий ёдгорликларга қиёслаб, *лингвистик тадкик этиш.* Бунда ҳар бир халқнинг фольклор асарлари ўша халқнинг кадим аждодлари томонидан яратилган адабий-лисоний ёдгорликлар (масалан, "Авесто", "Девону луготит турк" каби) билан солиштириб, халқ огзаки бадиий ижоди лексикаси тадкик этилади.

д) *жанрлараро типологик ўрганиш.* Фольклорнинг муайян бир жанрига оид асарларни, масалан, эртакларни бошка жанрлар (достон, афсона, миф, ривоят, қўшиқ каби) билан қиёслаб тадкик этиш ана шу усулнинг мохиятини ташкил этади.[1]

Фикримизча, юқоридаги таснифнинг "а", "б" ва "д" бандлари типологик тадкиқотнинг ўзига хос усулларини англатагани ҳолда, "в" бандида қайд килинган *"циёсш-этнографик ўрганиш"* деганда муаллиф аслида фольклор асарларини этнография ва археология материаллари билан қиёслаб тадқиқ этишни назарда тутган. Маълумки, *"киёсий этнография"* аслида этнология фанининг ўзига хос йўналишларидан бири саналади. Фольклор ва этнография материалларини қиёсий ўрганиш "этнофольклористика" деб юритилса, халқ огзаки бадиий ижоди асарларининг сюжети, мотив ва образларининг генетик илдизларини аниклашда археология материалларидан киёсий манба сифатида фойдаланиш усули воситасида тадқиқот ишлари олиб бориш эса "археофольклористика" дейилади.

Х.Эгамов таснифининг "г" бандидан ўрин олган "лингвистик тадқиқ этиш" методи фольклоршуносликнинг "лингвофольклористика" деб аталадиган тармогида кенг қўлланилади.

Ўзбек халк эртаклари билан дунё халқдари эртаклари орасидаги ўхшашликларни сюжет, мотив ва образлар ўхшашлиги доирасида кенг кўламда текширган Х.Эгамов типологик муштаракликнинг уч типи мавжудлигини аникдаган эди. Улар қуйидагилар: а) маълум бир халқ фольклори (унинг муайян бир жанри)даги типологик ўхшашликлар; б) этник келиб чиқиши муштарак ёки бир тил оиласига мансуб бўлган халкдар фольклоридаги

[1] Эгамов Х. Туркий халклар эртакчилик анъаналари алокалари тарихидан очерклар. - Тошкент.: "Ўкитувчи", 1980, 25-27-бетлар.



типологик ўхшашликлар; в) бир гуруҳ халқлар (масалан, славян, мўғул, хинд, гуркий) фольклоридаги типологик ўхшашликлар. Олим бир халк фольклоридаги муштаракликларни *"монотип ўхшашлик"* термини билан атаган бўлса, этник жиҳатдан қондош халқдар ва жаҳон халқдари огзаки бадиий ижодида қайд қилинган ўхшашликларни *"интертип ўхшашлик"* деб аташни маъқул топади.[1]

Шу асосда ўзбек халқ эртаклари билан туркий халклар эртаклари орасидаги ўхшашлик асосан - эпик анъана мезонлари, эртакларнинг ички таснифи, асосий сюжетлар силсиласи, мотивлар таркиби ва композицион курилиш хусусиятлари, асосий персонаж талқини, ёрдамчи ва хомий персонажларнинг функциялари, қадимги никоҳ маросимлари (эндогамия, экзогамия, матрилокал никоҳ, полигамия ва ҳ.к.)га оид халқ қарашларининг эртак сюжетида акс этиши, архаик мотивлар, мифологик ва диний тасаивурларнинг талқини сақланиб қолганлигида кўриниши аникданди.

Узбек фольклорини қиёсий-типологик метод асосида ўрганишнинг мисоли сифатида «Сомон йўли» ҳақидаги афсоналар сюжетининг таҳдилини келтиршпимиз мумкин. Маълумки, халқимизнинг Сомон йўли тўғрисидаги самозий мифологик қарашлари мавзу жиҳатдан серқирра ва кўпқатламли бўлиб, айрии афсоналарда бу сидириқнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган самовий ҳаракат Ангур билан Тангур номли самовий қаҳрамонлар томонидан амалга оширштанлиги тасвирланганлигини кўрамиз. «Ангур билан Тангур» номли астрпшь мифнинг қисқача мазмуни қуйидагича: «Ангур билан Тангур деган ғоятда улкан гавдали оға-инилар жуда қадим замонларда яшаб ўтишган экан. Иккови шерик бўлиб, ов қиДиб, ов гўштларини бўлаклаб, оилалари билан баҳам кўришар экан. Бир куни иккови овдан қайтиб келиб, ўлжани бўлишаётганда Ангурнинг оиласига тақсим бўлган гўшт Тангурнинг кўзига кўпроқ кўринибди. Шунинг учун у Ангурга қараб: «Менинг сенга озроқ ҳақим кетди!» дебди. Ангур эса: «Бекор айтибсан! Мен доим ўлжани теппа-тенг бўлиб келганман. Менга бирознинг ҳақи керакмас!» - деб эътироз билдирибди.

О^сирам шуйтиб, Ангур билан Тангур ёқалашиб қолишибди. Иккови қўлларига узун таёқ олиб, бир-бирларига сермашиб, дунёнинг у бошидан бу бошигача қувалашиб, тўбалашиб кетибдилар. Ангур билан Тангурнинг таёқлари ҳар сермаганда осмонга қадалиб қолиб, осмонни яра қилиб, сидириб кетаверибди. Осмондаги Сомон йўли деган сидириқ аслида Ангур билан Тангур ёқалашганда пайдо бўлиб қолган экан. Шунда худо Ангур билан Тангурни тутиб олиб, «менинг осмонимни бузиб ташламоқчимисизлар?!» - деб, уларни денгизга ботириб юборган экан.[2]

Бу миф уруғ-қабилачилик тузумини емирилиши даврларида яшаган аждодларимизнинг асосан овчиликдан иборат турмуш тарзини дуалистик тасаввурлар орқали изоҳлайди. Икки ака-уканинг ўлжа талашиб, урушиб қолишлари ибтидоий жамоа ҳаётида қулдорлик даврининг илк аломатлари - кишининг киши томонидан эзилиши, олинган ҳосил ёки овчи ўлжасини бўлищдаги ноҳакликлар кўрина бошлаганлигининг ифодасидир. Қадимги даврларда овчи овлаб келган жонивор гўшти бутун қабила аъзолари ўртасида тенг тақсим қилинмасдан, қабила оқсоқоли, сардорлар кўпроқ улуш олишлари синфий табақаланишнинг муайя уруг ичида ҳосил бўлган илк куртаклари эди. Ангур билан Тангур жанги мотивининг ҳаётий ришталар ҳам ана шу тарихий

[1] Эгамов Х. Курсатилган асар, 111-бет.

[2] УзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти хузуридаги Фольклор архиьи. Инв.№1477/5. 1958 йилшшг 21 декабрида Рахматулла Юсуф ўғли езиб олган.

**ҳодисаларга бориб тақалади. Фикримизча, жуда қадим замонларда яратилиб, космогоник миф сифатида шаклланган бу афсона ўзининг сюжет узвларини деярли ўзгартирмаган ҳолда бизгача етиб келган. Гарчи қўлимиздаги матннинг сюжет тузилишини қиёслаш учун мазкур мифнинг минг йиллар бурун яшаган аждодларимиз нақл қилган варианти бўлмаса-да, сюжет тизамида нисбатан кейинги даврларга мансуб эътикодий қарашларнинг таъсири кўзга чалинмаслиги ана шундай хулоса чикаришга имкон беради. Миф сюжетининг охиридаги этологик хулоса - Ангур билан Тангурнинг денгизга чўктириб юборилиши мотиви ҳам аслида дунё тўфони тўғрисидаги мифологик тасаввурлар билан боглиқ бўлиб, фақат жазонинг худо томонидан белгиланиши эпик тафаккурнинг кейинги катламларига мансуб сюжет элемента ҳисобланади. Аслини олганда бу мифологик афсона иккита мустақил миф сюжетининг ўзаро синтезлашиши натижасида юзага келган. Чунки мазкур миф сюжетини таркибий кисмларга ажратиб таҳдил қилинса, воқеалар ривожи Сомон йўли сидиригининг пайдо бўлишининг сабабларини изохдашдан иборат этиологик тугалланма билан якунланганлиги маълум бўлади. Бу сюжет элемента Сомон йўли ҳақидаги архаик миф сюжет курилишининг шаклланишидаги дастлабки босқич ҳосиласидир. Ангур билан Тангурнинг халокати билан боглик космогоник мотивга асосланган самовий қарашлар унутилиб кетган бўлиб, унинг колдиқ ҳолда сақланган рудиментлари мазкур миф сюжетига кейинчалик сингдириб юборилган.**

**Ангур билан Тангур димиург вазифасини бажарувчи Олангасар типидаги самовий қаҳрамонлар сирасига кирадиган мифологии образлардандир. Уларнинг ога-ини деб таърифланиши ҳамда ўзаро олишуви дуалистик тасаввурлар маҳсули ҳисобланади. Ангур билан Тангурнинг Олангасар образи билан генетик жихатдан яқинлигини қуйидаги қиёсий тахлил орқали хам далиллаш мумкин: «Темир қозиқ» номли мифда айтилишича, Олангасар осмонга козиқ қокиб, уни тешиб қўйганидан газабланган худо бир пуфлаганда** ер **юзидаги барча уммонларни музлатиб юборибди. Уша пайтда Олангасар тиззасигача сув кечиб юргани учун унинг оёқдари ҳам бўрбойигача яхлаб қолибди. Музга айланган оёқ улкан гавдани кўтаролмай, қирс этиб синибди-да, Олангасар уммонга ағдарилиб тушиб, сувга ғарқ бўлиб ўлиб қолибди.**

**Юқорида кўриб ўтганимиздек, Ангур билан Тангурнинг ўлими ҳам дунё уммони билан боғлиқ: миф талқинича, худо уларни денгизга ботириб юборибди. Ангур билан Тангур образи аждодларимиз мифологиясидаги илк космогоник қаҳрамон - яратувчи мифологик образ, яъни димург ҳақидаги халк карашлари ва** унинг **дуалистик эътиқодлар таъсирида келиб чиккан.**

**Энди** *Ангур* **билан** *Тангур* **образларининг генезиси ва мифологик тасаввурлар тизимидаги эволюцияси масаласига тўхталиб ўтайлик. Фикримизча, ака-укалардан бирининг оти, яъни** *Тангур* **атамаси аждодларимиз лаҳжасида «кўк», «самовий каҳрамон», «олий руҳ», «ҳомий», «худо» маъноларида қўлланилган** *«тенгри//тангри»* **сўзларига алоқадордир. ҚС.Кадираджиевнинг маълумотларига** Караганда, **қадимги ёқутлар қабилага ҳомийлик қилувчи муқаддас кучни** *«тангара»* **деб аташаркан. Шунингдек, худони тувалар** *«денгер»,* **шумерлар эса** *«дингир»* **номи билан юритишган. Олим бу атамаларнинг барчаси** *«ибтидо», «уруг», «кабила»* **маъноларини билдирувчи умумтуркий сўз -** *«тег»//«тенг»* **ўзагидан келиб чиккан деб хисоблайди.[1]**

**Қидимги турклар** *«тенгри//тангар»* **сўзларини «олий руҳ», руҳ», «худо» маъноларидан ташқари, юқори олам - кўк билан боғлиқ самовий қаҳрамон номи сифатида ҳам қўллашган бўлишса керак. Шунга кўра,** *Тангур -* **кўкда яшовчи эзгу кучларнинг мифологик тимсол даражасида тасаввур қилинган.**

**Тангур образининг юқори олам - само билан алоқадорлигини жаҳон халқлари мифологиясида қайд қилинган кўплаб типологик муштаракликлар ҳам тасднқЛайди. Масалан, Полинезия, Янги Зеландия, Гавайя оролларида яшовчи маҳаллий аҳоли мифологиясида олий руҳдар сирасида тасаввур қилинадиган Тангароа образи алохида урин тутади. Мифологик эътиқодларга кўра, Тангароа аслида оламни яратувчи самовий қаҳрамон бўлиб, у ҳақцаги қадимий асотирлар қолдик ҳолдагина сакданиб қолган. У осмонда яшовчи самовий тангри, уммонлар эгаси ва ҳомийси сифатида талқин қилинган. Асотирларда қуруқликнинг рамзий эгаси Деб таърифланувчи, деҳқончиликка асос солган ва айни пайтда уруш худоон Ранго эса Тангароанинг эгизаги дейилади. Миф ва афсоналарда улар ҳамидга бир-бирларига қарама-қарши қўйилади. Бири кўкда, иккинчиси заминда туруичи бу ака-укалар оламни иккига бўлиб олишган эмиш. Ҳамма кизил рангли нарсалар Тангароаники, қолганлари эса Рангога қарашли деб таърифланади. Ҳатто қора сочли кишилар ўзларини Ранго авлодлари деб билиока, сариқ сочлилар Тангароани ўзларига уруғбоши ҳисоблашади. Муҳими шундшш, полинезияликлар ва микронезияликлар мифологиясида Тангароа ер билан осмонни бир-биридан ажратган мифологик қаҳрамон сифатида тасвирланади**

**Полинезия фольклоридаги Тангароа ва Ранго образлари ўзининг асотирий табиатл, мифоэпик талқини ва вазифаларига кўра Ангур билан Тангурга ўхшаб кетади. Тангур осмон билан боғлиқ космогоник образ, яратувчи қаҳрамон, яъни димургцир.**

*«Ангур»* **эса замин ёки қуйи олам билан боғлиқ кучлар тимсолининг атамасидир. Этимологик жиҳатдан бу атама икки қисмдан ташкил топган бўлиб,** *«ан»* **(ёки** *«анг»)* **ва** *«гур»* **сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Зеро шумерлар тилида** *«ан//ин»* **сўзи** *«тангри», «худо»* **маъноларида қўлланилтан.[3] Бу сўз тогли олтойликлар тилида «янг» шаклида ишлатилган бўлиб, «эътиқод», «удум», «руҳ» маъноларини англатар экан. К.С.Кадираджиев телеутча «янгара» (биринчи, яъни улуг шомон демакдир) ва Тогли Олтойда яшовчи туркий элатлар тилидаги «янгара» («бегона» маъносини билдиради) сўзлари ҳам ана шу ўзахка боглиқ деб хисоблайди.[4]**

**«Янгара» ва «Ангур» сўзларининг фонетик тузилишидаги ўхшашлик бу иккала лексеманинг тарихий-этимологик асослари муштарак лисоний манбага боғлиқпигидан далолат беради. «Ангур» сўзининг биринчи қисми «илохий руҳ» ёки |<худо» маъносини англатувчи «ан//ин» ўзагига алоқадор бўлса, атаманинг иккинчи қисми ер ости олами тўғрисидаги мифологик қарашларга боглик қадимий сўздан келиб чиққан бўлиши керак. С.Н.Крамернинг фикрича, «шумер тилидаги «кур» сўзи дастлаб «тог» маъносида қўлланилган бўлиб, кейинчалик «ўзга юрт», «ёт эл» тушунчаларини англатадиган бўлган. Чунки тог ортида**

[1] ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт инстшуги хузуридаги фольклор архиви. Инв.№1443/1.



1Садыраджиев К.С. Структура и генезис кумыкских мифологических элементов палеотюркского происюждения// Мифология народов Дагестана. - Махачкала, 1984.-С. 132-133.

'Мелетинский Е.М. Поленизийская и микронезийская мифология // Мифы народов мира. Том 2. -М.: Сов. Энциклопедия, 1992. - С.319.

[3] Крамер С.Н. История начинается в Шумере. - М.: Наука, 1991.-С.97.

Кадыраджиев К.С. Структура и генезис кумыкских мифологических.. . С. 145.

жойлашган ўзга ўлкалар Шумерга ҳамиша хавф солиб турган. Шумер мифологияси талқинига кўра, Кур Замин билан дунё уммони оралигидаги бўшлик атамаси ҳамдир. Уликларнинг соялари ҳам ўша жойда тўпланади дейдилар».[1]

Кўринадики, тилимиздаги «гўр» (қабр), «қир» (тепалик), «қўр» (чўғ, яъни илгари ўликларни ёқиш удуми бўлган), «гор» (тоғдаги ковак жойлар, мифологияда ер остидаги ўзга оламга ўтиш йўли) сўзлари ҳам аслида шумерча «кур» лексемаси билан тарихий-этимологик жиҳатдан ўзақдошдир. Бунинг устига қадимги туркий-мўгул-бурят қабилалари тилида ёзилган кўҳна ёзма обидаларда «мурда», «мозор» маъноларини англатувчи «хуур//гуур» сўзлари мавжудлиги ҳам қайд килинган.[2] Шунга кура, «Ангур» атамасини «қуйи олам» ёки «замин тангриси» маъноларини билдирадиган қадимги мифологогема деб ҳисоблаш мумкин.

Полинезияликлар мифологиясидаги афсонавий эгизаклар - Тангароа билан Ранго ўзаро тортишиб, осмон билан ерни (кизил ранг - қуёш-ёруғлик-осмон тимсоли бўлса, Рангога нисбат берилган қора ранг - тупрок куйи оламга алоқадорлик) бўлиб олишгани сингари, Ангур билан Тангур ҳам ана шу икки оламга мансуб самовий қаҳрамонлардир. Мифнинг қадимги архаик намуналарида Тангур осмон-юқори олам, Ангур эса замин-қуйи олам билан боғлиқ ҳолда талқин килинган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Ангур билан Тангурнинг олишуви самовий борликнинг яратилиш жараёни тимсолидир. Чунки космогоник мифларнинг асосий мавзуларидан бири «рамзий баҳс» мифологиясидир. «Рамзий баҳс» мавзуси талқинига кўра, оламнинг ибтидоси эзгулик билан ёвузлик кучларининг ўзаро баҳси, кураш ёки ўзаро карама-каршиликлари натижасида рўёбга чиққан ҳосила сифатида баён қилинади».[3] Ангур билан Тангур жанги ҳам ана шундай «рамзий баҳс»лардан бири бўлиб, аждодларимизнинг яратилиш тўғрисидаги самовий мифларидаги етакчи мавзулардан бири ҳисобланган. Бу олишув натижасида Ангур билан Тангурнинг қўлларидаги ибтидо куроли - таёқларнинг осмонга қадалиб, сидирик ҳосил қилишидан Сомон йўли пайдо бўлади. Сомон йўли сидиригининг ҳосил бўлиши-ибтидо қаҳрамонларининг фаолияти яратувчилик жараёнидан иборат бўлганлигини кўрсатади.

Ангур билан Тангурнинг қўлларига узун таёк олиб тўбалашиб кетишлари ҳам шунчаки хаёлий уйдирма маҳсули бўлмасдан, қадимги туркийларнинг «ибтидо қуроли» тўғрисидаги мифологик қарашларига алокадор кадимий асотирий мотивлардан биридир. А. М.Сагалаевнинг ёзишича, Ғарбий Сибирда яшовчи ўрол-олтой тиллари оиласига мансуб халкдарнинг космогоник мифларида кайд килинган дастлабки ибтидо қуроли-ҳассадир. Ҳасса яратиб бўлинган оламнинг айрим кемтикликларини тузатувчи тангриларнинг асосий «иш қуроли» сифатида талқин қилинади. Ҳассанинг осмонга кадалиб қолиши - Юқори оламга йўл очса, унинг ерга санчилиши орқали қуйида жойлашган ер ости оламига ўтишга имкон тугдиради деб тасаввур килинган.

Ҳатто Улган билан Эрликнинг «рамзий баҳси»га дойр кадимги туркий мифларда хам *«ҳасса»* детали қайд килинган. В.И.Вербицкий томонидан

[1] Крамер Н.С. История начинается в Шумере. - М.: Наука, 1965.-С.180.

[2] Чагдуров С.Ш. Происхождения Гэсэриады. - Новосибирск.: Наука, 1980.-С.142-143.

[3] Членов М. Малайского архипелага народов мифология // Мифы народов мира. Том 2.- М.: Сов.энпиклопедия. 1982.-С.94.

v мйддсв rvivi, угда^шшши «ш^опопи. шиоп и архетшт-новосиоирск.: Наука, 1992.-С.37.



оммалаштирилган бир асотирда ҳасса билан боғлиқ космогоник ҳаракат тасвири қуйидагича хикоя қилинади: «Улган томонидан ер юзасидан сиқиб чиқарилган ёвуз Эрлик эзгулик тимсолидан омонлик тилаб, қўлидаги ҳассасининг учи ерга текканда қолдирган изчалик жой сўрабди. Улган изн бергач, белгиланган ерга ҳассасини тиқиб олибди, ҳассани тортиб олганда ўша жойдан бир қанча жониворлар чиқиб кела бошлашибди: аввалига ҳассанинг учини тишлаб олган тўнғиз, тўнғиз думига илакишган илон, унинг кетидан қурбақа, яна турли-туман зиён-заҳматлар элакишиб чиқибдилар. Эрлик ер тагидан чиққан жонзотларга қараб: «Сизлар одамзодга озор етказасизлар!»-деб амр қилибди. Шунда Улган: «Яхшиямки, озгина ер берибман, агар кўпроқ жой берганимда ер юзини бундай ярамас жонзотлар билан тўлдириб юборарkансан!»-деб Эрликни ўша ўзининг ҳассаси билан тешган тешикка тиқиб юборибди. Ушщандан буён Эрлик ер остида яшармиш».[1]

Ангур билан Тангурнинг таёқлари ҳам «ибтидо қуроли» сифатида тасвирланган мифологема - ҳасса билан алокадор деталдир. Чунки кадимги туркий мифларда тангрилар ҳасса билан самовотнинг ибтидодан кейинги «чала қолган» жойларини тузатиб, айрим осмон жисмларини яратишгани ҳикоя қилинган. Юқорида таҳдил килинган узбек асотиридаги ака-укаларнинг бир-бирларига таёқ сермашиб, дунёнинг у бошидан бу бошигача кувалашиб-тўбалашиб кетишлари мифологик даврдаги илк ибтидо босқичида яратилган осмон гумбазиинг тузилишини янада мукаммаллаштиришга, яъни ибютидони охирига етказишга, самовий жисмларни бино қилищдан иборат мифологик жараёнларни туғаллашга қаратилган ҳаракатдир.

Қадимги туркий мифларнинг тогли олтойликлар фольклори орқали етиб келган намуналаридан бирида ҳасса ер ости оламига йўл очган рамзий ашё сифатида талқин қилинган бўлса, «Ангур билан Тангур» номли мифда бу деталнинг мифоэпик вазифадоши ҳисобланган «таёқ» образи самовий жисмларни яратиш куроли ролини ўтайди.

«Ангур билан Тангур» асотири қадимги туркий қабилаларнинг космогоник мифологиясидаги ибтидо билан алокадор эътиқодий қарашлар ва анъанавий мавзуларнинг тадрижий ривожи натижасида юзага келган.

## ТАРИХИЙ - ҚИЁСИЙ МЕТОД

Француз олими Врнольд Ван-Геннеп "Дин, одатлар ва афсоналар" номли беш жилддлик асарининг 1908 йилда чоп эттирилган 2-жилдидаги этнографиянинг тарихий тараққиёти ҳақидаги мақоласида фольклоршуносликдаги тарихий ва қиёсий методларни бир-биридан фарқданувчи усуллар сифатида баҳолаган. Унингча, тарихий метод ҳодисаларни муайян хронологик тартиб асосида баҳолайди ҳамда ёзма ва иконографик материаллардан фойдаланган ҳолда хужжатлиликка таянади; қиёсий метод эса замоний ва маконий жиҳатдан абстракт ҳолатда иш кўради ҳамда огзаки манбаларни ҳам жалб қилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам тадқиқот предмета ўзгармаслиги бу методлар муваффақиятли қўлланилиши мумкинлигини кўрсатади.

Маълумки, қиёсий фольклоршунослик анъанавий компаратавистика(яъни қиёснй адабиётшунослик)нинг таркибий кисмларидан биридир. Бундай тадқиқот методи асосида этник келиб чиқиши, лисоний мансубияти, жўғрофий ўрни ва маданий-иқтисодий анъаналарига кўра бир-биридан фарқданувчи

[1] Вербицкий В.И. Алтайские инородцы.-М.: 1893.-С. 100.

халқлар фольклоридаги муштарак сюжетларнинг юзага келиш конуниятлари ўрганилади. Турли халклар фольклори ўртасидаги алоқаларнинг бир неча типлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан характерланади.

Жўғрофий ўрнига кўра бир-биридан олисда жойлашган ва лисоний мансубиятига кўра турли хил тиллар оиласига кирадиган халқдар фольклоридаги поэтик элементлар муштараклиги типологик ўхшашлик намунаси ҳисобланади. Х.М. ва Н.К.Чадвиклар полинезияликларнинг маданий қаҳрамон ҳақидаги мифлари, Сибирда яшовчи туркий халқдар эртаклари, антик, кадимги герман ва кельт қаҳрамонлик достонлари, рус ҳамда жанубий славян эпоси сюжетини ўзаро қиёслаб ўрганиш асосида, таҳдил этилган матнларнинг бадиий курилмасида типологик муштараклик мавжудлигини аниклашган. Уларнинг фикрича, турли халқдар фольклоридаги бундай типологик муштараклик "адабий анъананинг параллел ривожи" ҳамда "турмуш тарзи ва ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларнинг ўхшашлиги" натижасида юзага келади.

Ўрта аср Европа эпоси сюжетини туркий ва мўғул хапқлари фольклори билан қиёслаб ўрганган Г.Н.Потанин типологик алоқаларни тизим сифатида таҳдил килиш мухим назарий хулосалар чиқаришга асос бўлишини қайд қилган эди.[3]

Таниқли эпосшунос В.М.Жирмунский ўзининг мағрибу машриқ адабиетларининг қиёсий тадқикига дойр илмий асарларида миллий адабиётлараро алоқаларнинг тарихий илдизларини сиёсий-иктисодий тараққиётнинг муштараклигига боғлаб ўрганган. У ўзидан бурунги адабиётшуносларнинг ижодий тажрибаларини умумлаштиргани холда адабий компаратавистикада янги бир йўналиш - системали-типологик алоқалар назариясини яратди.[4]

Адабиётшунослик ва фольклоршуносликда генетик-контакт алоқалар хусусида ҳам турли хил қарашлар баён қилинган. Хусусан, филология фанлари доктори Ҳ.Кароматов адабиётшунносликдаги генетик-контакт алоқалар тушунчасининг мохиятини изохдаб, бунда "адабий ўзлаштирув бевосита танишув ёки таржима орқали вужудга келади" деб ёзади .

Генетик-контакт алокалар назарияси словак олими Д.Дюришин томонидан илгари сурилган бўлиб, миллий адабиётлардаги муштараклик бадиий тафаккурнинг тарихий гэивожи ҳамда адабий анъаналарнинг ўзаро таъсири доирасида текширилади .

Ўзаро адабий таъсир ёки адабий алоқаларнинг сюжет ривожини таъминлашдаги бадиий-эстетик ўрнини белгилаш ҳам қиёсий фольклоршуносликнинг мухим масалаларидан бири хисобланади. А.Н.Веселовскийнинг ёзишича, у ёки бу миллий фольклордаги муштарак мотивлар ўз-ўзидан юзага келади. Аммо мотивлар тизимидан ташкил топган эпик сюжетлардаги ўхшашлик адабий ўзаро таъсир натижасида ҳосил бўлиши

[1] Chadwick H.M. and N.K. The Growth of Literature. 3 wols. Cambridge, 1932,p.XIII.

[2] Chadwick H.M. and N.K. The Growth of Literature...p.IX.

[3] Бу хакда каранг: Потанин Г.Н. Восточные мотивы в средневековом европейском эпосе. М , 1883.

[4] Қаранг: Жирмунский В.М. Народный героический эпос. М.-Л., 1962, С.5-74; Его же. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. Л., 1979.

[5] Кароматов Ҳ. Қуръон ва узбек адабиёти. Тошкент, 1993. 14-бет.

[6] Дюришин Д. Систематика межлитературного процесса. Братислава, 1988.



,ҳам мумкин[1]. Ҳар қандай адабий таъсир ва ўзаро алоқалар тарихан асосланган ижтимоий заминга эгадир. Икки халқ фольклорининг ўзаро бир-бирига таъсири муайян ижтимоий заруратдан келиб чиқадиган эстетик эҳтиёжга боғлиқ бўлади. Ана шу эстетик ^қонуниятларга суянган ҳолда дунё халқдари фольклори эпик сюжетларининг Ўрта Осиё туркий халқдари огзаки ижодиётида оммалашиш жараёнини таҳдил қилиш, образ ва мотивлар эпик табиатида рўй берган функционал-семантик ўзгаришларни аниқлаш мумкин.

А.Н.Веселовский ўзининг адабий ўзаро таъсир ҳақидаги қарашларини ривожлантира бориб, адабиётлараро ижодий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири - "қарши оқим назарияси"ни ҳам илгари сурган эди. Адабий жараённинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланган "ўзаро ижодий ўзлаштириш деганда қандайдир бўшликда муайян бадиий элементнинг пайдо бўлишини эмас, балки ижодий анъаналарнинг "қарши оқими"ни, тафаккур усулининг ўхшашлиги ва оламни фантастик идрок этиш асосида тугилган образлар муштараклиги назарда тутилади".[2]

Бу назариянинг туб моҳияти ( қолаверса, бу фикр компаратавистларнинг асосий назарий хулосаларидан бири ҳам эди) жаҳондаги турли-туман халқлар фольклоридаги сюжетлар генетик жиҳатдан ягона эпик ўзакка бориб такадишини асослашдан иборат эди. Демак, турли халқдар фольклоридаги эпик сюжстлар муштараклигининг юзага келишига мифологик тасаввурлар асосида шакхшанган илк сюжетлар тизими асос бўлган.

Қиёсий адабиётшунослик борасида олиб борилган изланишлар ўзаро адабий таъсир ва ижодий ўзлаштириш масаласини фольклор материаллари асосида текширишнинг ҳам кенг имкониятларини очади. Бинобарин, узбек фольклорининг дунё халқдари огзаки ижоди анъаналари билан ижодий алоқалари, хусусан, ўзбек-араб фольклор алоқалари тизимида сюжет кўчиши ҳодисасининг юзага келиши, бу эпик жараённинг ўзига хос эстетик конуниятлари ва тарихий-тадрижий ривожи масалалари фольклоршунослар томонидан эндигина ўрганилмокда.[3] Холбуки, ўзбек халқ эртаклари, афсона ва ривоятлари, халқ китоблари ва мифологик тасаввурларида араб фолыслоридан ўтган катта эпик қатлам мавжуд. Тарихан араб фольклорининг сюжет тизимига мансуб бўлган бу эпик қатламнинг ўзбек халқ огзаки поэтик ижоди эстетик анъаналари доирасига трансформацияланиш конуниятларини очиш эса тарихий-фольклорий жараённинг етакчи хоссаларини аниқдаш имконини беради.

## КАРТОГРАФИК МЕТОД

Муайян нарса-ҳодисаларнинг маълум бир маконий қамров доирасида тарқалиши, ўзаро алоқалари, локал хусусиятлари, ўзига хос ва умумий

[1] Веселовский А.Н. Историческая поэтика. Л., 1940, С.500-502.

[2] Веселовский А.Н. Разыскания в области русского духовного стиха. Вып.5. СПб., 1899. С.115.

[3] Қаранг: Шомусаров Ш. Араб-ўзбек фольклор алоқаларининг ўзига хос хусусиятлари // Узбек тили ва адабиёти, 1996, №3, 38-41-бетлар; Ўша муаллиф. Араб-ўзбек фольклор алоқалари // "Узбекистан мустақиллиги: унинг фани ва технологияларини ривожлантириш кафолатлари" мавзуидаги 1- Республика илмий коллоквиуми маърузалари тўплами. - Тошкент, 1997, 225-227-бетлар; Уша муаллиф. Араб мифологиясининг юзага келиши ва унинг узбек фолыслорига таъсири // Шарк машъали, 1996, №1-2, 48-51-бетлар; Ўша муаллиф. Араб ва узбек фольклори тарихий-киёсий таҳяили. Докторлик диссертациясининг автореферата. Тошкент, 1997.

конуниятларини картографии метод асосида таҳдил қилиш география, этнография, археология, тилшунослик (диалектология) фанларида кенг кўламда кўлланиладиган усуллардан бири. Бу метод халкнинг этник табиатини белгиловчи анъанавий моддий маданияти, урф-одат ва анъаналари, турли-туман шева хусусиятларини акс эттирувчи катта қамровдаги фактик материални тўплаб, системалаштириш ҳамда этнолингвистик жараёнлар билан боғлиқ ўзига хос конуниятларини ҳодисаларнинг кўпқирралилиги ва ранг-баранглиги оркали очиб бериш мақсадида қўлланилади. Картографик метод ёрдамида ҳозирга қадар кўпгина географик, этнографик ва диалектологик атласлар тузилган. Халк огзаки бадиий ижоди асарларини ўрганишга картографик методни тадбиқ этиш анъанаси ҳам этнологик ва диалектологик тадқиқотлар оркали урф бўлган.

Европа фольклоршунослигининг тарихи бўйича таниқли мутахассис, италььян олими Жузеппе Коккьяра фин фольклоршунослик мактабида ишлаб чикилган "тарихий-географик" методни "географик-картографик усул" деб аташни таклиф килган эди. Чиндан ҳам А.Аарне ишлаб чиққан эпик сюжетлар кўрсаткичининг яратилишида ўзига хос жўғрофий-статистик таҳдилга асосланган умумлашмалар мухим рол ўйнаган бўлса-да, "картографик метод" даставвал фольклоршуносликда эмас, балки этнографик тадқиқотлар амалиётида қўлланилган. Этнографик тадқиқотлар олиб боришда ўрганилаётган мавзулар бўйича тайёрланган сўровномалар, анкеталар, саволномалардан фойдаланиш ҳамда муайян этнофольклорий ҳодисанинг тарқалиш доираси ва кайд қилиниш даражасини картография усулида аникдаш тажрибаси илк бор Фридрих Ратцель ва Вильгелем Пессер томонидан қўлланилган. Хусусан, Ф.Ратцелнинг "Антропогеография", В.Пессернинг "Куйи Саксониянинг қиёсий этнографиясидан очерклар" (1910) номли асарларида фактик материалларни тўплаш ва тахлилий умумлашмалар чиқаришда картографик метод қўлланган.

Фольклоршуносликдаги "географик-картографик метод" ёки "картографик метод"нинг юзага келишига эса Швейцариядаги Нейшателе университета профессори, йирик француз фольклоршуноси ва этнографи Арнольд Ван Геннепнинг тадкикотлари асос бўлган. У бутун умри давомида Франциянинг Бургундия, Оверия, Фландрия, Савойи ва бошка провинцияларини кезиб чиқиб, француз халқининг урф-одатлари, маросимлари, удумлари, анъаналари ва фольклорини тўплаш билан шугулланган. Ана шу изланишлар натижасида бир нечта фольклор тўпламлари ва илмий тадқиқотларни нашр эттирган Ван-Геннеп 1939 йилда "Ҳозирги француз фольклорини ўрганиш бўйича қўлланма" ("Manuel de folklore francais contemporain") номли кўп жилдлик асарини чоп эттирди. Халк огзаки бадиий ижоди асарларининг иктидорли тўпловчиси сифатида эътироф этилган Ван-Геннеп 1909 йилдан эътиборан материал тўплашда ўзи тузган "Сўровнома"лардан самарали фойдаланган. Унинг "Сўровнома"лари олим иш олиб борган худудларда тарихий-фольклорий жараённинг ҳолати, ҳар бир провинция фольклорининг ўзига хос хусусиятлари, жанрлар таркиби, фольклор асарларининг тарқалиш доирасини аникдаш имконини берган. Олим ана шу "Сўровнома"лар воситасида тўпланган материалларни таҳдил қилиб у ёки бу фольклор асари, удум ва одатларнинг қайси худудда тарқалганлиги ҳақида аниқ хулосалар чиқарган.

А.Ван-Геннеп ўзининг 1934 йилда ёзилган фольклор методологияси ҳақидаги бир маколасида картографик методнинг афзаллиги тадқиқот натижаларининг аникдиги ва далилларнинг ишонарлигидадир деб ёзади. Бу метод ўрганилаётган ҳодисанинг мавжудлиги ёки йўқолиб бораётганлигини



кўрсатувчи барча элементларни тўла қамраб олиш имконини беради. Картографик метод фольклоршунос томонидан ўрганилаётган жанр, сюжет, мотив, удум ва эътиқодий қарашларнинг барча элементлари: ижро ҳолати, тарқалиш доираси, ҳудудий ўзига хослиги ва локал фарқларини кўрсатишга хизмат қилади.

Чех фольклоршунос олими А.Брюнер халқ орасида сақданиб қолган мифологик тасаввурларни ўрганиш жараёнида чехларнинг сув билан боғлиқ асотирий персонажларига оид маълумотларни картографик метод асосида тўплаган. У 1918 йилда Краковда нашр этилган "Славян мифологияси" ("Mitologja slowianska") китобида чех мифологиясидаги сув рухдари ташқи кўриниши, ўзига хос характери ва хатти-ҳаракатларига кўра турлича номлар билан аталишини картографик таҳдил натижасида аниқлаганлигини қайд қилади.

Картографик методни фин фольклоршунослари (В.Андерсон, 1931, 1955) эртак сюжетларининг тарқалиш ареалини аникдаш мақсадида қўллаган бўлишса, болгариялик олимлар (М.Арнаудов, 1920; А.Ангелов, 1936) қадимги тасаввурларнинг халқ эпик шеърида реликт ҳолида сақданган кўринишларини ўрганиш мақсадида бу методга мурожаат қилганлар.

Картографик методнинг рус фольклоршунослигида қўлланилиши эса Россия географик жамияти "Эртакларни ўрганиш қўмитаси"нинг фаолияти билан богланади. "Эртакларни ўрганиш қўмитаси" XX асрнинг 20-йилларидан эътиборан фольклор ва этнографик материалларга тизимли ёндошувни, матнларнинг вариантлари, уларнинг ўзаро нисбати ва алоқадорлигини ўрганишда географик факторни ҳисобга олишни жорий этди. Фольклор асарларини картографик метод асосида тадқиқ этиш жуда катта назарий тайёргарликни тақазо этар эди. Бинобарин, А.И.Никифоров, П.Г.Богатирев, В.М.Жирмунский, Р.Р.Гельгардт каби олимларнинг бу масалага дойр асарлари рус фольклоршунослигида картографик тадқикот методикасини белгилаб берди.

Ҳалқ огзаки бадиий ижодиётини географик-картографик метод асосида ўрганиш муаммоси 1958 йилда Москва шаҳрида бўлиб ўтган "Славяншуносларнинг Y халкаро сеъезди"да махсус муҳокама этилган. Мазкур анжуманда "Халқ огзаки ижоди асарларининг яратилиши, шаклланиш тарихи ва ҳозирги ҳолати билан боглиқ муаммоларни ўрганишда фольклорни картографиялаш қандай аҳамиятга эга?" - деган савол фольклоршунослар муҳокамасига қўйилган. Бу масала юзасидан П.Г.Богатирев, В.М.Жирмунский ҳамда болгариялик фольклоршунос олим Ц.Вранска ўз мулоҳазаларини билдиришган. Шундай бўлса-да, XX асрнинг 70-йилларига кадар рус фольклоршунослигида картографик метод асосига курилган жиддий илмий тадқотлар яратилмади.

Славяншуносларнинг 1974 йилда Москвада бўлиб ўтган халқаро конференциясида сўзга чиққан фольклоршунос олим К.В.Чистов "этнографияда самарали қўлланилаётган картографик метод фольклоршунослик фани амалиётига у қадар сингиб кетмаётганлиги, холбуки, халқ ижодиётини бу метод тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, структуруал ва бошка усуллар билан барарар қўлланилганда фольклористикани бойитишга хизмат қиладиган материал ва хулосалар бериши мумкинлигини" қайд қилди. У ўзининг картографик усулни қўллаш методикасига дойр назарий карашларини ўша йили чоп эттирилган "Маросим ва маросим фольклорини картографиялаш муаммолари" ("Проблемы картографирования в языкознания и этнографии". -

**М.: Наука, 1974. - С.16-33) номли мақоласида туй маросимига оид этнофольклористик манбаларнинг тахдили мисолида баён қилди.**

**Шундан кейин Европа ва рус фольклоршунослигида картографик методни қўллаш асосида илмий тадқотлар яратишга қизиқиш кучайди. Этнология, археология, диалектологияда бўлгани сингари фольклоршуносликда ҳам "ареологик йўналиш" юзага келди. Айникса, Н.И.Толстойнинг Полесье этнолингвистик атласини яратиш устида олиб борган тадқиқотлари, С.М.Толстаянинг халқ тақвимининг этнодиалектологик лугатини тузиш максадида олиб борган картографик текширишлари, А.В.Гуранинг туй маросимлари фольклори ва терминологиясини тадқиқ этишга дойр ишлари бу методнинг фольклоршуносликка кенг кўламда тадбиқ этилишида муҳим ахамият касб этди.**

**Картографик методнинг асосий мақсади анъанавий маънавий маданиятнинг мухим қисми ҳисобланган фольклор асарлари ёки муайян фольклор жанрини ареологик жиҳатдан тахдил қилишдан иборат. Бу усул асосига курилган илмий тадқиқот муайян изчилликда амалга оширилади ва асосан тўрт босқични ўз ичига олади:**

**1) фольклор асарларини ёзиб олиш, тўплаш ёки муайян фольклорий ҳодисани ўрганиш учун алохида дастур, қўлланма, сўровнома ва анкета-саволномаларини тузиш;**

**2) тадкиқот олиб борилиши кўзда тутилган жўғрофий худуд ёки бир неча этнофольклорий ареалларда тузилган дастур асосида фактик материалларни тўплаш;**

**3) йигилган фольклористик материалларни картографиялаштириш;**

**4) ўрганилаётган ҳудудца фольклорининг картографик талқинини илмий тахдил килиш.**

**Картографик методда иш юритишнинг ана шу кўпбосқичли тизими муайян изчилликни талаб қилади. Чунки дастур, сўровномалар тузмасдан ёки тахдил қамрови талаб қиладиган фактик материални тўпламасдан туриб картографиялаш амалиётини амалга ошириб бўлмайди. Баъзан у ёки бу фактни аниклаштириш, олинган этнофольклорий далилларни тўлдириш максадида қайта текширув олиб боришга тўгри келади. Шунинг учун, картографик метод узок муддатли изчил илмий изланишларда қўлланиладиган тадқиқ усули саналади. Картография усули учун ишланаётган тадкикот мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мавзу танланади.**

**Узбек фольклоршунослигида бевосита картографик метод асосида яратилган илмий тадкиқот мавжуд бўлмаса-да, бу усулнинг айрим қирралари, яъни картографиялаш учун тегишли материаллар тўплашга имкон берадиган махсус қўлланма ва дастурлар тузиш амалиёти фольклористик изланишларда қўлланиб келинмокда. Хусусан, "Маориф" журналининг 1918 йилги 1-сонида чоп эттирилган "Ўзбек халқ ижодини тўплаш учун қисқача қўлланма" фольклорни картографик метод асосида ўрганишни таргиб этмаса-да, тўпловчилик ишига миллий зиёлиларнинг қатнашишига алохида эътибор бериш, фольклор асарларини ёзиб олиш билан алоқадор "дала ишлари"нинг бевосита халк орасида олиб борилиши ҳамда халк огзаки бадиий ижоди асарларини кўпроқ кекса кишилар ва аёллар огзидан ёзиб олишнинг тавсия этилиши билан эътиборга моликдир. Ана шу "Қўлланма" узбек фольклори асарларини илмий асосда тўплаш ва системалаштириш йўлидаги илк кадам бўлди.**

**"Маориф ва ўқитгувчи" журналининг 1926 йил 7-8-сонлари Ғози Олим Ю ну сов томонидан тузилган "Узбек эл адабиётига тегишлик маълумотларни тўплагувчиларга қўлланма" номли дастурнинг босилди. Бу дастур узбек фольклорини тўплаш ва ўрганишнинг илмий асосларини ўзида мужассамлаштирганлиги билан муҳим аҳамият касб этди.**

**Фольклор асарларини тўплашда махсус саволномалардан фойдаланиш ва тўпловчилик фаолиятини тадқиқот учун аввалдан танланган худуд доирасида олиб бориш тажрибаси XX аернинг 90-йилларидан қўлланила бошланди. Хусусан, Бухоро давлат университети Узбек филологияси факультета талабаларининг вилоят худудида халқ огзаки бадиий ижоди асарларини тўплаш билан боғлиқ амалиётини ўтказиш методикасига багишлаб ёзилган "Фольклор практикаси" (Муаллифлар: О.Сафаров, А.Турсунқулов, М.Жўраев, 1993 йил) номли қўлланмада маросим фольклори, эртак, афсона ва ривоят жанрларига оид фольклор материалларини ёзиб олиш учун саволнома ҳам илова қилинди.**

**Узбекларнинг анъанавий вақт ҳисобини юритиш билан боғлиқ эътиқодий карашлари, халқ тақвими ва унга алоқадор мифологик тасаввурларнинг сақланиш даражаси ҳамда ареологиясини картографик метод воситасида ўрганиш мақсадида биз махсус "Сўровнома" тузган эдик. Бу "Сўровнома" асосида 1989-90 йилларда Бухоро вилоятининг Қоракўл, Олот туманларида, 1991-2004 йилларда Самарканд, Навоий вилоятларида, 2003 йилда Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида фольклор экспедициясини ўтказиб, узбек халк тақвими ва у билан боғлиқ мифологик тасаввурларни ўргандик. Шунингдек, фольклоршуносликда картографик методни қўллашнинг ўзига хос шаклларидан бири ҳисобланган бу саволнома-анкета Навоий давлат педагогика института, Карщи давлат университети, Термиз давлат университети, Урганч давлат университети Узбек филологияси факультетининг турли кишлокдарда истиқомат қиладиган талабалари ёзги таътилга жўнаб кетиш олдидан уларга ҳам тарқатилди. Талаба ўз қишлоғидаги кекса кишилар билан ҳамсуҳбат бўлганида уларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилиши лозим эди:**

**1. Қишлоғингизда анъанавий вақт ҳисоби амалларини яхши биладиган кишилар борми ва уларни қандай ном билан аташади? *(ҳисобдон, тўгал* ва х.к.), Ҳозир хаёт бўлган ёки илгари яшаб ўтган машҳур ҳисобдонлар ҳақида маълумот беринг.**

**2. *Тўгал* деб нимага айтилади? *Тўгалнинг* турлари ва маъноси нима?**

**3. *"Деҳқон ҳисоби"* деб нимага айтилади? Бу ҳисоб бўйича деҳқончилик ишларини бажариш мудцатлари қандай белгиланган?**

**4. *Аямажуз, ахман-дахман, хезим-хирмон, нахси наврўз, оби рахмат* ҳақида қандай афсоналар ва халқ карашлари бор?**

**5. Қадимда' қишлокдошларингиз** *наврўз-йилбоши* **келганлигини қандай аниқлаганлар?** *Йшбоши сайиллари* **қандай ўтказилган?**

**6. Илгари қишлоғингизда гул сайиллари** *(гули сурх, кизил гул сайли, лола сайли* **ва х.к.) ўтказилганми? Бу сайиллар тўгрисида кенгрок маълумот берсангИз.**

**7. Биринчи марта** *бойчечак* **чиққанда қандай маросим ва ирим-сиримлар бажарилган?**

**8. Баҳор қурғоқчилик келиб, ёмгир бўлмаганда** *ёмгир ёгдириш* **учун қандай маросим қилинган? Қўшиқ ва айтимларидан намуналар келтиринг.**

**9. Қуёш чиқиб турганда ёмгир ёгса нима деб ўйлаганлар?**

**10.** *Ёмгир куп ёккандауни тухтатиш* **учун қандай иримлар қилинади?**

**11. Тўйда ёмгир ёгишининг сабабини нима деб ўйлайдилар ва ёгинни тўхтатиш учун қандай ирим-сиримлар бажарилади?**

**12. Баҳорда биринчи** *момакалдирок* **бўлганда қандай иримлар қилинган? Момақалдироқ тўғрисида афсоналар борми?**

**13. Момақалдироқдан сақланиш ёки чақмоқ урмаслиги учун қадимда қандай ирим-сирим қилганлар?**

*14.* **/(ушларнинг эрта баҳорда иссиқ ўлкалардан юртимизда учиб келиш тартиби қандай бўлади?** *Қалдиргоч, кўккарга, лайлак, турна* **ва бошқа қушлар келганда қандай айтимлар айтилади?**

**15.** *"Юзҳисоби"* **деган ҳисобни деҳқонлар қандай тушунадилар?**

**16.** *"Юлдуз ҳисоби"* **нима ва унинг моҳияти қандай тушунтирилади?**

**17.** *Карвон кўчар, Ялдировуц, Етти қароқчи, Хулкар, Тарози, Сомон йўли, Чўлпон* **ва бошқа юлдузлар тўғрисида қандай афсоналар мавжуд?**

**18.** *Хулкар билан* **ойнинг тўғали қачон ва қандай рўй беради? "Ҳулкар ботди, хор-хор ётди" каби мақоллар қандай маъно англатади?**

**19.** *"Хасан-Хусан"* **деб нимага айтилади ва унинг маъноси нима?** *"Хасан-Хусан "* **тўғрисида афсона ва ирим-сиримлар борми?**

**20.** *"Ёз чилласи "* **ва** *"киш чилласи "* **тўгрисида нималарни биласиз?**

**21. Душларнинг кузда иссиқ ўлкаларга учиб кетиш тартиби қандай бўлади?**

**22.** *Мизом* **нима ва у канон киради?**

**23. Деҳқончиликда экинларни** *экиш, парваришлаш* **ва** *ўриб-йигиб олиш* **муддатлари қандай белгиланган? (Йил бўйи қилинадиган ишларнинг бажарилиш муддатлари ва улар билан боғлиқ маросимлар ҳақида қам маълумот беринг)**

**24.** *Шамол* **эсмаган пайтда шамол чақириш учун кандай иримлар килинади?**

**25. Кучли ёки сурункали эсган** *шамолни, довул, тўфонни тўхтатиш* **учун кандай иримлар килинади?**

**26.** *Ўрама-гирдоб* **ёки** *айлана шамолни* **тўхтатиш, даф қилиш учун бажарилган қандай иримларни биласиз?**

**27.** *Дўл* **ёкқанда уни тўхтатиш учун нима килинади?**

**28.** *Камалак* **чиққанда қандай иримлар қилинади? Камалак тўғрисидаги афсоналарни биласизми?**

**29.** *"Чорва хисоби"* **ҳисобини биладиган чўпонлар билан суҳбатлашиб, бу ҳисоб тўғрисида маълумотларни ёзиб олинг.**

**30. Сурувни бахорда** *биринчи марта яйловга чицаришт* **кандай иримлар килинади?**

**31.** *Тўл вакти* **бажариладиган ирим-сиримлар тўғрисида маълумот беринг?**

**32.** *Чорвани касалликлардан ва зиён-захматдан сацпаш* **учун қилинадиган ирим-сиримлар борми?**

**33.** *Қиш ва баҳор кандай келишини* **олдиндан қандай белгиларга қараб аниқласа бўлади?**

**34. Эрта бахорда йил яхши келиши, эл-юрт тинчлиги учун кандай маросимлар килинган ("дарвешона" ва бошка)?**

**35. Юлдуз учганда нима дейилади? Бу ҳодисанинг сабабини кексалар кандай изохдайдилар.**

**36. Қуёш ёки ой тутилганда кандай ирим-сирим килинган? Бу ҳодисалар тўгрисида халқ орасида афсоналар борми?**

**37. Шамол чақириш ёки уни тўхтатиш учун "Мирҳайдар", "Ялли момо" типидаги маросимлар қилинадими?**

**"Сўровнома"нинг охирида мазкур анкета асосида этнофольклористик материалларни ёзиб олувчига мўлжалланган қуйидаги эслатма келтирилади:** *"Қишлогингиздаги кекса, зукко кишилар билан учрашиб, ушбу саволлар асосида сухбатлашинг ва улар айтиб берган маълумотларни кўпварақли дафтарга ёзиб олинг. Хар бир ахборотчининг исми-шарифи, тугилган йили ва ойи, манзили, маълумоти, у руги ҳацидаги маълумотларни ҳам қайд цилиб боринг. Материални ёзиб олувчи фольклор тўпловчи, яъни ўзингиз ҳацингизда хам маълумот беришни унутманг".*



**Бизнинг ана шу сўровнома воситасида олиб борган фольклористок изланишларимиз натижасида сўровноманинг "Куёш чиқиб турганда ёмгир ёгса нима деб ўйлаганлар", "Баҳор қургоқчилик келиб, ёмгир бўлмаганда ёмгир ёгдириш учун қандай маросим килинган?" "Ёмгир кўп ёққанда уни тўхтатиш учун кандай иримлар килинади?", "Туйда ёмгир ёгишининг сабабини нима деб ўйлайдилар ва ёғинни тўхтатиш учун қандай ирим-сиримлар бажарилади?" каби 8-10-саволларига олинган маълумотларни картографик метод асосида таҳдил қилганимизда, Зарафшон воҳасининг Самарканд, Навоий, Бухоро вилоятларининг ўрганилган туманларида яшовчи аҳоли орасида ёмгир ёгдириш ва уни тўхтатиш билан алокадор кадимги мифологик тасаввурлар ва маросимларнинг қуйидаги тарздаги қолдиқ ҳолда етиб келган реликтлари сақланганлиги маълум бўлди:**

**Куёш чиқиб турганда ёмгир ёгса: "бўри тугди" ("тулки болалади") дейишган** *(Навоий вилояти, Навоий тумани, Арабхона, Жалойир цшилоклари; Навбахор тумани, Арабсарой цишлогй),* **"яхшиликка бўлсин, тулкилар болалаяпти" дейишган** *(Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, Уларбиби циишоги),* **"ҳаво қнсир келди, бўри тугди" дейдилар ва янги чақалоқ кўрган аёлларни ҳовлига чақармайдилар. Чунки унга "бўри чилласи тушади" деб ирим қиладилар. Агар шундай пайтда фарзанд кўрган аёл бехосдан ҳовлига чиқиб қолса, кирк чилласи чиқмаган бўлса, ўша аёл ўн икки йилда фарзанд кўриши мумкин, чунки бўри хар ўн икки йилда болалайди деб ўйлайдилар** *(Самарканд вилояти, Пахтачи тумани, Дарайтут цишлогй),* **кимнинг бош фарзанди бўлса, ўшани ташқарига олиб чиқиб ечинтириб, қиблага қаратиб қўйганлар ва орқасига уриб туриб: "Бўри бола тугди, овчи уни қувди, ушлай олмай югурди, ёмгир уни ювди", - деб қўшиқ айтишган** *(Каттақўргон шаҳри).*

**Қурғоқчилик бўлганда ёмгир ёгдириш учун: ариқларнинг бўйига қозон куриб, бўгирсоқ пиширганлар** *(Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Арабсарой кишлогй),* **учта момо тепасига галвир ёпиб уйма-уй юрган ва "Сел хотим, селдир хотин, Ҳаволарни ёгдир хотин, Ерларимиз қурғоқ бўлди, Бандалар сувлоқ бўлди", - деб қўшиқ айтиб садақа тўплаган** *(Самарканд вилояти, Пахтачи тумани, Дарайтут кишлогй),* **"Сўз хотин сўзалоним келди!" - деган айтимни айтиб келган кампирнинг устидан бир челак сув қуйгаилар** *(Навоий вилояти, Нурота тумани, Дуоба кишлогй; Навбщор тумани, Учтут цишлогй),* **сумалак пишириб, буғдойнинг пўстини ариққа окизганлар** *(Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Вангози кишлогй, Навбахор тумани, Учтут, Қалконота кишлоклари),* **сумалак майсасини ариққа окизганлар** *(Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Ғамхўр кишлогй, Навбахор тумани, Учтут қишлоги),* **сумалакка ташланган тошларни териб олиб ювишган ва бирорта рўт(ариқ)нинг бўйига қон чиқариб кўмишган** *(Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Тошрабод кишлогй),* **"ийирма жипқа" (юпқа) қилиб, сувга оқизилади ва ёмгир пирларига ис чиқарилиб, тарқатилади** *(Навоий вилояти, Навбахор тумани, Қалцонота цишлогй),* **тошбақани тескари қилиб қўйишган** *(Самарканд вилояти, Пахтачи тумани, Добусия кишлогй; Навоий вилояти, Навбахор тумани, Учтут кишлогй),* **қурбақа ёки тошбақани дарахтга осишган** *(Навоий вилояти, Навбахор тумани, Учтут цишлогй; Самарканд вилояти, Каттакўргон шаҳри),* **тошбақани чаппа қилиб тагига тупурганлар ёки тошбақани сувга ташлаганлар** *(Самарцанд вилояти, Пахтачи тумани),* **тошбақани ағдариб қўйганлар** *(Навоий*

*вилояти, Навбаҳор туманы, Учтут цишлоги),* **қабр бошига экилган буғдойни бузиб келишган** *(Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Куччи цишлоги; Нурота тумани, Қизилча цишлоги),* **супургини сувга солиб ивитиб, қибла томонга уч марта сепиб, кейин лаган тагига бостириб қўйишган** *(Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Тарнаут цишлоги),* **Одамлар ёгочдан сув хотин қилишиб: "Сув хотин, сув хотин, Ёмгир ёгдир сув хотин, - деб айтим айтишган** *(Навоий вилояти, Нурота тумани, Деҳибаланд цишлоги),* **бир кампир бошига рапида кийиб, икки енгига енгса кийиб, одамларникига кирган. Одамлар унинг бошидан сув куйишган. Кампир билан бирга борган аёллар: "Сув кампир, сув кампир, ёмгирни ёгдирган кампир, бугдойни уйдирган кампир, ўрани тўлдирган кампир" деб қўшиқ айтишган** *(Самарканд вилояти, Каттакўргон тумани, Уйшун цишлоги),* **қишлоқнинг сочи оқариб кетган энг кекса кампирини ташқарига чиқариб, ўтиргизиб қўйиб устига оқ пўстак ёпишган ва унинг устига сув қуйганлар. Эшак миндириб кўчани айлантириб юриб, "Сел хотин, сел хотин, Сув келтирсин сел хотин" деб айтим айтишган** *(Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Арабсарой цишлоги),* **бир кизнинг устидан сув қуйиб, қўшниларининикига ўтказганлар ва: "Чул хотин, чулдир хотин, ёмгирларни ёгдир хотин, бугдойларни бўлдир хотин, майсаларни ўстир хотин", - деб қўшиқ айтганлар** *(Навоий вилояти, Навбахор тумани, Қарнобота кишлоги),* **тошбақани ипга осиб, кампирни кийинтирганлар ва тошбақа устидан сув қуйиб туриб: "Ёмгир ёғсин, сўз хотин, ўралар тўлсин, сўз хотин, оқ-оққина бузоқдар, оқиб ўтсин, сўз хотин, қарри-қарри момолар, жавраб ўтсин, сўз хотин", - деб қўшиқ айтганлар** *(Самарканд вилояти, Пахтачи тумани, Қўшработ цишлоги),* **аёллар эркаклардан узоқроқ ерга бориб, лозимларини тескари ечиб, сават тагига бостириб қўйганлар** *(Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Вангози цишлоги),* **кари кампирлар чўпга тўн кийгизиб, бошига нон ёпадиган рапидани кийиб ҳовлима-ҳовли юришган ва: "Ёмгир ёгсин дейман, бугдойлар ўссин дейман, ёмгирдан бахра олиб, омборлар тўлсин дейман", - деб қўшик айтишган. Қўшиқни эшитган кишилар кампирларга атаган нарсаларини чиқариб бериб, кампирнинг устидан сув қўйганлар** *(Каттакўргон шахри),* **янги чиққан кўкатларни чопиб, сувини сиқиб қиблага қараган деворга сепганлар** *(Навоий вилояти, Навбахор тумани, Охунбобоев ширкат хўжалиги),* **Бир хотинни оқ кийинтириб "Сус хотин" қилганлар. Аёллар томга чиқиб, унинг устидан сув қуядилар** *(Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Тарнаут цишлоги),* **оиланинг тўнғич боласи бўлган қиз бола ташқарига чиқиб уч марта рўмолини қоққан** *(Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Меҳнатобод кишлоги),* **кексалар "Бурай, бурай, буралайни кўрай" деб осмонга қараб қўшиқ айтганлар тошбақани агдариб қўйганлар** *(Навоий вилояти, Навбахор тумани, Учтут цишлоги),* **бир аёлни эшакка миндириб устидан сув сепганлар ва унинг кийимлари куригач ёмгир ёгади деб ирим қилганлар** *(Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, Сайёд цишлоги).*

**Ёмгир кўп ёгса, уни тўхтатиш учун: оиладаги тўнғич боланинг орқасини қиблага қаратиб очиш** *(Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Қайиш цишлоги; Навбахор тумани, Учтут цишлоги; Қизилтепа тумани, Харатон цишлоги),* **тўнғич боланинг кетига шаппатлайди** *(Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Тарнаут цишлоги),* **том бошига челак тўнкариб қўйилади** *(Самарканд вилояти, Пахтачи тумани, Добусия цишлоги),* **тандир ёки ўчоқни сувашган, тандирга сув сепишган** *(Навоий вилояти, Навбахор тумани, Учтут цишлоги; Хатирчи тумани, Қайиш, Довтепа, Куччи цишлоцлари; Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Тарнаут цишлоги),* **ёмгир сувидан лой қилиб, ўчоқ ясаганлар ва олов ёқишган** *(Навоий вилояти, Нурота тумани, Қизилча цишлоги),* **қибла ва кун ЦИҚар томонга қаратиб ойна қўйганлар** *(Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Учтут цишлоги; Қизилтепа тумани, Харатон, Кўкработ цишлоцлари; Хатирчи тумани, Остона цишлоги; Бухоро вилояти, Пешкў тумани, Каласоли шилоги),* **бош фарзанд қиз бола бўлса, унинг рўмолини уч марта силкитганлар** *(IJухоро вилояти, Пешкў тумани, Каласоли цишлоги),* **кўк латтадан қўгирчоқ қилиб, қибла деворга осиб қўйилади** *(Навоий вилояти, Хатирчи тумани, ()стона цишлоги),* **еттита калнинг отини бир қоғозга ёзиб, уни қибла деворга осиб қўйганлар** *(Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, Сайёд цишлоги),* **ойнани киблага қаратиб, ёнига пахта ҳамда** нон **қўйишган** *(Кармана шахри),* **болалар уйма-уй юриб: "Ҳалқон, халқон хотин, зери гандум поч кун, аз гандуми баҳори, лола-лўла почи кун", - деб "Ҳалқон-ҳалқон" айтганлар ва хар уйдан бир қисмдан** ун **олиб овқат қилиб тарновлардан қуйганлар** *(Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Авохли цишлоги).*

**Тўй куни ёмғир ёгса: "фалончи қозондан қирмоч еган" ёки "фалончининг қайи" дейилади** *(Бухоро вилояти, Олот тумани, Жумабозор, Қассоббаёт, Банги цишлоцлари; Қоракўл тумани, Жигачи, Тангачар, Қорожи, Кетмонтўкди цишлоцлари),* **ширгуруч овқатини пиширганда қозон тагида қолган қирмочини еса, тўйида ёмгир ёгади деб ирим қиладилар** *(Навоий вилояти, Нурота тумани, Ғозгон цишлоги),* **суннат тўйида ёгса, тўйболанинг ота-онасидан бирови қозоннинг тагини ялабди; никоҳ тўйида ёмгир ёғиб қолса, куёв ёки келин қозоннинг тагини ялаган экан-да, дейди** *(Навоий вилояти, Навбахор тумани, Арабсарой цишлоги, Қизштепа тумани, Вангози цишлоги),* **гўй эгалари хасис экан дейдилар** *(Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Қалцонота цишлоги),* **"тўй эгалари хафа бўлибди" дейдилар** *(Навоий вилояти, Навоий тумани, Жалойир цишлоги),* **"жуда йиглоқи қиз экан-да" дейдилар** *(Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Кўкработ, Вангози цишлоги; Навоий тумани, Жалойир цишлоги),* **туй учун тайёрланган масалликдар** (ун, ёг, **Гуруч)дан озрогини ёнаётган оловга ташлаб, ойнани қиблага қаратиб қўйганлар** *(Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Остона цишлоги),* **тўйида ёмгир ёгадиган кишиларни "ядаси бор" деганлар. Агар бола ёшлигида қатиқ ивитилган идишнинг остини яласа, ўшанинг тўйида доимо қор ёки ёмгир ёгади дейдилар** *(Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, Уларбиби цишлоги),* **оилада тугилган тўнғич боланинг кетини очиб, қиблага қаратадилар.** *(Бухоро вилояти, Гиждувон тумани, Уларбиби цишлоги),* **тўй бўлаётган хонадоннинг тўнғич боласининг орқасини очиб, уч марта "очил" деб шапатилайдилар** *(Навоий вилояти, Навбахор тумани, Охунбобоев ширкат хўжалиги),* **тўнғич боланинг орқасини очиб "ёмгир тинсин, тўй бўлсин, кўп-кўп бўлса ёгаверсин" деб ирим қилишган** *(Самарцанд вилояти, Пахтачи тумани),* **"тўкин-сочинлик оулади, арзончилик бўлади" деб қувонадилар** *(Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Тарнаут цишлоги),* **"Ман онамнинг тўнғичи, ман отамнинг тўнғичи, ман қозоннинг қирғичи", - деб қиблага караб** уч **марта такрорлайдилар** *(Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Тарнаут цишлоги),* **"сероб келин келди" дейдилар** *(Нурота шаҳри).*

**Демак, картографик метод тарихий-фольклорий жараён билан боғлиқ муайян ҳодисанинг маълум бир жўгрофий худуд доирасидаги тарқалиш ҳолати, айниқса, қадимий инончларга алоқадор мифологик эътиқод ва образларнинг халқ тасаввурида сақданиб қолиш даражаси, халқ лирикасининг ижрочилик анъаналари, маросим фольклори ва эпик сюжетлар тизимининг вариантларини иниқлаб, комплекс тадқиқ этишга асос беради.**

**Бугунги кунда ҳам фольклор асарларини муайян ҳудудлар бўйича ареал кадқиқ** этиш, фольклор анъаналарининг **локал** хусусиятларини аниқлаш,

айникса, макрл, топишмоқ, болалар фольклори, маросим фольклори, айтим-олқиш, афсун-аврашларнинг ўзига хос табиатини тадқиқ этишда картографик йўналишда иш олиб бориш муҳим илмий аҳамият касб этади.

## СТРУКТУРУ АЛ ТАҲЛИЛ МЕТОДИ

Фольклоршунослик тарихида бадиий матнни муайян қисмларга ажратиб таҳдил қилишга асосланган илмий метод «структуруал таҳлил методи» деб юритилади. Бу метод тарафдорлари фольклор асарларидаги ҳар бир сюжет элемента - мотив, лавҳа, образ ва ҳатто, энг кичик бадиий деталларгача илмий тавсифлаш асосида асар морфологиясини тадқиқ этиш натижасида халқ бадиий тафаккурининг поэтик моҳияти ва конуниятларини очиб беришга ҳаракат киладилар. Структуруал тахдил методининг асосий мақсади бадиий асарнинг мазмунини эмас, балки тузилишини, шаклий жиҳатини ўрганишдан иборатдир.

Фольклоршуносликда эпик матнларни структуруал ўрганишга дойр илк қайдлар А.Н.Веселовский каламига мансуб бўлиб, у "Асарлар тўплами"нинг 1913 йилда чоп эттирилган 2-жилди (1-қисм)га киритилган "Тарихий поэтика" асарида мотив - сюжетни ташкил этувчи энг кичик элемент эканлигини илмий-назарий жиҳатдан асослаб берган эди. Р.М.Волков ўзининг халқ эртаклари сюжет тизимининг шаклланиш тарихига дойр тадқиқотида (Одесса, 1924) рус, украин, белорус эртакларининг матнларини композицион қурилиши жиҳатидан ўрганиб, эртак структурасида муайян бадиий формулалар (масалан, вокеа-ҳодисаларнинг уч марта такрорланиши, персонажлар сонининг учта бўлиши ва х.к.) муҳим роль ўйнашини аниқдаган.

1928 йилда эртакларни структуруал тахдил қилишга бағишланган икки асар - А.Н.Никифоровнинг "Халқ эртакларини морфологик жиҳатдан ўрганиш масаласига дойр" номли мақоласи хамда В.Я.Проппнинг "Эртак морфологияси" асари босилиб чиқди.

А.Н.Никифоров тадқиқотининг муҳими жиҳати шундан иборат эдики, у фольклоршуносликда биринчи бўлиб эртак структураси билан боғлиқ қуйидаги "морфологик конун"лар мавжудлигини аниқлади:

а) воқеалар ривожини тезлаштириш ёки сусайтириш мақсадида эртак структурасини белгиловчи муайян элементларнинг изчил такрорланиши;

б) "композицион ўзак қонуни" ёки ҳар бир эртақда битта ёки иккита қаҳрамон мавжудлиги, қаҳрамонларнинг тенг ҳуқуқли ёки аксинча бўлиши;

А.Н.Никифоровнинг фикрича, эртак сюжетада ҳаракат қилувчи етакчи қаҳрамон хамда иккинчи даражали персонажларнинг комбинациялашган функциялари эртак сюжетини ташкил этувчи асосий семантик элементлар тизимини ташкил этади.

Эртак жанрига оид бадиий матнларни морфологик жиҳатдан тадкик этган В.Я.Пропп эса "ҳаракатланувчи персонажларнинг функциялари" сеҳрли эртакларнинг ўзгармас, доимий ва такрорланиб турувчи тургун элементлари эканлигини кашф этди. "Эртак морфологияси" китобида келтирилишича, бу "функциялар" қуйидагилардан иборат: узоқлашиш, таъқиқ ва унинг бузилиши, зиён етказувчи персонажга қаҳрамон ҳақида маълумот берилиши, етишмовчилик, воситачилик, сафар, ҳомийнинг илк функцияси ва қаҳрамоннинг унга муносабати, қаҳрамоннинг қайтиши.

XX аср фольклоршунослигида структуруал тахдил методи Н.Рошияну, М.Ю.Лотман, Е.М.Мелетинский, Б.Н.Путилов, В.М.Гацак, М.Ю.Сегал, Ф.Гўзалов каби олимлар томонидан ривожлантирилди.



Узбек фольклоршунослигида структуруал таҳдил методи Г.Жалолов, Х.Эгамов, Н.Дўстхўжаевалар томонидан сеҳрли эртакларни ўрганишда самарали қўлланилган. Хусусан, Н.Дўстхўжаеванинг «Узбек сеҳрли эртакларининг структуруал таҳдили» номли номзодлик диссертацияси структуруал тахдил методининг моҳияти ва халқ насри жанрларини тадқиқ этишда қўлланилиши масалалари ёритиб берилган. Тадқиқотчи ўзбек сеҳрли эртакларидаги анъанавий бошламалар - инициал формулалар таркиби ва унинг асар бадииятини мукаммаллаштиришдаги вазифаларини аниқдаган. Эртак сюжтетини ташкил этувчи ҳар бир элементни алоҳида-алоҳида олинган ҳолда ўрганган тадқиқотчи ўзбек сеҳрли эртаклари асосан «етишмовчилик», «шарт», «таъқиқ», «туш», «сафар», «вазифа», «курол-яроғ», «рақиб», «тамга», «мукофот-хазина», «ўтиш формуласи», «қайтиш» каби элементлардан иборат деган хулосага келган.

Структуруал тахдил методи ўзбек халқ сеҳрли эртакларининг моҳиятини белгиловчи «тилсим» ёки «сеҳр»ни «сеҳрли хусусиятга эга бўлган жонивор (от, кийик, турли гаройиб кушлар, илон, бўри каби)», «жонивор кўринишида тасаввур қилинган зооморф образлар (дев)», «инсон қиёфасида тасаввур килинган антропоморф образлар (ялмогиз, пари, Хизр)», «сеҳрли сўз («очил қамиш», «қайна хумча», «ур тўқмоқ» каби)», «тилга кириш (от, кийик, илон, сигар ва бошқа жониворнинг тилга кириб одамдай сўзлаши)», «сеҳрли ашёлар (ойнаи жаҳон, сеҳрли тош, ялмоғизнинг ойнаси ва тароғи, сандиқ, қути, қайна хумча, узук каби)», «трансфигурация (бир шаклдан бошқа кўринишга ўтиш, яъни эврилиш)» воситасида намоён бўлишини кўрсатди.

Фольклор асарларини структуруал тахдил методи асосида ўрганиш бадиий асарни ҳар томонлама тадқиқ этишнинг имкониятларини янада кенгайтиради.

## МУНДАРИЖА

**Сўз боши** ........ **3**
***ФОЛЬКЛОРШУНОС МАКТАБЛАРИ*** ........ **6**
**Фольклоршуносликда «мифологик мактаб» назарияси** ........ **6**
**«Фин мактаби» ва унинг «тарихий-географик методи»** ........ **24**
**«Сайёр сюжетлар назарияси» ёки «миграцион мактаб»** ........ **36**
**Фольклоршуносликда «антропологик мактаб» назарияси** ........ **42**
**Фольклоршуносликда «тарихий мактаб» назарияси** ........ **55**
**Фольклоршуносликда «ритуал-мифологик мактаб» назарияси** ........ **60**
***ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК МЕТОДЛАРИ*** ........ **69**
**Қиёсий-типологик метод** ........ **69**
**Тарихий-қиёсий метод** ........ **76**
**Картографик метод** ........ **79**
**Структуруал таҳдил методи** ........ **88**

**Маматкул ЖЎРАЕВ**

**ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК АСОСЛАРИ**

Оригинал макетдан босишга рухсат этилди 06.02.2008.
Times гарнитурасида ракамли босма усулида босилди. Бичими 60x84 $Vi_6$
Адади 300.